



Ўзбекистон Республикаси  
Ички ишлар вазирлиги nashri

Bosh maqsadimiz – xalq manfaatlariga xizmat qilish

2020-yil  
31-dekabr  
payshanba

№ 48 (4486)

# Postda На посту

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan

Web-site: www.postda.uz

E-mail: info@postda.uz

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСГА МУРОЖААТНОМАСИ

Ассалому алайкум, ҳурматли депутат ва сенаторлар!

Азиз юртдошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Олий Мажлисга ва халқимизга йўлланаётган бу йилги Мурожаатнома, ўтган йиллардан фарқли равишда, мураккаб бир даврга тўғри келмоқда.

Барчамиз яхши биламизки, бугунги кунда бутун инсоният коронавирус пандемияси деган глобал офатни бошидан ўтказмоқда. Бундай улкан фалокат жаҳон миқёсда сўнгги юз йилда рўй бермаган, десак, аини ҳақиқатни айтган бўламиз.

Охири маълумотларга кўра, дунёнинг 191 мамлакатда 81 миллион киши коронавирус билан касалланган. Улардан 1 миллион 765 минг нафари вафот этган.

Пандемия жаҳон иқтисодиёти учун – шунга эътибор беринг – ҳар ойда қарийб 400 миллиард доллар миқдорда зарар келтирмоқда. Бугунги кунга қадар дунё бўйича 500 миллионга иш ўрни йўқотилган.

Афсуски, бу офат бутун инсоният қатори халқимиз учун ҳам қутилмаган ташвиш ва мураккаб муаммоларни келтириб чиқарди. Бухоро ва Сардобада юз берган табиий ва техноген офатлар ҳам эл-юртимизнинг иродасини яна бир бор синовдан ўтказди.

**Халқимизнинг букилмас иродаси, фидокорона меҳнати ва матонати, аҳоли ва давлат органларининг биргалликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли мавжуд қийинчиликларни мардона энгиб ўтмоқдамиз.**

Хабарингиз бор, пандемиянинг биринчи кунларидан бошлаб бутун бошқарув тизими ва барча тиббиёт муассасалари фавқуллода иш режимига ўтказилди.

Қисқа муддатда Тошкент шаҳри ва ҳудудларда барча шароитларга эга бўлган қарийб 30 минг ўринли даволаш масканлари ташкил этилди. Улар зарур дори-дармон, химоя ва энг замонавий диагностика воситалари билан таъминланди. Пандемияга қарши курашиш учун 200 мингдан зиёд тиббиёт ходими, жумладан, чет эллик 150 нафар юқори малакали шифокор ва мутахассислар жалб этилди.

Хориждан 600 мингдан ортиқ ватандошларимиз юртимизга олиб келинди. Чет элда қийин аҳволга тушиб қолган 100 мингга яқин фуқароларимизга зарур ёрдамлар кўрсатилди.

Пандемия оқибатларини юмшатиш ва бартараф этиш учун давлат томонидан жами 82 триллион сўмлик комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Инқирозга қарши жамғарма ташкил этилиб, коронавирусга қарши курашиш, аҳоли ва


корхоналарни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ тадбирларга бюджетдан 16 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Шунингдек, давлат корхоналарига ва 500 мингдан зиёд тадбиркорлик субъекти ҳамда қарийб 8 миллион фуқарога жами 66 триллион сўмлик солиқ имтиёзлари, кредит муддатларини узайтириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича амалий ёрдамлар берилди.

«Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати доирасида фидойи ва олижаноб ватандошларимизнинг фаол иштирокида 800 мингдан зиёд эҳтиёжманд оилаларга 1 триллион сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди.

Ўз пайтида кўрилган тезкор ва тизимли чораларимиз натижасида ушбу хатарли касалликнинг кенг тарқалишига йўл қўйилмади. Юртимизда осойишта ҳаёт, барқарор иқтисодий ривожланиш давом этмоқда.

Карантин талабларини тўғри қабул қилиб, уларга амал қилган, сабр-тоқатли, олижаноб халқимизга, ўта хатарли вазиятда ўзини аямасдан мардона меҳнат қилган жонкуяр шифокорларга, «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракатида муносиб иштирок этган барча тадбиркор ва фуқароларимизга яна бир бор ўзимнинг чуқур миннатдорчилигимни изҳор этаман.

(Давоми 2-бетда).





# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

Пандемияга қарши курашда бизга амалий кўмак берган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро молия институтлари, Россия, Хитой, АҚШ, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари, Жанубий Корея, Япония, Германия каби давлатлар раҳбарларига ташаккур билдираман.

Мамлакатимиз билан яқин дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган чет давлатларнинг ҳурматли элчилари, халқаро ташкилотлар вакиллари раҳмат айтиб, эзгу тилақларимни билдиришдан мамнунман.

Ҳурматли парламент аъзолари!

Қадрли дўстлар!

Жорий йилда «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодий ривожлантириш» Давлат дастурига мувофиқ янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича барча соҳаларда ислохотларни қатъий давом эттирдик.

Халқаро валюта жағфармаси ва халқаро рейтинг агентликлари таҳлилларига кўра, бу йилги синовларга қарамадан, Ўзбекистон дунёнинг санокли давлатлари қаторида ижобий ўсиш суръатларини сақлаб қолди.

Европа Иттифоқи тузилмалари билан яқин ҳамкорликда мамлакатимизга кенгайтирилган савдо преференциялари – «GSP+» тизимини татбиқ этиш бўйича, муҳим қадамлар ташланди. Ушбу тизим келгусида республикаимизда ишлаб чиқариладиган 6 мингдан зиёд турдаги маҳсулотларни Европа бозорига бож тўламасдан олиб кириш имконини беради. Бу, ўз навбатида, биргина тўқимачилик маҳсулотларининг йиллик экспортини 300 миллион долларга ошириш учун шароит яратди.

Жорий йилда мамлакатимизнинг халқаро молия бозорларига чиқиш имкониятлари янада яхшиланди, илк бор миллий валютада 2 триллион сўмлик давлат еврооблигациялари паст фоизларда жойлаштирилди.

Бу йил республикаимизда 197 та йирик, минглаб кичик ва ўрта корхоналар ҳамда инфратузилма объекти барпо этилди. Жумладан, «Навоийазот» да аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш комплекси ҳамда азот кислотаси заводи, Муборак, Гази ва Шўртан нефтьгаз корхоналарида суьолтирилган газ ишлаб чиқариш қурилмалари, Тошкент металлургия заводи каби йирик қувватлар ишга туширилди.

Биргина энергетика соҳасида хорижий инвесторлар билан давлат-хусусий шериклик асосида 6 та янги электр станциясини барпо этиш ишлари бошланди. Уларнинг умумий қиймати 2 миллиард доллар бўлиб, 2 минг 700 мегаватт қувватга эга.

Тошкент шаҳрида 2 та янги метро станцияси ва илк бор 18 километрлик ер усти метроси фойдаланишга топширилди.

Қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар, ер майдонлари тўлиқ хусусий кластер ва кооперациялар берилгани пахтачиликка ҳосилдорликни бир йилда ўртача 10 фоизга ошириш имконини яратди.

Мева-сабзавотчилик, галлачилик ва чорвачиликка ҳам 500 га яқин кластер ва кооперациялар фаолияти йўлга қўйилди. Бунинг натижасида, пандемиянинг салбий таъсирига қарамадан, 1 миллиард долларлик мева-сабзавот экспорт қилинди.

Бу йил 91 минг гектар ер майдони қайтадан фойдаланишга киритилди. 133 минг гектар ёки ўтган йилга нисбатан 2 баробар кўп майдонда сувни тежайдиган технологиялар жорий этилди.

Тадбиркорликни кенг қўллаб-қувватлаш бўйича қўллаб-имтиёз ва енгилликлар берилди. Тадбиркорлик субъектларига 100 триллион сўм ёки

2016 йилга нисбатан қарийб 4 баробар кўп кредитлар ажратилди.

**2020 йил аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида туб бурилиш йили бўлиш, десак, муболага бўлмайди.**

Аввало, аҳолининг муайян қатлами ўртасида камбағаллик мавжудлигини биринчи марта тан олиб, уни қисқартириш бўйича кенг қамровли ишларни бошладик.

Барча туман ва шаҳарларда, ҳар бир маҳаллада эҳтиёжманд оилалар, аёллар ва ёшлар билан манзилли ишлаш бўйича мутлақо янги – «темир дафтар» тизими жорий этилди. Қисқа муддатда бу тизим орқали 527 минг фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Бундан ташқари, ўзини ўзи банд қилган аҳоли учун солиқ имтиёзлари берилиши ҳамда кўпгина чекловларнинг бекор қилиниши туфайли 500 минг нафар фуқаро меҳнат фаолиятини қонуний тарзда йўлга қўйди.

Деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгаларига 300 миллиард сўм имтиёзли кредит ва субсидия ажратилгани ҳам қишлоқ аҳолисини ижтимоий қўллаб-қувватлашда янги йўналишга айналди.

Тошкент шаҳри, Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида ташкил этилган «IT-Парклар»да 500 дан ортиқ замонавий компаниялар иш бошлади.

Яқунланаётган йилда марказлашган ичимлик сув таъминотини яхшилаш учун 3 триллион сўм ёки 2016 йилга нисбатан 5 баробар кўп маблағ ажратилди. Натижада аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 73 фоизга етди.

Биргина жорий йилда ижтимоий нафақа олувчилар қамрови 2 баробарга оширилиб, 1 миллион 200 минг нафарга етказилди. Ушбу мақсадларга бюджетдан 2016 йилга нисбатан 5 баробар кўп маблағ ажратилди.

Кичик ёшдаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 4 йил давомида 2 баробар ортаб, 60 фоизга етди. Боғчалар сони эса 3 баробарга кўпайиб, 14 мингдан ошди.

Бу йил олий таълимга қабул параметрлари 2016 йилга нисбатан 2,5 баробарга ўсди, ёшларимизни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 9 фоиздан 25 фоизга етди.

Эҳтиёжманд оилаларнинг мингга яқин қизлари илк бор олий ўқув юртига рағбатли аҳолида давлат грантлари асосида қабул қилинди.

Ўзбекистон «Очиқ маълумотларни кузатиш» халқаро индексида 125 поғонага кўтарилиб, 44-ўринни эгаллади. Бунда давлат ва жамият бошқаруви соҳасидаги 20 та йўналиш бўйича кўрсаткичларни ошқор қилиб бориш амалиёти жорий этилгани муҳим аҳамият касб этди.

«Иқтисодий эркинлик» рейтингига ҳам мамлакатимизнинг 26 поғонага кўтарилиши ислохотларимизнинг халқаро майдондаги яна бир эътирофи бўлди.

Суд-ҳуқуқ соҳаси, жумладан, жиноий жазоларни либераллаштириш борасидаги ислохотларимиз ҳам изчил давом эттирилди. Натижада бу йил судланган шахсларнинг 74 фоизига нисбатан озодликдан жазо қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланди.

Жазо муддатини ўтаётган ва тузалиш йўлига қатъий кирган 616 нафар фуқаро афв этилди.

Судлар мустақиллиги таъминланиши натижасида жорий йилнинг ўзида 719 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилди.

Ўзбекистон фуқаролари қаерда бўлмасин, уларнинг конституциявий ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилинмоқда. «Меҳр-3» операцияси амалга оширилиб, Суриядан яна 98 нафар фуқаро, асосан аёллар ва болалар Ватанимизга олиб келингани бунинг яққол тасдиғидир.

Жаҳонда кечаётган мураккаб геосиёсий жараёнлар, коронавирус пандемия-

си ва глобал иқтисодий инқироз шароитида Ўзбекистон очиқ ва прагматик ташқи сиёсатни фаол олиб бормоқда. Халқаро майдондаги қатъий саъй-ҳаракатларимиз натижасида юртимизнинг нуфузи ва обрў-эътибори тобора юксалмоқда.

Мамлакатимиз тарихда биринчи марта Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо этиб сайланди. Яқинда АҚШ давлат департаменти томонидан Ўзбекистон диний эркинлик соҳасидаги «маҳсус кузатувдаги давлатлар» рўйхатидан чиқарилгани ҳам кенг кўламли демократик ислохотларимизнинг эътирофидир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг олий минбаридан илгари сурган глобал ва минтақавий ташаббусларимиз дунё ҳамжамияти томонидан катта қизиқиш билан қабул қилиниб, қўллаб-қувватланмоқда.

Қадрли халқ ноиблари!

Азиз юртдошлар!

Барчангизга маълумки, кириб келаётган 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигига 30 йил тўлади. Албатта, бу тарихий санани сиз, азизлар ва бутун халқимиз билан биргаликда «**Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!**» деган эзгу ғоя асосида кенг байрам қиламиз.

Бугун келгуси йил учун режа ва дастурларимизни аниқ белгилаб олар эканмиз, мустақиллик йилларида эришган ютуқларимизни янада мустаҳкамлаб, энг муҳим ва устувор соҳаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратамиз, албатта.

Таъкидлаш керакики, пандемия барчамизга тиббиётнинг бирламчи бўғини – тез ёрдам хизмати, санитария-эпидемиология тизимини тубдан ислоҳ қилиш муҳим ҳаётий зарурат эканини яна бир бор кўрсатди.

Ҳозирги вақтда дунёнинг бошқа минтақаларида кузатилаётган «пандемиянинг наватбадга тўлкини» ва у билан боғлиқ хавф-хатарлар ҳаммамизни янада ҳушёр ва огоҳ бўлишга ундамоқда.

Буюк аждодимиз Имом Мотуридидий ҳазратларининг «**Тириклик ҳикмати соғлиқда, деб билгин**», деган чуқур маъноли сўзлари нақадар тўғри эканини ҳаётнинг ўзи бугун қайта-қайта исботламоқда.

Шу боис мавжуд имконият ва салоҳиятимиз, пандемия даврида ортирган тажрибамиз ҳамда хориждаги илгор ютуқлардан фойдаланиб, аҳоли саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш борасидаги туб ислохотларимизни янги босқичга кўтаришимиз зарур. Бунда аҳоли, айниқса, ёшларимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш – энг устувор йўналишлардан бири бўлиши лозим.

Умуман, ҳар қандай жамият тараққиётида унинг келажагини таъминлайдиган ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши ҳал қилувчи ўрин тутди. Шу сабабли биз ислохотларимиз кўлами ва самарасини янада оширишда ҳар томонлама етуқ, замонавий билим ва ҳунарларни пухта эгаллаш, азму шижоатли, ташаббуслар ёшларимизга таянамиз.

**Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улғу мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улугбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак.** Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим.

Ушбу мақсад йўлида ёшларимиз ўз олдига катта марраларни қўйиб, уларга эришишлари учун кенг имкониятлар яратиш ва ҳар томонлама кўмак бериш – барчамиз учун энг устувор вазифа бўли-

ши зарур. Шундагина фарзандларимиз халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган буюк ва қудратли кучга айланади.

Шу мақсадда «**Янги Ўзбекистон – мактаб остонасида, таълим-тарбия тизимидан бошланади**», деган ғоя асосида кенг кўламли ислохотларни амалга оширамиз.

**Биринчидан**, ёш авлодга боғча, мактаб ва олийғоҳда сифатли таълим-тарбия беришни йўлга қўямиз, улар жисмоний ва маънавий соғлом, ватанпарвар инсонлар бўлиб улғайиши учун барча куч ва имкониятларни сафарбар этамиз.

**Иккинчидан**, ёшларни замонавий билим ва тажриба, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида мустақил ва мантиқий фикрлайдиган, эзгу фазилатлар эгаси бўлган инсонлар этиб вояга етказамиз.

**Учинчидан**, ўғил-қизларимизни меҳнат бозорига талаб юқори бўлган замонавий касб-ҳунарларга ўргатиш, уларда тадбиркорлик кўникмалари ва меҳнатсеварлик фазилатларини шакллантириш ҳамда ташаббусларини рўёбга чиқариш, иш ва уй-жой билан таъминлашга устувор аҳамият қаратамиз.

Бир сўз билан айтганда, бола туғилганидан бошлаб, 20 ёшгача бўлган даврда уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, ҳаётда муносиб ўрин топиши учун кўмак берадиган, хялти ва узлуксиз тизим яратилади.

Дунё тажрибаси шунки кўрсатадики, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказиш учун сарфланган сармоя жамиятга ўн, юз баробар кўп фойда келтиради.

Буюк бобокалонимиз Абу Али ибн Сино, бундан минг йил олдин «**Довюррак ва ботир инсонлар келажақда содир бўладиган қийинчиликлардан қўрқмайди**», деб бежиз айтмаган.

Яқинда Қашқадарё, Хоразм вилоятларида ва Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманида бўлиб ўтган учрашувларда ёшларимиз томонидан билдирилган дадил фикр ва ташаббуслар мени жуда қувонтирди.

Айниқса, кунни кеча Ёшлар форумида ўғил-қизларимизнинг ёниб турган кўзларида улкан азму шижоатни, билимга ташналик ва янгилликка интилишни кўриб, янада руҳландим ва улардан куч олдим. Ибн Сино бобомиз айтган довюррак ва ботир ёшлар айнан шу фарзандларим эканига яна бир бор амин бўлдим.

Агар катта авлоднинг билими ва тажрибасини, узоқни кўра олиш фазилатларини ёшларимиздаги ғайрат-шижоат, мардлик ва фидойилик билан бирлаштира оласак, кўзлаган марраларга албатта етамиз.

Янги Ўзбекистонни ана шундай билимли ва бунёдкор ёшларимиз билан биргаликда барпо этамиз.

Ана шу муҳим йўналишларда бошлаган ишларимизни давом эттириш ва янги, юксак босқичга кўтариш мақсадида кириб келаётган 2021 йилга мамлакатимизда «**Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили**», деб ном беришни тақлиф этаман.

2021 йил номида белгиланган соҳаларни тубдан ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш бўйича қўйидаги кенг кўламли ишларни амалга оширишимиз лозим.

**Биринчидан**, бола дунёга келганидан бошлаб, унда айнан мактабгача бўлган ёшда ақлий фаоллик ошади, ахлоқий-эстетик ва жисмоний хислатлар шаклланади.

Шу боис ҳам келгуси йилларда мактабгача таълим соҳасини ривожлантириш борасидаги стратегик мақсадимиз – боғча ёшдаги ҳар бир болани ушбу таълим йўналиши билан тўлиқ қамраб олиш учун зарур шароитларни яратишдан иборат.



# МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСГА МУРОЖААТНОМАСИ

Келгуси йил якуни билан мактабгача таълим қамровини 65 фоизга, 2023 йил охирида эса 75 фоизга етказишимиз керак. Бу ишларга бюджетдан 600 миллиард сўм субсидия бериш ҳисобидан кўшимча равишда 2 мингта нодавлат боғча ташкил этилиб, хусусий сектор улуши 25 фоизга етказилади.

Шунингдек, 2021 йилда мактабга тайёрлашнинг бепул тизими билан 560 минг нафар 6 ёшли болалар ёки уларнинг 82 фоизи қамраб олинади.

Узоқ қишлоқларда мактабгача таълимнинг муқобил шакллари янада кенгайтирилади. Бунда ЮНИСЕФ ҳамда Жаҳон банки билан ҳамкорликда имконияти чекланган болалар учун мактабгача таълимни уйда бериш модели ҳам йўлга қўйилади.

**Иккинчидан**, мактаб таълимини тубдан яхшилаш ва унинг сифатини ошириш, муаллимларга муносиб шaroит яратиш борасидаги ислохотлар жадал давом эттирилади.

Келгуси йили 30 та янги мактаб қуриш, 320 та мактабни таъмирлаш ва моддий-техник базасини яхшилаш мақсадида бюджетдан 2 триллион сўм ажратилади.

Соҳада ягона «электрон таълим» тизимини жорий этишга келгуси 2 йилда 250 миллиард сўм йўналтирилади.

Таълим сифатини тубдан яхшилаш мақсадида, аввало, ўқув дастурлари, ўқитувчи ва домлалар учун методик қўлланмаларни илғор халқаро мезонларга мослаштириш лозим.

Болаларнинг тахлилий ва креатив фикрлаш қобилиятини ривожлантириш учун уларга сермазмун ва тушунарли дарсликлар яратиш зарур. Бу борада келгуси ўқув йилида бошланғич синфларда давлат таълим стандарти ўрнига, илғор хорижий таъриба асосида, болага ортиқча юклама бермайдиган «Миллий ўқув дастури» жорий этилади.

Умумтаълим мактабларидаги таълим сифати пойтахтда ҳам, олис қишлоқларда ҳам юқори бўлиши шарт. Бунинг учун чекка ҳудудларда мактабларни малакали кадрлар билан таъминлаш, таълим сифатини яхшилаш бўйича алоҳида дастур амалга оширилади. Жумладан, бошқа тумандаги олис мактабга бориб, дарс берадиган ўқитувчилар ойлгига 50 фоиз, бошқа вилоятга бориб ишласа – 100 фоиз устамга ҳақ тўланади.

Шунингдек, ҳудудларда хусусий мактаблар фаолиятини рағбатлантириш учун бюджетдан субсидиялар ажратилади.

Ёшларнинг иқтидори ва салоҳиятини тўғри йўналтиришга қаратилган узлуксиз тизим яратилади.

Келгуси йилда юртимизда 10 та Президент мактаби, кимё-биология, математика, ахборот технологияларига ихтисослашган 197 та мактаб ўз фаолиятини бошлайди.

Иқтидорли ўғил-қизларимизнинг юқори технологиялар ва билимларни чуқур ўзлаштиришига кенг шароит яратиш ҳамда рақобатбардош миллий кадрларнинг янги авлодини тайёрлаш мақсадида Тошкент шаҳрида янги замонавий университет ташкил этилади. Ушбу олийгоҳда чет элданги етакчи олимлар ва профессор-ўқитувчилар жалб қилиниб, ёшларга энг замонавий дастурлар асосида таълим-тарбия берилади.

Болаларимизнинг меҳнат қўникмаларини мактаб давридан бошлаб шакллантириб бориш мақсадида «қасбга ўргатиш тизими» жорий этилади.

Яна бир масала – педагоглар малакасини ошириш, уларнинг машаққатли меҳнатини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Маълумки, муаллимлар ҳозирги бунда ҳар 5 йилда малака оширади. Бундан буён уларнинг «хаёт давомида ўқиш» тамойили асосида ўз малакасини узлуксиз ошириб бориши йўлга қўйилади.

Шунингдек, ўқитувчиларнинг ўз фанини билиши, педагогик маҳорати ва психологик тайёргарлигидан келиб чиқиб, тоифа бериш мезонлари ҳам қайта кўриб чиқилади.

Яна бир бор такрорлайман, **жамиятда ўқитувчи касби энг нуфузли ва обрўли касб бўлиши лозим**. Муаллимларимиз болаларга сифатли таълим бериш ва ўз устида ишлашдан бошқа нарсга ҳақида уйламаслиги учун давлат барча шароитларни яратиб бериши зарур. Шу боис ўқитувчи, мураббий ва методистлар меҳнатига муносиб ҳақ тўлаш бўйича бошлаган ишларимиз келгуси йилда ҳам давом эттирилади. Бунинг учун халқ таълими ходимларини рағбатлантириш ҳудудий жамғармаларига 330 миллиард сўм йўналтирилади.

Шу билан бирга, 240 мингдан зиёд мактаб ўқитувчиларига синф раҳбарлиги учун устамга тўловлар 1,5 баробарга оширилиб, бюджетдан 400 миллиард сўм қўшимча маблағ ажратилади.

**Учинчидан**, олий таълимнинг қамрови ва сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилади.

Кейинги йилдан бошлаб олий таълимга ажратиладиган давлат грантлари сони камида 25 фоизга оширилади.

Олий ўқув юртиларига қабул қилишда эҳтиёжманд оилалар қизлари учун грантлар сони 2 баробарга кўпайтириб, 2 мингтага етказамиз. Аъло баҳоларга ўқийдиган, ижтимоий ғимояга муҳтож қизлар учун махсус стипендиялар жорий этилади.

Ҳозирги вақтда ёшлар энг нуфузли олийгоҳларга кириш учун интилади, лекин олий ўқув юртиларга ўртасида билимли ва иқтидорли ёшларни жалб қилиш бўйича рақобат йўқ. Шу сабабли хусусий олийгоҳларга ҳам зарур мутахассисларни тайёрлаш бўйича давлат буюртмаси бериш тизими йўлга қўйилади.

Олийгоҳлар ва таълим тизимининг куйи бўғинлари ўртасидаги узвийликни кучайтириш мақсадида 65 та академик лицей олий ўқув юртига тасарруфига ўтказилади. Шунингдек, 187 та техника кум ҳам ўз йўналиши бўйича турдош олийгоҳ ва тармоқ корхоналарига бириктирилади.

Нуфузли хорижий университетлар, илмий ва инновацион марказлар билан алоқаларни кучайтириш, улар билан кадрлар тайёрлаш бўйича ҳамкорликни янада кенгайтиришимиз зарур.

Шу муносабат билан келгуси йилда «Эл-юрт умиди» жамғармаси орқали етакчи хорижий олий ўқув юртиларининг магистратура ва докторантурасида ўқишга юбориладиган ёшлар сони 5 баробарга оширилади. Бу дастур орқали илк бор бакалавр йўналишида чет элларга 100 нафар ўғил-қизларимизни юборамиз. Кейинги йиллардан уларнинг сони 2-3 баробарга кўпайтирилади.

Янги йилда юртимиздаги 30 та етакчи олийгоҳга ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, қабул квотаси ва молиявий масалаларни мустақил ҳал қилиш ҳуқуқи берилади.

**Тўртинчидан**, мамлакат тараққиётининг замини, ҳеч шубҳасиз, илм-фан ва инновациялардир.

Келгуси йилда илм-фан соҳасида олийгоҳлар ва илмий ташкилотлардаги докторантлар сони 4,5 мингтага етказилади ёки 2017 йилга нисбатан 3 баробарга оширилади. Ушбу мақсадлар учун бюджетдан қўшимча 240 миллиард сўм ажратилади.

Илғор халқаро амалиёт асосида доцент ва профессор илмий унвонлари, фалсафа ва фан доктори илмий даражаларини бериш ваколати ўз йўналиши бўйича нуфузли бўлган олийгоҳларнинг илмий кенгашларига ўтказилади.

Жорий йилда илк бор математика, кимё-биология ва геология фанларини таълим ва илмнинг устувор йўналиши сифатида белгилаб, уларни комплекс

ривожлантириш чоралари кўрилади. Жумладан, 98 та ихтисослашган мактаблар ҳамда Геология фанлари университети ташкил этилди. Фанлар дастурлари тубдан қайта кўриб чиқилди, ўқитувчиларнинг иш ҳақи оширилди.

Энди кейинги йил учун устувор илм-фан йўналишларини белгилаб олишимиз керак.

Агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак, дунёдаги деярли барча кашфиёт ва технологияларни яратишда физика фани фундаментал асос бўлганини кўрамиз. Ҳақиқатан ҳам, физика қонуниятларини чуқур эгалламасдан туриб, машинасозлик, электротехника, IT, сув ва энергияни тежайдиган технологиялар каби бугун замон талаб қилаётган соҳаларда натижага эришиб бўлмайдиган.

Буюк мутафаккир шоиримиз Мир Алишер Навоий ўз даврида ёшларга мурожаат қилиб, «**Кўёшлик истасанг, касби камол эт**», деб ёзганлар. Чиндан ҳам, одамларга кўёшлик беминанат нарқ таратишни, яхшилик қилишни истайдиган инсон, камолотга интилиб, турли илм ва касб-хунарларни ўзлаштириши лозим.

Ҳозирги даврда хорижий тилларни мукамал дўрганмасдан туриб, буюк бобомиз айтган ана шундай марраларга эришиб бўлмайди, десак, адашмаган бўламиз.

Бундай ўткир талабга амал қилиб, келгуси йилда физика ва чет тилларни ўрганишни устувор йўналиш этиб белгилашни таклиф этаман.

Шу мақсадда келгуси йилда таълимнинг барча бўғинларида ушбу фанларни ўқитиш сифатини тубдан ошириш, ихтисослашган мактаблар очиб, малакали педагогларни жалб этиш каби тизимли ишлар амалга оширилади.

Физика бўйича Аҳмад Фарғоний номидаги халқаро фан олимпиадаси ташкил этилади. Шунингдек, физика йўналишида илмий изланишлар қўлами ва сифатини ошириш, ёш олимларга зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилади.

**Бешинчидан**, ёшлар ўртасида бандликни таъминлаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масаласи эътиборимиз марказида бўлади.

Бунинг учун келгуси йилда профессионал таълим тизими меҳнат бозорига талаб ва халқаро андозаларга мос янги-ча ёндашувлар асосида ислох қилинади.

Бундан буён ишчи касблар бўйича талаб қўйишда малака асосий ўринга чиқади.

Шунинг учун Ҳукумат келгуси йил 1 январдан талаб юқори бўлган ишчи касблар бўйича фуқароларнинг малака даражасини тасдиқлаш тизимини жорий этсин.

Хабарингиз бор, Ёшлар форумидаги учрашувимизда ёшлар тадбиркорлиги ва бандлигини таъминлаш учун 100 миллион доллар ажратиш тўғрисида қарор қабул қилдик.

Бундан ташқари, ёшларнинг бизнес лойиҳаларини кредитлаш ҳамда уларни касб-хунарга ўқитиш учун 1 триллион сўм ва 50 миллион доллар ажратилади.

**Олтинчидан**, эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандлари, чин етим, ногиронлиги бўлган ва даволашига муҳтож болаларга алоҳида меҳр-муруват кўрсатиш бўйича янги тизим жорий этилади.

Ҳозирги кунда республикамизда алоҳида эътиборга муҳтож 18 ёшгача бўлган 150 минг нафар фарзандларимиз бор. Уларнинг таълим олиши, аниқ бир касбни эгаллаши учун қўмақлашиш, оғир касалликка чалинганларни даволаш, чин етимларга ҳаётда ўз ўрнини топишга ёрдам бериш, уй-жой билан таъминлаш – нафақат вазирамиз, аввало, инсоний бурчимиздир.

2021 йилда биринчи марта бюджетдан 900 нафар чин етим ёшларни уй-жой билан таъминлашга 50 миллиард сўм ажратилади.

Умуман, бундай эзгу ишларни тизимли йўлга қўйиш учун Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фондиди ташкил этиб, унга бюджетдан 100 миллиард сўм йўналтирсак, ўйлайманки, сизлар ҳам бу ташаббусни қўллаб-қувватлайсиз. Бу маблағлар йил давомида кўпайтириб борилади.

Бу ташаббус умумхалқ ҳаракатига айланиши, саховатпеша ҳаюмртларимиз ушбу хайрли ишга муносиб ҳисса қўшишига ишончим комил.

Олий Мажлис палаталари Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди фаолиятини қонун даражасида мустаҳкамлаб, бу борада фаоллик кўрсатган юрдошларимизни рағбатлантиришни ҳам назарда тутиши мақсадга мувофиқ. Шунингдек, Болалар Омбудсмани тўғрисидаги қонунни қабул қилишнинг ҳам вақти-соати келди.

Умуман, ёшларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича юқорида қайд этилган форумда жуда кўпмаб масалалар ечимини келишиб олдик. Шунинг учун бугун улар тўғрисида батафсил ўхталмадим.

Барчамиз учун эндиги вазифа – ушбу ташаббус ва таклифларни тўлиқ амалга оширишдан иборат.

Ҳурматли йўналиш иштирокчилари! 2021 йил учун ана бир муҳим йўналиш сифатида белгиланган тиббиёт соҳасида қуйидаги устувор вазифаларга алоҳида эътибор қаратилади.

**Биринчидан**, келгуси йилда ҳам коронавирус пандемиясига қарши курашни тизимли равишда давом эттириш – энг муҳим вазифаларимиздан бири бўлади.

Бу ишлар учун 2021 йил давлат бюджетидан 3 триллион сўм захира шакллантирилди. Ушбу маблағлар ҳисобидан, албатта, аҳолини коронавирусга қарши эмлаш тадбирлари ҳам амалга оширилади.

Санитария-эпидемиология хизмати сифатини ошириш, унинг моддий-техник базасини яхшилаш ва замонавий лабораториялар ташкил этишга 200 миллион доллар йўналтирилади.

Пандемия сабоқларидан келиб чиққан ҳолда, тиббиёт соҳасини рақамлаштириш қўлами янада кенгайтирилади. Жумладан, барча тиббиёт муассасаларида масофавий хизматларни кўпайтириш, поликлиника ва касалхоналарни электрон иш юритишга ўтказиш чоралари кўрилади. Шунингдек, республика ихтисослашган тиббиёт марказлари ва уларнинг филиаллари ўртасида телемедицина йўлга қўйилиб, диагностика ва даволаш учун жойлардаги имкониятлар янада кенгайтирилади.

**Иккинчидан**, она ва бола соғлиғига эътибор – жамиятга, келажакка эътибордир.

Шу мақсадда кейинги йилдан бошлаб 15 ёшгача бўлган болалар ва ҳомиладор аёлларга 7 турдаги витаминлар, болалар учун паразитар касалликларга қарши дори вазиталари бепул тарқатилади. Бу жараён билан 2021 йилда – 11 миллион нафар, 2022 йилда – 17 миллион нафар аҳоли қамраб олинади ва бу ишларга 100 миллиард сўм маблағ йўналтирилади.

Аёллар ва болаларни йод, темир, фолий кислотаси, витаминлар ва паразитарларга қарши дорилар билан бепул таъминлаш орқали аҳоли ўртасида камқонлик 25 фоизга камайитирилади.

**Учинчидан**, тиббиётнинг бирламчи бўғинини кучайтириш, аиниқса, қишлоқ ва маҳаллаларда тиббий хизматни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш зарур.

Бу борада бирламчи бўғинда умумий амалиёт шифокори ўрнига оилавий

(Давлати 4-бетда).



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ

(Давоми. Бошланғичи 1–3-бетларда).

шифокор ва унга ёрдамчи сифатида 5 нафар ўрта тиббиёт ходимидан иборат «тиббий бригадалар» ташкил этилади.

Ҳар бир маҳаллада, энг аввало, 5 ёшга болалар, шунингдек, туғиб ёшдаги ва ҳомилдор аёллар, ногиронлиги бўлганлар, қон-томир, онкологик, эндокрин каби касалликларга мойиллиги бўлган фуқаролар билан ишлашнинг алоҳида тизими жорий этилади.

Шу билан бирга, давлат томонидан бепул тиббий хизматлар ва дору воситалари рўйхати қайта шакллантирилиб, улар билан аҳолини кафолатли таъминлаш тизими босқичма-босқич йўлга қўйилади.

Шунингдек, тиббий хизматлар кўрсатишда бирламчи бўлган қамровини кенгайтириш мақсадида келгуси 3 йилда 315 та «оилавий шифокор» пункти ва 85 та оилавий поликлиника ишга туширилади.

Бундан ташқари, «қишлоқ шифокори» дастури доирасида олис ҳудудларда иш бошлайдиган мингдан ортқ врачга 30 миллион сўмдан ёрдам пули берилди ҳамда улар хизмат уйлари билан таъминланди.

Олис ва чекка ҳудудларда бирламчи ва ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш ва эҳтиёжманд аҳоли учун скрининг тадбирлариغا хусусий шифохоналар ҳам жалб этилиб, уларга субсидия ажратилади.

Ўрта бўлган тиббиёт ходимлари – ҳамшира ва фельдшерларнинг обрўси ва мавқеини оширишга алоҳида уруғ берилди. Жумладан, 47 та Ибн Сино номидаги техникумлари ҳар йили битирадиган 20 мингдан ортқ ўғил-қизларимиз тиббиётнинг бир неча соҳаларида касб эгаси бўлиб чиқди. Шунингдек, ўрта бўлган тиббиёт ходимларига «хамширалик иши» билан мустақил шуғулланиш учун рўхсат берилди.

**Тўртинчидан**, ҳозирги кунда 12 мингдан зиёд фуқароларимиз оқ қон ва оғир ирсий гематологик касалликдан азият чекмоқда.

Шу сабабли келгуси йилда онко-гематология соҳаси ҳамда даволаш қийин бўлган касалликлар бўйича мураккаб диагностика ва тиббий амалиётлар учун бюджетдан 250 миллиард сўм ажратилади.

Ўткир буйрак етишмовчилиги бўлган 5 мингдан ортқ бемор эса илк бор бепул гемодиализ хизмати билан қамраб олинди ва шу мақсадлар учун бюджетдан 140 миллиард сўм йўналтирилади.

Шунингдек, эндокрин касалликларни аниқлаш ва даволаш мақсадида ҳудудий шифохоналарда махсус бўлимлар ташкил этилади. Бунинг учун 2021 йилда бюджетдан 150 миллиард сўм ажратилади.

Яна бир масала – аҳолимизнинг катта қисмини қийнайдиган ўткир қон-томир касалликлари бўйича 35 та туманлараро марказ ташкил этилади. Ушбу марказлар аҳолига инфаркт ва инсульт ҳолатларида тезкор ва малакали тиббий ёрдам кўрсатиш орқали ўлим ва ногиронликни камайтиришга хизмат қилади. Шу тариқа ҳар йили камида 30 минг нафар инсоннинг ҳаёти сақлаб қолинади.

**Бешинчидан**, жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш – аҳоли саломатлигини таъминлашда муҳим омилдир.

Келгуси йилда 70 та жисмоний тарбия ва спорт муассасаси, 16 мингта боғча ва мактабларни спорт жиҳозлари билан таъминлашга 100 миллиард сўм ажратилади. Шунингдек, барча туман марказлари ва шаҳарларда махсус пиадалар ва велосипед йўлақлари барпо этилади.

Аҳолини оммавий спорт турларида кенг жалб қилиш орқали 2021 йилда қамров ҳозирги 19 фоиздан 25 фоизга етказилади.

Спорт ҳақида гапирганда, яна бир муҳим вазифа олдимизда турганини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Яқинда Осиё олимпия кенгаши 2025 йилда Ёшлар ўртасида Осиё ўйинларини Тошкент шаҳрида ўтказиш бўйича қарор қабул қилди. Бу мамлакатимизга кўрсатилган катта ишонч, десак, тўғри бўлади. Айни вақтда бунинг масъулияти ҳам катта эканини, ўйлайманки, барчамиз яхши тушунамиз. Қитъамиз микросидаги ушбу мусобақага ҳозирдан бошлаб пухта тайёргарлик кўришимиз лозим.

**Олтинчидан**, халқимизнинг маданий-маърифий ҳаётини юксалтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Бунда маданият ва санъат муассасалари фаолиятини жонлантириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга бюджетдан 420 миллиард сўм йўналтирилади. Жумладан, ҳудудларда 22 та театр ва маданият объекти қурилади ва реконструкция қилинади.

Тошкент шаҳрининг марказида Миллий академик драма театри, машҳур япон архитектори Тадао Андо лойиҳаси асосида янги санъат музейи, замонавий кутубхона ҳамда Алишер Навоий номидаги халқаро ижод мактабидан иборат маданият ва маърифат мажмуасини барпо этиш бўйича амалий ишлар бошланади. Мустақиллигимизнинг 30 йиллигига бағишлаб пойтахтимиз марказида «Истиқлол» мажмуаси қад ростлади.

Илгари кўп йиллар давомида ўтказиб келинган Тошкент халқаро кинофестивали «Ипак йўли дурдонаси» – Тошкент халқаро кинофестивали номи билан қайта ташкил этилади.

Шу ўринда яна бир муҳим масалага алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Бой тарихимиз дурдонаси бўлган маданий меросимизни асраб-авайлаб, келажак авлодлар учун безавол етказишимиз зарур. Ҳозирги вақтда уларнинг сони 7 мингдан зиёдни ташкил этади.

Афсуски, кейинги пайтларда бемаҳор маданий меросимиз бўлган айрим обидаларимизга зарар етказиш ҳолатлари учраётгани бу борада эътибор сусайганидан далолат беради. Бу иш нафақат Маданият вазирилик, балки маҳаллий ҳокимликлар, маҳалла, оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчиликнинг ҳам диққат марказида бўлиши керак.

Ҳукумат бир ой муддатда маданий мерос объектларининг ҳисобини юритиш, сақлаш ва ҳимоясини таъминлаш бўйича алоҳида дастур қабул қилиши лозим.

Қадрли халқ вакиллари!

Янги йилда иқтисодий ислохотларнинг пировард мақсади камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини оширишдан иборат бўлади. Ушбу стратегик мақсадларга ҳамма учун тенг имконият яратадиган юқори иқтисодий ўсиш ҳисобига эришилади.

Сўнгги 4 йилда иқтисодий таъминнинг барча жаҳазлари бозор механизмларини жорий этиш борасида жиддий қадамлар ташланди. Эндиги вазифа – чуқур таркибий ислохотлар орқали узоқ муддатли барқарор ўсишнинг пойдеворини яратибдан иборат. Шуларни инноватга олиб, кейинги йилда қуйидаги йўналишларда кенг қамровли ишларни амалга оширамиз.

**Биринчидан**, камбағалликни қисқартириш борасида комплекс ёндашув ва ностандарт усуллари жорий этилади.

Бир ҳақиқатни аниқ тушуниб олишимиз керак – камбағаллик масаласи кредит, ижтимоий нафақа ёки уй бериш билан ўз-ўзидан ҳал бўлиб қолмайди. Бунинг учун таълим, соғлиқни сақлаш, касб-ҳунарга ўқитиш, ичимлик сув, энергия ва йўл инфратузилмаси билан боғлиқ комплекс муаммоларни ҳал этиб бориш керак.

Нима учун биз «темир дафтар»ни жорий этдик? Бундан мақсад – эҳтиёжманд аҳолини тўғри аниқлаш ва шу

асосда, улар билан манзилли ишлашни ташкил этишдир.

Келгуси йилдан тўлиқ ишга тушадиган «Ижтимоий реестр»да «темир дафтар»даги барча маълумотлар қамраб олинди, эҳтиёжманд оилаларга 30 дан зиёд ижтимоий хизматлар электрон шаклда кўрсатилади.

Биринчи навбатда, камбағал аҳолининг асосий эҳтиёжларини кафолатли таъминлашимиз лозим. Бу масалада халқаро экспертлар билан чуқур таҳлил асосидаги ҳисоб-китоблар якунига етказилмоқда. Келгуси йил 1 мартдан бошлаб аҳолининг минимал истеъмол харажатлари миқдори эълон қилинади.

Ҳукумат икки ой муддатда ижтимоий кафолатларни бир тизимга келтириб, уларни минимал метёрларни даражасида босқичма-босқич таъминлаш бўйича дастур ишлаб чиқсин.

«Темир дафтар»га киритилган ҳар бир фуқарони камбағалликдан чиқариш бўйича «мотивация, кўникама ва молиявий кўмак» тамойили асосида янги механизм жорий этилади.

Камбағалликдан чиқиб кетиш учун энг муҳим омил – бу инсоннинг интилиши, ўз кучига таянган ҳолда, аниқ мақсад сари ҳаракати бўлиши керак. Шу мақсадда келгуси йили маҳалларда аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш бўйича мингдан зиёд марказлар ташкил этилади. Бунда касб-ҳунарга ўқитилган ҳар бир шахс учун ўқув марказларида 1 миллион сўмга субсидия берилиб, бунинг учун бюджетдан 100 миллиард сўм ажратилади. Ўқув курсларини тамомлаб, ўз бизнесини бошламоқчи бўлган фуқароларга асбоб-ускуна харид қилиш учун 7 миллион сўмга субсидиялар берилди.

Шунингдек, ҳар бир туманинг имконияти ва ривожланиш йўналишидан келиб чиқиб, деҳқончилик билан шуғулланадиган оилаларга 10 сотихдан 1 гектаргача ер майдонлари ажратилади.

Эҳтиёжманд аҳоли бандлигини таъминлашга Бандликка кўмаклашиш ҳамда Жамоат ишлари жамғармаларидан 500 миллиард сўм йўналтирилади.

Пандемия шароитида ўз ишини йўқотган аҳолини камбағалликка тушиб қолишига йўл қўймаслигимиз керак. Шунинг учун келгуси йилдан бошлаб янгича тизим жорий этилади. Унга кўра, вақтинча ишсизлик нафақаси 3 баробар оширилади ва бунда 6 та ҳужжат талаб этиладиган эски бюрократик тартиб бекор қилинади.

Камбағалликни қисқартириш борасида ҳудудлардаги ҳақиқий ҳолатга баҳо бериш, амалга ошириладиган ишлар ихросини назорат қилиш Олий Мажлис палаталари ва маҳаллий Кенгашларнинг диққат марказида бўлиши лозим.

Ҳар бир туман ва шаҳар ҳокими бир ой муддатда ўз ҳудудида камбағалликни қисқартириш бўйича манзилли дастур ишлаб чиқиш, унинг ихроси бўйича ҳар чоракда маҳаллий Кенгашларда ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали халққа ҳисобот бериб бориши зарур. Бу масала барча раҳбарларнинг биринчи даражали вазифаси ва иш самарасини баҳолайдиган асосий мезонга айланиши керак.

**Иккинчидан**, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишда давлат компанияларини трансформация қилиши жадаллаштириш керак.

Ҳозирги вақтда давлат иштирокидаги корхоналарнинг аксарияти молиявий барқарор бўлмагани учун давлатга оғир юк бўлиб қолмоқда. Шунинг учун жорий йилдан барча давлат корхоналарини ислох қилиш дастури амалга оширилмоқда. Жумладан, келгуси йилда Навоий кон-металлургия комбинати, «Ўзбекнефтгаз», «Ўзбекгидроэнерго», «Ўзавтосаноат» акциядорлик жамиятлари халқаро молия бозорига чиқиб, давлат кафолатисиз маблағ жалб қилиш имкониятига эга бўлади.

Тан олиш керак, мутахассисларнинг билим ва малакаси, йирик корхоналарнинг техник имкониятлари, уларни мустақил трансформация қилиш учун етарли эмас. Шунинг учун электр энергетикаси, нефть-газ ва кимё саноати, машинасозликдаги йирик корхоналар ҳамда тижорат банкларини ислох қилишга Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки ҳамда «МакКинзи», «Бостон консалтинг Групп», «Ротшильд» каби халқаро тан олинган компаниялар жалб этилди.

2021 йилда стратегик аҳамиятга эга бўлган 32 та йирик корхона ва тармоқни трансформация қилиш ишлари амалга оширилади. Банклар фаолиятига рақамли технологияларни кенг жорий этиш эътиборимиз марказида бўлади.

2021 йилда «Саноатқурилишбанк», «Асака банк», «Ипотека банк», «Алоқа банк», «Турон банк» ҳамда «Қишлоқ қурилиш банк»ни хусусийлаштиришга тайёрлаймиз. Камида битта йирик банкдаги давлат улуши стратегик инвесторларга тўлиқ сотилади. Бу борада етакчи Европа банклари билан музокаралар олиб борилмоқда.

Таркибий ислохотларнинг яна бир йўналиши бу – давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтиришдир.

Биз давлат активларини очик-ошкора ва самарали сотиш учун, халқаро молиявий ва ҳуқуқий маслаҳатчиларни жалб этган ҳолда, қатор корхоналарни хусусийлаштиришга оид кенг қамровли ишларни бошладик.

Келгуси йилда «Фарғона азот» ва «Деҳқонобод калий» заводлари, «Коккола ичимлиги» корхонаси, «Билдирсой» ва «Чорвоқ» оромоқлари, «Ичан қалъа» ва «Хайат Реженси» меҳмонхоналари, «Пойтахт» бизнес мажмуаси, алкоголь, ёғ-мой каби тармоқлардаги 83 та йирик корхонадаги давлат улуши сотувга қўйилади.

Умуман олганда, давлат улуши бўлган корхоналар сони, келгуси икки йилда камида 3 баробар қисқартирилади.

**Учинчидан**, товар ва молия бозорларида эркин рақобат муҳитини шакллантириш ҳамда тадбиркорларга хомашё сотиб олиш учун тенг имкониятлар яратиш зарур.

Ҳозирги кунда электр энергияси, газ, қимматбаҳо металллар, минерал ўғитлар, транспорт хизматлари каби йўналишларда монопол бозорлар мавजूд бўлиб, уларда кўпball муаммолар сақлиниб қолмоқда.

Шу ўринда бир масалага алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Иқтисодий фаоллик ва аҳоли даромадлари ўсгани сайин, энергия ресурсларига бўлган талаб ортиб боради. Шунинг учун нефть-газ ва энергетика соҳаларидаги ислохотларни ва бошланган йирик лойиҳаларни якунига етказишимиз лозим. Жумладан, 2021 йилда давлат ва хусусий электр станциялари ҳамда истеъмолчилар ўртасида электр энергияси улгуржи бозорини шакллантириш бошланади.

Шунингдек, табиий газ таъминотида монополияни бекор қилиб, бозор механизмларини жорий этилади. Бунда ишлаб чиқарувчи ва импортёрларга биржа орқали табиий газни сотиш, улгуржи истеъмолчилар эса газни сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлади. «Ўзтрансгаз» компанияси эса фақат газни транспортировка қилади.

Суялтирилган газ бозорига хусусий сектор иштирокини кенгайтириш мақсадида унинг импортига ўрнатилган боғлар бекор қилинади.

Заргарлик соҳасида ҳам тадбиркорларга хомашё сотиб олиш учун кенг имкониятлар яратилади. Бунда келгуси йил 1 мартдан бошлаб, қумушни биржа орқали ишлаб чиқарувчиларга эркин сотиш тартиби ўрнатилади.

Автомобиль саноатида соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш ва



# МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА МУРОЖААТНОМАСИ

корхоналарга тенг шароитлар яратиш орқали соҳада ишлаб чиқарувчилар сони кўпайтирилади.

2021 йилдан бошлаб озиқ-овқат, нефть ва электротехника каби тармоқларда 73 та акция солиғи бекор қилинади.

Яна бир масала – ҳозирги кунда давлат харидларида атиги 4 фоиз тадбиркор қатнашмоқда.

Келгуси йилда 24 та йирик давлат корхонасига давлат хариди бўйича очик-ошкора талаблар жорий этилади. Натижада маҳаллий тадбиркорларимиз ҳар йили камиди 10 триллион сўмлик маҳсулотларини ушбу корхоналарга сотиш имкониятига эга бўлади.

Бундан буён барча давлат харидлари жамоатчилик ва парламент назоратида бўлади.

**Тўртинчидан**, иқтисодий ўсишга, аввало, рақобатдош саноат закирларини яратиш ҳамда бундай лойиҳаларга инвестицияларни кўпайтириш орқали эришилади.

Гарвард университети тадқиқотларида кўра, мамлакатимиз 50 дан ортиқ саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда барча имкониятлар ва нисбий устунликларга эга. Айниқса, нефтьгаз-кимё, металлургия, машинасозлик, электротехника, фармацевтика, қурилиш материаллари, тўқимачилик, чарм-пойабзал, озиқ-овқат ҳамда «яшил иқтисодиёт» билан боғлиқ саноат тармоқлари иқтисодиётимиз «драйверлари»га айланиши учун барча етарли шароитлар мавжуд.

Бу тармоқларда хусусий секторнинг таъаббуслари ва янги лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда кооперацияни ривожлантириш бўйича барча чоралар қўрилиши лозим.

Ҳозирги кунда Ҳозғондаги декоратив тошлар, Намангандаги тайёр кийим-бош, Тошкент шаҳри Яшнобод туманидаги «Технопарк» каби саноат кластерлари ўз самарасини кўрсатиб, шу тизим афзалликларини намоян этмоқда.

Ҳукумат келгуси йил 1 апрелгача истиқболли саноат кластерлари рўйхатини аниқлаб, уларни жадал ривожлантириш учун алоҳида дастур ишлаб чиқсин.

Шунингдек, «Божхона ҳудудида қайта ишлаш режими»да саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш зарур.

Шу билан бирга, инвестиция сиёсатини юритишда давлат иштирокини пасайтириб, хусусий ва тўғридан-тўғри инвестициялар улушини ошириш керак.

Геология соҳасида жорий йилда 21 та кон ва истиқболли майдонлар оқиқ аукцион орқали инвесторларга сотилди. 2021 йилда яна 50 та кон ва истиқболли майдонлар маҳаллий ва чет эллик инвесторларга очик механизмлар асосида сотилади. Бундай ишларни бошқа йўналишларда ҳам давом эттиришимиз керак.

Умуман олганда, келгуси йилда 23 миллиард доллар қийматидаги инвестицияларни ўзлаштириш зарур. Натижада 226 та йирик саноат ва инфратузилма объектлари ишга туширилади.

Навоий кон-металлургия комбинатида 2 та йирик металлургия заводи, Олмалик кон-металлургия комбинатида техноген рудани қайта ишлаш заводи, шунингдек, республикамиз бўйича тўқимачилик, қурилиш материаллари, чарм-пойабзал, озиқ-овқат ва фармацевтика тармоқларида юзлаб янги ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилади.

Биргина Тошкентдаги «Яшнобод» технопаркида яна 11 та замонавий электротехника корхонаси ишга туширилиб, у ердаги жами корхоналар сони 17 тага ва ишловчилар сони 11 минггага етказилади.

Тошкент, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларида жами қуввати 760 мегаватт бўлган янги электр станциялари ишга туширилади.

Қашқадарё вилоятида қиймати 3 миллиард 600 миллион доллар бўлган, йи-

лига 1,5 миллион тонна керосин, дизель ёқилғиси ва суолтирилган газ ишлаб чиқарадиган мажмуа тўлиқ маҳсулот беришни бошлайди.

**Бешинчидан**, макроиктисодий барқарорлик – иқтисодий ислохотларнинг мустаҳкам пойдеворидир.

Шунинг учун кўлғуси йилда инфляциявий таргетлаш доирасида нарх-наво ўсишини 10 фоиздан оширмастик Марказий банк ва Ҳукуматнинг асосий вазифаси бўлади. Бу борада глобал пандемия озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратиш зарурлигини яна бир бор тасдиқлади. Шу боисдан ҳам асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг кескин ошиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида импорт соҳасидаги бож тўловлари бўйича берилган имтиёзлар яна бир йилга узайтирилади.

**Умуман, халқимиз хотиржам бўлиши керак: сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, бу борада кафолатланган захирани яратиш ва уларни бозорга улуксиз етказиб бериш ҳамда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш ишларига устувор даражада эътибор қаратилади. Бунинг учун Ҳукумат ва ҳокимликлар томонидан барча чоралар қўрилади ҳамда бу масала Президентнинг доимий назоратида бўлади.**

Шунингдек, 2021 йилда иқтисодиётни камиди 5 фоизга ўсишини, бюджет дефицити ялпи ички маҳсулотга нисбатан 5,4 фоиздан оширмастик таъминлашимиз зарур. Келгуси 2 йилда эса бюджет дефицитини 2 фоиздан оширмастик бўйича Ҳукумат зарур чора-тадбирларни белгилаши лозим.

Мана, валюта бозори эркинлашганига ҳам 3 йилдан ошди. Шу даврда эркин валюта айирбошлаш бўйича юртимизда етарли тажриба тўпланди. Энди иқтисодиётимизнинг хорижий валютага боғлиқлик даражасини босқичма-босқич камайтириш керак. Шу мақсадда келгуси йилда валюта кредитлари улушини ҳозирги 50 фоиздан 45 фоизга, яъни камиди 2 миллиард долларга пасайтириш лозим.

Янги йилда миллий валютада чиқариладиган халқаро облигациялар улушини ҳозирги 25 фоиздан камиди 40 фоизга ошириш зарур.

Шу билан бирга, келаси йили банклараро валюта бозори «онлайн» платформага ўтказилади ва тадбиркорларга валютани бевосита банкнинг ўзидан сотиб олиш учун имконият яратилади. Натижада тадбиркорлар валютани ҳозиргидек 4 кунда эмас, ярим соатда сотиб олиши мумкин бўлади.

Яна бир масала – ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг давлат ташқи қарзи Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармаси мезонларига кўра хавфсиз ҳисобланади. Айни вақтда ташқи қарз ҳисобидан ҳудудларда амалга ошириладиган лойиҳалар бундан буён маҳаллий Кенгашлар ва жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилади. Уларнинг натижалари тўғрисида жамоатчиликка ҳисобот бериш тизими йўлга қўйилади.

Шунингдек, давлат номидан ташқи қарз олиш камайтирилиб, инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларида кўпроқ хусусий капитал жалб этилади. Масалан, кейинги йилда давлат-хусусий шериклик асосида 40 дан ортиқ йирик ва ўрта лойиҳаларни амалга ошириш бошланади.

Марказий банк молия бозорига рақобатни ошириш мақсадида 1 февралга қадар банк бўлмаган кредит ташкилотлари тўғрисида қонун лойиҳасини киритсин.

Шунингдек, мамлакатимизда ислом молиявий хизматларини жорий этиш бўйича ҳуқуқий базани яратиш вақти-соати келди. Бунга Ислом тараққиёт банки за бошқа халқаро молия ташкилотлари экспертлари жалб этилади.

**Олтинчидан**, тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш бўйича янада қулай шароитлар яратилади.

Бир нарсани алоҳида таъкидлаш керак, пандемия даврида иқтисодиётнинг барқарор ишлаши учун тадбиркорлар давлат билан теппа-тенг ҳисса қўшдилар. Шунинг учун барчамиз тадбиркорларга елкадош бўлиб, уларни доимо қўллаб-қувватлашимиз шарт. Бу борада ишбилармонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, айниқса, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш – барча даражадаги давлат органларининг асосий вазифаси бўлиши лозим.

Шу билан бирга, айрим жойларда давлат органлари тизимидаги раҳбар ва мутасаддилар томонидан тадбиркорларнинг мулкка доир ҳуқуқларини бузиш ҳолатлари давом этмоқда. Бундай мансабдорларни маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича Бизнес-омбудсманга ваколат беришни таклиф этаман.

Келгуси йилда «Солиқчи – кўмакчи» тамойили асосида тадбиркорлар учун уларнинг бизнес ҳамкорининг солиқ қарздорлиги ҳақидаги маълумотларни олиш имконияти яратилади.

Тадбиркорларга янада қулайлик яратиш мақсадида 105 та лицензия ва рухсатнома турлари бекор қилинади, 115 таси бўйича эса тартиб-қоидалар соддалаштирилади.

Пандемия шароитида айланма маблағ танқислигига дуч келган тадбиркорларимиз оёққа туриб олишлари учун уларга кўмак беришни давом эттирамиз.

Туризм, транспорт ва умумий оқватлаш соҳаларига берилган имтиёзлар келгуси йил якунигача узайтирилади. Шунингдек, 20 мингга тадбиркорнинг 400 миллиард сўмлик ер ва мол-мулк солиғини тўлаш муддатини яна бир йилга узайтиришни таклиф этаман.

Бундан ташқари, 1 миллиард сўмгача давлат харидлари доирасида аванс миқдори 30 фоизга етказилади.

Умуман, тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни давом эттириш мақсадида оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида келгуси йилда 6 триллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилади. Шунингдек, Ҳукумат томонидан Жаҳон банки билан биргаликда бошланган қишлоқларда тадбиркорликни ривожлантириш дастурини кенгайтириш учун қўшимча 100 миллион доллар йўналтирилади.

Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ 5 мингга яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қайта кўриб чиқилиб, уларнинг сони қисқартирилади ҳамда Тадбиркорлик кодекси ишлаб чиқилади.

Хабарингиз бор, бундан 4 йил олдин тадбиркорлик субъектларида текширишлар ўтказишга мораторий эълон қилган эдик. Бунинг натижасида ўтган даврда тадбиркорлар сони 2 баробар кўпайиб, 400 минггага етди. Шунинг учун мораторий муддатини яна бир йилга узайтиришни таклиф этаман.

Шу билан бирга, Ҳукумат томонидан бозорда тенг рақобат муҳитини яратиш ва ҳалол-пок тадбиркорларни – такрор айтаман – замонавий технологиялар асосида ишлаётган виждонли тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида «яширин иқтисодиёт»ни қисқартиришга қаратилган механизмлар жорий этилади.

**Еттинчидан**, камбағалликни қисқартириш ва қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтиришда энг тез натижа берадиган омил бу – қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва самарадорликни кескин оширишдир.

Бунда ҳар гектар ердан олинган даромаднинг ҳозирги ўртача 2 минг доллардан камиди 5 минг долларгача етказиш устувор вазифа қилиб қўйилади. Бунинг учун қишлоқ хўжалигига энг илгор технологиялар, сувни тежайдиган ва биотехнологияларни, уруғчилик, илм-фан ва инновациялар соҳасидаги ютуқларни кенг жорий этишимиз лозим.

Аввало, фермер ва деҳқонларнинг ердан манфаатдорлигини ошириш керак. Манфаатдорлик ва адолат бўлган жойда, албатта, ўзгариш ва ўсиш бўлади. Бу борада ердан фойдаланиш ҳуқуқларини кафолатлаш ва ерларни бозор активларига айлантириш масаласини кўриб чиқиш вақти келди.

Шунинг учун Ҳукумат икки ой муддатда ердан фойдаланиш ҳуқуқини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий қийматини белгилаш ва молиявий оборотга киритиш механизмларини жорий қилиш бўйича таклиф киритсин.

Келгуси йили барча вилоятларда Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар марказлари ташкил этилиб, уларда «ягона дарча» тамойили асосида 100 дан ортиқ агрохизматлар кўрсатиш йўлга қўйилади. Бу марказлар орқали ернинг сифатини яхшилаш, касалликларга қарши курашиш, уруғликларни танлаш билан боғлиқ муҳим хизматлар кўрсатилади.

Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, рақамлаштириш, ернинг унумдорлигини ошириш, замонавий агро-технологияларни жорий этишга илк бор 600 миллион доллардан зиёд кредит ва грант маблағлари жалб қилинади.

Сувни тежайдиган технологиялар жорий этиладиган ер майдонлари 5 баробарга кўпайтирилиб, 430 минг гектарга етказилади, 90 минг гектар янги ерлар ўзлаштирилади.

**Саккизинчидан**, барча вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари биринчи марта 2020 йил бошида ўз зиммасига олган мажбурият ва режалари ижроси ҳақида маҳаллий Кенгашлар олдида ҳисобот берди.

Бугунги кунда ишимиздаги энг катта камчилик – билим етишмаслиги, афсуски, барча соҳаларда сезилмоқда.

Холбуки, бирорта худудни ҳам, тармоқни ҳам замонавий илм ва билимларсиз ривожлантириш бўлмайди. Тараққиёт этган мамлакатларда ялпи ички маҳсулотнинг 50 фоизидан ортиги «билимлар иқтисодиёти» ҳисобидан, яъни инновациялар ва юқори малакали кадрлар томонидан яратилаётгани бунга яққол исботланади.

Бундан буён ҳар бир қишлоқ ёки маҳалла ўз йўналиши ва «ўсиш нуқталари»дан келиб чиқиб ривожлантирилади. Бунинг учун келгуси йилда 3 триллион сўмлик маблағга эга бўладиган ҳудудлар инфратузилмасини ривожлантириш жамғармасини тузишни таклиф этаман. Жамғарма маблағлари маҳаллий Кенгашлар таклифлари асосан инфратузилма лойиҳаларини қўша молиялаштиришга йўналтирилади.

Шунингдек, 84 та туман ва шаҳарда саноат салоҳиятини янада ошириш учун 100 та технопарк, кичик саноат зоналари, ҳудудий кластер ва логистика марказлари ташкил этилади.

Келгуси йилда эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини зарур инфратузилмалар билан таъминлаш учун 1,6 триллион сўм йўналтирилади.

Ҳукумат ҳудудларда 130 минг километр узунликдаги дастуқчанилиш электр тармоқлари ва 40 мингдан ортиқ трансформаторни босқичма-босқич янгилаш дастурини келгуси йил 1 апрелга қадар тасдиқлаши зарур. Шунингдек, 5 мингдан ортиқ таъмирталаб кўприкни тиклаш бўйича дастур қабул қилинади. Бу ишларга 2021 йилда 400 миллиард сўм маблағ йўналтирилади.

Яна бир муҳим масала – сўнгги 3 йилда «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида 5 миллионга яқин аҳоли яшайдиган 1 минг 200 та маҳалла ва қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгарди. Лекин пандемия туфайли ушбу йўналишдаги ишларимизни вақтинча тўхтатишга мажбур бўлган эдик.

Ҳукумат бир ой муддатда 2021 йил учун «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла»

(Давоми 6-бетга).



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ

(Давоми. Бошланиш 1–5-бетларда).

дастурларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш. Ушбу дастурларни республика ва маҳаллий бюджетлар томонидан тенг улушларда молиялаштиришни назарда тутсин.

Халқаро молия институтлари ҳам маъмур дастурда иштирок этиш учун 270 миллион доллар йўналтиришга тайёр эканини билдириди.

Худудларнинг ривожланиши учун муҳим омиллардан бири бу – уларнинг ўртасида транспорт алоқасини таъминлашдир. Қисқа қилиб айтганда, барча аҳоли пунктларидан пойтахтимизга, энг йирик шаҳарлар ва туристик марказларга тезда келиб-кейтиш имкониятини берадиган, ўзаро боғланган транспорт тармоғини яратишимиз лозим.

Шу мақсадда Ҳукуматга кейинги йил 1 мартдан бошлаб ички туризм йўналишларидаги авиақатновларни йўлга қўйиш ва авиачипта нархининг бир қисмини бюджетдан қоплаб бериш тизимини жорий этиш вазифаси юкланади.

Шунингдек, бир қатор ҳудудий аэропортлар давлат-хусусий шериклик асосида ташқи бошқарувга берилади.

Кейинги йилда 2 та тезюрар поезд ҳаракати йўлга қўйилади, Бухоро – Урганч – Хива темир йўлини электрлаштириш бошланади.

Аҳоли пунктлари ўртасидаги, айниқса, қишлоқларни туманлар марказлари билан боғлайдиган узлуксиз автобус қатновлари хусусий секторни жалб қилиш орқали кўпайтирилади.

Тошкент шаҳрида ер усти метросининг 12 километрлик иккинчи босқичи фойдаланишга топширилади. Шу тариқа ер усти метро линиялари яхлит тизим сифатида бир-бирига уланади.

Туризмни ривожлантириш бўйича 2021 йилда ҳам изчил ислохотларни давом эттирамиз. Айниқса, зиёрат туризми ва ички туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади. Шунингдек, туризм объектлари атрофидаги ер майдонлари, сув ва йўл инфратузилмаларини яхшилаш учун бюджетдан 1 триллион сўм ажратилади.

**Тўққизинчидан**, келгуси йил аҳолининг ижтимоий ҳимояси янада кучайтирилади.

Ногиронликни белгилашнинг ҳажон андозаларига мос «ижтимоий модели»га босқичма-босқич ўтилади.

Мўхтож аҳолини протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация воситалари билан таъминлаш бўйича янги тизим жорий этилади. Бу имкониятдан қарийб 50 минг нафар юртдошимиз фойдаланиши мумкин бўлади.

Эҳтиёжманд оилаларни уй-жой билан таъминлаш бўйича олиб бораётган ишларимиз кўлами янада кенгайтирилади. Бунда 27 мингта ёки бу йилга нисбатан 2,5 баробар кўп оиланинг ипотека кредити бўйича дастлабки бадалларини тўлаш ва кредит фойзаларини субсидиялаш учун 2,4 триллион сўм йўналтирилади.

**Учинчидан**, янги экспорт бозорларига чиқиш Ҳукуматнинг энг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолади.

Келгуси йилда Жаҳон савдо ташкилотига аъзолик масаласи ҳамда Европа Иттифоқи билан кенг қамровли ҳамкорлик бўйича ишларни фаоллаштириш лозим.

«GSP+» тизими доирасидаги имтиёزلарни мамлакатимизда самарали қўллаш учун алоҳида дастур ишлаб чиқиш керак.

Ўзбекистон яқинда Евроосиё иқтисодий иттифоқида кузатувчи мақомини олди. Ушбу ташкилотга аъзо бўлган давлатлар бозорларида тўлақонли иштирок этиш учун миллий техник тартибга солиш меъёруларини уларнинг талабларига мослаштириш бўйича ишларни жадаллаштириш зарур.

Келгуси йилда корхоналарга хомашё сотиб олиш ва экспорттоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармасидан 100 миллион доллар ажратилади.

Экспорт қилувчиларга чет элда савдо уйлари ва дўконлар очиш ҳамда реклама харажатларининг 50 фоизи қоплаб берилади.

Умуман, Ҳукуматга келгуси йилда товар ва хизматлар экспортини камида 20 фоизга ошириш вазифаси топширилади.

Хурматли парламент аъзолари! Ислохотларимиз халқимизнинг кундалик ҳаётида ўз ифодасини топиши, кутган натижаларимизга эришиш кўп жиҳатдан давлат бошқарувидаги самарадорликка бевосита боғлиқ. Шу мақсадда келгуси йилда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим.

**Биринчидан**, давлат бошқаруви идоралари фаолиятини тубдан такомиллаштириш талаб қилинади.

Кўпгина вазирлик ва идоралар фаолиятида қарор қабул қилиш ҳаддан ташқари марказлашган. Уларнинг вазифалари аниқ ва тўлиқ белгиланмагани сабабли фаолиятларида бир-бирини такрорлаш ҳолатлари мавжуд. Сабаби – кўпчилик вазир ўринбосарлари, ўрта бўғин раҳбарлари масалани ҳал қилиш учун ташаббус кўрсата олмайди.

Бунинг сабаби нимада? Уларнинг ё билими, малакаси йўқ, ё қатъияти етмайди, ёки коррупцияга берилган.

Афсуски, бундай раҳбарлар аҳоли кутаётган ҳаётий муаммоларни ҳал қилиш ўрнига кераксиз қўғозбозлик ва натижасиз мажлислар ўтказиш билан овора бўлиб қолмоқда.

Яна бир жиддий камчилик шуки, рақамли технологияларни кенг жорий этиш ҳисобидан ходимлар сонини ва иш жараёнларини оптималлаштириш чоралари кўрилмаган.

Шунинг учун Ҳукумат икки ой муддатда бошқарувда бир-бирини такрорлайдиган идоралар, функциялар ва бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрласин. Бунда давлат бошқаруви ходимлари сонини ўртача 15 фоизгача оптималлаштиришни назарда тутиш зарур.

Келгуси йил охирига қадар электрон давлат хизматларини 60 тага кўпайтириб, уларни 300 тага, масофавий хизматлар улушини эса камида 60 фоизга етказиш зарур.

**Иккинчидан**, бошқарув идораларининг ҳудудий масалаларни ҳал қилишдаги масъулият ва жавобгарлиги кучайтирилади.

Келгуси йил бошидан ҳар бир вазирлик ўз ишини туман, шаҳар, қишлоқ ва маҳалла кесимида режалаштиради ва ташкил этади. Вазирлар ва уларнинг ўринбосарлари фаолиятига жойларда амалда қандай ўзгариш бўлганига қараб баҳо берилади.

Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар, ўзларининг қўйи тизим раҳбарлари ва ходимларини янги талаблар ва замонавий ахборот технологиялари асосида самарали ишлашга ўргатиш ва малакасини мунтазам ошириб бориш учун масъул бўлади.

Депутат ва сенаторларни ўзлари сайланган ҳудуддаги муаммолар, тегишли вазирлик ва ҳокимликлар томонидан қай даражада ҳал этилаётганини доимий ўрганиб, назорат қилиб боришга чакираман.

Шу ўринда яна бир масала – туман, шаҳар ва маҳалла бошқарувида самарадорликни ошириш учун ходимлар сони ва маошини ҳудуднинг ўзига ҳослиги ва иш ҳажмидан келиб чиқиб белгилаш лозим. Масалан, Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманида 150 минг, Ургут туманида 500 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Ёки Шайхонтоҳур тумани аҳолиси қарийб 350 минг, Бектемирда эса – 46 минг нафар. Лекин

ушбу туманларда бошқарув ходимлари сони ва уларнинг иш ҳақи бир-биридан катта фарқ қилмайди.

Шунинг учун Ҳукумат икки ой муддатда ўрта ва қуйи бўғин бошқарув идораларининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш, улардаги ходимлар сони ва меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини қайта кўриб чиқиш бўйича қарор лойиҳасини киритсин.

**Учинчидан**, маҳаллий ижро органлари, вакиллик идоралари ҳамда маҳалланинг институционал асосларини янада такомиллаштириш лозим.

Маҳаллий ҳокимлик ва Кенгашлар бундан 27 йил аввал, яъни ҳокимлик институти жорий этилган дастлабки пайтда қабул қилинган қонун асосида ишламоқда. Бу ҳужжат бугунги ислохотларимиз талабларига мутлақо жавоб бермаслигини ҳисобга олиб, уни тубдан янгилаш зарур.

Ислохотларимиз натижалари, бўлаётган ўзгаришлар ва аҳолининг кайфияти аввало маҳаллада сезилади. Шу маънода, «**маҳалла – жамиятимизнинг ёруғ юзи ва виждони кўзгуси**», десак, тўғри бўлади. Шунинг учун барча даражадаги раҳбарлар пастга тушиб, ўз соҳаси бўйича маҳаллалардаги муаммоларни ўрганиши ва уларга ечим топиши, одамлар сезадиган натижани таъминлаш шарт.

Бундан буён маҳалладаги ишларнинг аҳоли вазирлик, идоралар ва ҳокимликлар ишини баҳолашда бош мезон бўлади.

Шунингдек, маҳалланинг нуфузини, унинг ресурс ва имкониятларини ошириш, ходимларининг моддий таъминотини яхшилаш бўйича дастур ишлаб чиқиш зарур.

Жорий йилда туманлар бюджетига қўшимча манбаларнинг камида 10 фоизини бевосита маҳалладаги муаммоларни ҳал этишга сарфлаш бўйича ишларни бошлаб, бу мақсадларга 70 миллиард сўм ажратилди. Энди бу ваколатни янада кенгайтириб, туман бюджети харажатларининг 5 фоизини ҳам ана шундай мақсадларга йўналтириш бўйича янги тартиб жорий этилади.

Бунинг натижасида бу янги эксперимент орқали биргина Гиждувон туманида 8 миллиард сўм ёки Фарғона шаҳрида 11 миллиард сўм маблағ айнан аҳоли долзарб деб ҳисоблайдиган муаммоларни ҳал этиш учун сарфланади.

Маҳалла раиси ва унинг ўринбосарлари ваколатларини кенгайтириб, уларга аҳоли муаммоларини бевосита ҳал қилиш имконини яратишимиз керак. Бунда маҳалла раисига маҳаллий Кенгаш мажлисида кўрилиши мажбурий бўлган масалаларни киритиш ҳуқуқини бериш лозим. Бу орқали муаммоларни тезкор ҳал қилишга эришиш имконияти яратилади.

Маҳаллада ишлаётган малакали ва ташаббускор кадрларни давлат идоралари раҳбарлик лавозимларига тавсия этиш тизими йўлга қўйилади.

Қонунчилик палатаси ва Сенат, Вазирлар Маҳкамаси билан бирга 2021 йил 1 апрелга қадар маҳаллий ижро ва вакиллик органлари ҳамда маҳалла институти фаолиятини тубдан такомиллаштиришга оид янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқсин. Ушбу ҳужжатларда ҳокимлар, уларнинг ўринбосарлари ва маслаҳатчиларининг ваколат чегараси, вазифа ва функциялари аниқ белгиланиши лозим.

**Тўртинчидан**, коррупциянинг ҳар қандай кўринишига муросасиз бўлиш кундалик ҳаёт тарзимида айланishi шарт.

Бу иллатга қарши курашишга барча давлат органлари, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, умуман, ҳар бир фуқаро сафарбар этилиши зарур.

Коррупция ўта оғир жиноят экани ва унга нисбатан муросасиз бўлиш гоёсини фарзандларимизга ёшлик давридан

бошлаб синдиришимиз, уларга фақат ҳалол меҳнат ва тadbиркорлик орқали даромад топишни ўргатишимиз лозим.

Шунингдек, коррупциянинг олдини олишда барча давлат органларида қарор қабул қилиш жараёнлари, очик ва фақат очик бўлишини таъминлаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Масалан, фуқароларимиз жорий йилдан бошлаб очик эълон қилинаётган давлат харидларига оид маълумотлардан фойдаланиб, ўринли масалаларни кўтармоқда.

Молия вазирлиги уч ой муддатда давлат идоралари бюджетдан ташқари жамғармаларнинг даромад ва харажатлари, давлат улушига эга бўлган ташкилотлар харидлари, давлат субсидия ва грантларига оид маълумотларни эълон қилиш амалиётини йўлга қўйсин.

Бундан ташқари, охириги икки йилда ҳокимларнинг 2,5 мингга яқин қарори судлар томонидан бекор қилингани бундан буён уларнинг қарор қабул қилишида очиклиқни таъминлаш зарурлигини таъкидламоқда. Шунинг учун маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг қарорларини ҳисобга қўйиш ва эълон қилиш бўйича электрон ахборот тизими жорий этилади.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги бир ой муддатда очик эълон қилиниши лозим бўлган маълумотлар рўйхатини кенгайтириш бўйича таклиф киритсин.

Коррупцияга қарши курашишнинг самарали воситаларидан бири – кадрларни танлаш ва ишга қабул қилишнинг очик тизимини йўлга қўйишдан иборат. Ушбу тизим асосида кадрларни танлашда эски усуллардан воз кечиб, уларнинг интеллектуал салоҳиятини, маънавий фазилатларини баҳолайдиган очик ва ошқора танлов тизими жорий этилади.

Шунингдек, коррупциянинг олдини олиш бўйича давлат хизматчиларини мунтазам ўқитиш ва билиминини баҳолаб бориш тизими йўлга қўйилади.

**Бешинчидан**, ислохотларимиз самарасини ҳар бир инсон ўз ҳаётида ҳис этиши учун қабул қилинаётган ҳужжатлар ижросини ўз вақтида ва самарали таъминлаш лозим.

Сўнгги 4 йилда барча соҳаларда кенг кўламли ўзгаришларни амалга ошириш бўйича 150 та қонун, 2 мингга яқин фармон ва қарорлар қабул қилинди. Лекин жойларда барча раҳбарлар ҳам ушбу ҳужжатлар мазмун-моҳиятини тушуниб, берилган имкониятлардан фойдаланмоқда, аҳоли ва тadbиркорларга зарур шарт-шароит яратмоқда, деб айта олмаймиз.

Амалдаги назорат тизими эса кўпроқ формал тусга эга бўлиб, ижрони ташкил этишдаги муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилишга йўналтирилмаган. Шунинг учун келгуси йилда бу борада янги иш тизими жорий этилади.

Энди Адлия вазирлиги, унинг ҳудудий бошқарма ва бўлимларининг асосий вазифаси қабул қилинган ҳужжатларни масъулларга етказиш, тушунтириш, амалиётда қўллашга кўмаклашиш ва назорат қилишдан иборат бўлади. Шу мақсадда Адлия вазирлигига зарур ваколат ва ресурслар берилди.

Шунингдек, қабул қилинган ҳужжатлар ижросини ташкил этишда жамоатчилик иштироки ва назорати кенг йўлга қўйилади. Жумладан, «жамоатчилик эшитувлари» ва «жамоатчилик мониторинги» тизими жорий қилинади. Бу жараёнга фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролар ҳам фаол жалб этилади.

Шунингдек, таҳлиллар асосида ижрога ҳалақит бераётган ортиқча вазифа ва функциялар қисқартирилади.

Давлат идораларидаги ижро сифати ва ҳолатини вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларида, республика даражасида эса – Вазирлар Маҳкамасида ҳар ойда танқидий муҳокама қилиб бориш амалиёти жорий этилади.



# МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСГА МУРОЖААТНОМАСИ

Хукумат Адлия вазирлиги, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ва Давлат бошқаруви академияси билан бирга бир ой муддатда ушбу тизимни жорий этиш бўйича зарур чора-тадбирларни белгиласин.

Адлия вазирлиги барча оммавий ахборот воситалари, жумладан, телевидение орқали «Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда», деган мавзуда кўрсатув ва чиқишлар ташкил этиб, халқимизга ислохотлар моҳияти ва натижаларини етказиб бориш тизимини жорий этсин.

**Олтинчидан**, давлат ва жамият бошқарувида аёлларнинг ўрни ва мақоини янада мустаҳкамлаш — ислохотларимизнинг энг устувор йўналишларидан биридир.

Хабарингиз бор, айти пайтда Касаба уюшмалари федерацияси бошчилигида мутасадди идоралар, банклар ва ҳокимликлар томонидан жойларда уйма-уй юриб, 6 миλλονдан ортиқ хотин-қизларнинг муаммолари пухта ўрганилди.

Аччиқ бўлса ҳам, тўғриси тан олиб айтишимиз керак: бу ўрганишларимиз натижасида биринчи марта жойлардаги ҳақиқий аҳвол юзага чиқди. Шулар асосида «Аёллар дафтари» шакллантирилмоқда, хотин-қизларни қийнаётган кўп аб ижтимоий-иқтисодий муаммоларга амалий ечим топилмоқда.

Бу ишларга маҳалларда янги ташкил этилган «Аёллар маслаҳат кенгашлари» ҳам яқиндан кўмак бермоқда. Лекин бу ҳали аёллар муаммоларини ечиш учун биз бажаришимиз шарт ва зарур бўлган ишларнинг бошланиши, холос.

Биз мамлакатимизда истиқомат қилаётган 17 миллиондан зиёд опасингилларимиз, қизларимиз, онахон ва момоларимизга муносиб шароит яратиб бериш учун барча имкониятларни ишга солишимиз лозим.

Аёлларнинг андиша қилиб, биз эркакларга айта олмаган дарду ташвишлари, кундалик муаммолари, орзу-ниятларини уларнинг ўзидан яхши тушунадиган инсон йўқ.

Хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ролини ошириш бўйича олиб борган ислохотларимиз натижасида парламентимиз янги таркибининг 30 фоизи аёллардан иборат бўлди. Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими жорий этилди.

Энди хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини ошириш уларга янги имкониятлар яратиш бўйича навбатдаги кадам сифатида ҳаётини ва аёллар муаммоларини яхши биладиган, фаол ва ташаббускор опа-сингилларимиздан иборат Республика Хотин-қизлар жамоатчилиги кенгашини ташкил этишни тақлиф қиламан.

Кенгашга бу борада катта тажрибага эга бўлган Сенатимиз Раиси Танзила Камоловна Норбоева раҳбарлик қилса, деган тақлифни билдирсам, ўйлайманки, барчангиз мени қўллаб-қувватлайсиз.

Жойлардаги Хотин-қизлар кенгашлари фаолиятига эса ҳокимларнинг ушбу масалалар бўйича маслаҳатчилари раҳбарлик қилиши энг тўғри йўл бўлади.

Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича республика ва ҳудудий жамғармаларни янги ташкил этиладиган кенгашлар ихтиёрига ўтказиб бериш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблайман.

Аёлларнинг бизнес соҳасидаги лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда жойларда аниқланган хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш учун бюджетдан қўшимча равишда 1 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилади. Бунинг учун «Халқ банки» томонидан жойларда хотин-қизларни тадбиркорликка ўқитиш, бизнесга оид намунавий режаларини ишлаб чиқиш ва кредит олишда уларга амалий ёрдам кўрсатишининг янги тизими жорий этилади.

Олий Мажлис палаталари ва Хукумат бир ой муддатда хотин-қизларнинг жамиятдаги ва давлат бошқарувидаги мақоини янада оширишга қаратилган яхлит тизим яратиш бўйича тақлиф ишлаб чиқсин.

Яна бир муҳим масала — нуруний отахон ва онахонларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз ҳам қарз, ҳам фарздири.

Республика «Нуруний» жамғармаси томонидан кексаларга доимий ёрдам кўрсатилиши учун унинг молиявий имкониятлари янада кенгайтирилади. Бунинг учун кейинги йилда ушбу жамғармага бюджетдан 100 миллиард сўм ажратилади.

Узгалар парваришига муҳтож бўлган 16 мингдан зиёд кексаларга ёрдам бериш, уларнинг ҳаётини мазмунли ташкил этиш учун тўловлар миқдори оширилади ҳамда уларга кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар кўлами кенгайтирилади. Шунингдек, Бухоро, Қарши ва Урганч шаҳарларида янгидан ташкил этиладиган сикатгоҳларда ҳамда мавжуд дам олиш масканларида жами 25 мингдан ортиқ нурунийларнинг соғлиги тикланади.

Марказий телеканалларимизда намойиш этилаётган «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» кўрсатуви сони кўпайтирилиб, мазмунан бойитилса, шунингдек, «Нурунийлар маслаҳати», «Маҳаллада гурунг» каби янги кўрсатувлар ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**Еттинчидан**, эркин фуқаролик жамиятини ривожлантиришда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш давом эттирамиз.

Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди фаолиятини жойлардаги долзарб муаммоларни ҳал этишга қаратиш зарур.

Айниқса, мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни чуқур таҳлил қилиш, ечимлари бўйича тақлиф ишлаб чиқиш, ижроси устидан жамоатчилик назоратини таъминлашга ижтимоий буюртма асосида нодавлат нотижорат ташкилотлари кенг жалб этилади. Бундай ҳамкорликни, энг аввало, таълим, маданият, тиббиёт, экология, қурилиш, кадастр, транспорт, коммунал хўжалиги, бандлик, ижтимоий хизматлар кўрсатиш каби муаммолар соҳаларда кенг жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу ишларни ташкил этиш учун келгуси йилда бюджетдан 60 миллиард сўм йўналтирилади.

Шу билан бирга, Қонунчилик палатасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг доимий вакили институтини жорий этишни тақлиф қиламан. Ушбу вакил қуйи палата йиғилишларида иштирок этиш, қабул қилинаётган қонунларга таъсирчан жамоатчилик назорати ва ижтимоий шериклик масалаларини киритиш бўйича тақлифлар бериш ваколатига эга бўлиши зарур, деб ҳисоблайман.

Навбатдаги муҳим масалага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Оммавий ахборот воситалари мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ўзгаришларни холис ёритиш билан бирга, жойлардаги мавжуд долзарб муаммоларга давлат идоралари ва жамоатчилик эътиборини қаратиб, уларни бартараф этишга барча даражадаги раҳбарларни даъват этиб, ундаб келаётганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Улар том маънода «тўртинчи ҳокимият»га айланиб бормоқда.

Аччиқ ва танқидий материаллар жойлардаги кўп аб амалдорларга ёқмаслиги, уларнинг тинчини ва ҳаловатини бузаётгани ҳам бор гап. Лекин **ошқоралик ва сўз эркинлиги бу — давр талаби, бу — Ўзбекистондаги ислохотларнинг талаби.**

Биз ўтган тўрт йил давомида жамиятимизда ошқоралик ва очиклик, сўз эркинлиги муҳитида яшаш ва ишлашга аста-секин ўрганиб бораёلمиз.

Холис ва адолатли журналист ва блогерларнинг танқидий чиқишлари эскича қолипда ишлайдиган раҳбарларнинг фаолиятидаги хато-камчиликларни кўрсатиб, уларни иш услубини ўзгартириш ва масъулиятини оширишга мажбур қилмоқда.

Бундан буён ҳар бир давлат органи ўз кундалик фаолиятида оммавий ахборот воситалари билан яқин мулоқот ва ҳамкорликни йўлга қўйиши зарур ва шарт.

Бу борадаги мавжуд қонунчиликни либераллаштириш йўлида ташланган дадил қадамларимизнинг далили сифатида куни кеча Жиноят кодексининг оммавий ахборот воситалари орқали «туҳмат» ва «ҳақорат қилиш» каби моддалари бўйича озодликдан маҳрум қилиш шаклидаги жазо чоралари бекор қилинди.

Келгуси йилда ҳам сўз эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама ривожлантириш, журналист ва блогерларнинг эркин фаолият юритиши учун ҳуқуқий асослар янада кучайтирилади.

Мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришнинг дастлабки даврида оммавий ахборот воситаларини кенг қўллаб-қувватлаш, уларни ҳимоя қилиш, давлат идораларида ахборот хизматлари фаолиятини йўлга қўйиш ва ривожлантириш мақсадида Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ташкил этилган эди. Бугунги кунда оммавий ахборот воситалари соҳасидаги ислохотларни янги босқичга кўтариш, уларни янада ривожлантириш, мустақил фаолият юритишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида Агентлик фаолиятини танқидий қайта кўриб чиқиш лозим, деб ҳисоблайман.

Ҳурматли депутат ва сенаторлар! Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган ислохотлар янги йилда ҳам изчил давом эттирилади.

Хабарингиз бор, сўнгги 4 йил давомида суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ этиш борасида дадил қадамларни кўйдик. Бу йўналишдаги устувор масалалар юзасидан 40 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Адолат бу — давлатчиликнинг мустаҳкам пойдеворидир. Адолат ва қонун устуворлигини таъминлашга эса суд ҳокимияти ҳал қилувчи ўринни эгаллайди. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, бу борада ҳали қиладиган ишларимиз жуда кўп.

**Биринчидан**, янги йилдан бошлаб жорий этиладиган «бир суд — бир инстанция» тамойили суд қарорларининг адолатли, қонуний ва барқарорлигини таъминлашга бош мезон бўлиши лозим.

Ҳозирги кунгача вилоят судлари чиқарган қарор устидан берилган шикоятлар шу судларнинг ўзида кўриб чиқилар эди. Биргина 2019 йилда вилоят судлари қабул қилган 13 мингта шундай қарор Олий суд томонидан ўзгартирилган ва бекор қилинган.

Келгуси йилдан бошлаб бир-бирини тақорлайдиган суд босқичлари қисқартирилади. Одил судловга хос бўлмаган ишларни назорат тартибиде кўриш амалиёти бекор қилинади.

Навбатдаги муҳим масала — янги йилдан бошлаб фуқаролик, иқтисодий ва жиноят ишлари бўйича вилоят даражасидаги 3 та судлар битта суд сифатида бириштирилади. Бу янгилик аҳоли ва тадбиркорларга катта қулайликларни яратди. Шунингдек, келгуси йилдан суд муҳокамасига қадар судда ишларни дастлабки эшитиш амалиёти янги тартиб сифатида жорий этилади. Бунда ишни тўхтатиш ёки тугатишга асос етarli бўлса, суд ишни аввалгидай тергов

ёки прокурорга қайтармасдан, ўзининг яқуний қарорини қабул қилади.

Яна бир муҳим янгилик — инвесторлар ҳуқуқларини муносиб ҳимоя қилиш мақсадида Олий судда инвестициявий низолар ва рақобатга оид ишларни кўриш бўйича махсус судлов таркиби ташкил этилди.

Энди инвесторлар, ўз хоҳишига кўра, низони ҳал қилиш учун тўғридан-тўғри Олий судга мурожаат қилиши мумкин.

Суд тизимида рақамлаштириш янада кенгайтирилиб, фуқароларимизга суд бекор қилиш бўйича «онлайн» тартибда мурожаат қилиш имконияти яратилди. Шунингдек, фуқаролар ўз аризаларини кўриб чиқиш жараёнини масофадан туриб кузатиб бориши мумкин бўлади.

**Иккинчидан**, жазони ижро этиш тизимида инсонпарварлик тамойили кенг қўллаш борасидаги ишлар давом эттирилади. Жумладан, халқаро стандартлардан келиб чиқиб, 25 та манзил-колониалар босқичма-босқич қисқартирилади.

Бундан буён биринчи марта озодликдан маҳрум этилган шахсга берилган жазо энгилроғи билан алмаштирилса, у манзил-колониаларга ўтказилмасдан, тўғридан-тўғри пробация назоратига олинади. Мазкур энгиллик натижасида ҳозирда жазо ўтаётган 6 минг нафар шахсга ўз маҳалласи назорати остида оиласи бағрида бўлиш имконияти яратилади.

Шу билан бирга, жазони энгилроғи билан алмаштириш ва шартли озод қилиш тўғрисида тақдиминома киритиш ваколати жазони ижро этиш муассасаларидан янги ташкил этиладиган **инсонпарварлик комиссияларига** ўтказилади.

**Учинчидан**, тезкор-қидирув, тергов ва жазони ижро этиш соҳасида қийноқларнинг олдини олиш тизимини тубдан тақомиллаштириш зарур. Ушбу ҳолатлар ҳали ҳам учраб тургани, фуқароларда жиддий эътирозларни келтириб чиқараётгани ҳамда мамлакатимизнинг халқаро нуфузига салбий таъсир кўрсатётгани ҳам айти ҳақиқат.

Олий Мажлис палаталари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ қийноқларнинг олдини олиш бўйича Омбудсман ваколатларини кенгайтириш, шунингдек, жамоатчилик назоратини кучайтириш юзасидан икки ой муддатда ўз тақлифларини ишлаб чиқиши зарур. Бунда Омбудсман томонидан ҳар чорақда жамоатчилик вакиллари билан биргаликда тергов изоляторига ва жазони ўташ муассасаларига «мониторинг ташрифлари» тизими йўлга қўйилиши керак.

Олий Мажлис палаталари ҳар йили Омбудсманнинг қийноқларнинг олдини олиш бўйича маърузасини эшитиб, бу иллатга бутунлай барҳам бериш бўйича зарур чора-тадбирларни белгилashi лозим.

**Тўртинчидан**, ўтган йили 1995 йилгача юртимизга кўчиб келганларга Ўзбекистон фуқаролигини тўғридан-тўғри бериш тартиби белгиланди. Бу билан 50 минг нафардан ортиқ шахсларга фуқаролик олиш имконияти яратилди.

Келгуси йилда бу ишларни давом эттириб, 2005 йилгача мамлакатимизга келиб доимий яшаётган, фуқаролик бўлмаган шахсларга ҳам тўғридан-тўғри Ўзбекистон фуқаролигини берсак, нима дейсизлар? Бу ўзгариш билан яна 20 минг киши Ўзбекистон фуқароси бўлиш имкониятига эга бўлади.

Бундан буён юртимизда 15 йил давомида муқим яшаган фуқаролиги бўлмаган шахсларга тўғридан-тўғри Ўзбекистон фуқаролигини беришининг доимий тартиби жорий қилинади.

Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари! Дунёда кечаётган мураккаб жараёнлар яқин-узоқ минтакаларда кузатилаётган зиддият ва тўқнашувлар

(Давоми 8-бетда).



# ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА МУРОЖААТНОМАСИ

(Давоми. Бошланғич 1–7-бетларда).

шароитида биз юртимизда тинчлик ва хавфсизлиқни таъминлаш борасидаги ишларимизни янада жадаллаштиришимиз лозим.

Келгуси йилда мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини ривожлантириш бўйича ислохотларимизни давом эттирамиз. Хусусан, Куролли Кучларимиз қудратини, қўшинларнинг профессионал ва жисмоний салоҳиятини юксалтириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг oilаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларига алоҳида эътибор қаратамиз.

Шунингдек, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳар бир маҳаллада хавфсиз муҳит яратиш бўйича янгича ёндашулар жорий этилади. Ҳуқуқ-тартиб идораларини аҳоли осойишталиги ва фуқаролар манфаатларининг чинакам ҳимоясига айлантиришга қаратилган ислохотларимиз изчил давом эттирилади.

Сўнги йилларда республикаимизда юз берган табиий ва техноген офатлар, куз-қиш мавсумида содир бўлаётган ёнғин ва бошқа қўллаб-қувватлаш бу борадаги мавжуд тизимни янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Юртимизда барпо этилаётган қўллаб-қувватлаш йирик объектлар ва баландал қаватли биноларда ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг янги тизимини ташкил этиш зарур. Шунингдек, соҳанинг моддий-техник базасини ва кадрлар салоҳиятини тубдан мустаҳкамлаш лозим.

Шу сабабли 2 ой муддатда «Фавқулоддаги ҳолат тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳамда юқорида қайд этилган муаммолар ечимига қаратилган Ҳукумат дастури ишлаб чиқилсин.

Хурматли сенатор ва депутатлар! Қадри муҳим! Келгуси йилда мамлакатимизнинг ташқи сиёсатини амалга оширишда қуйидаги вазифаларга устувор аҳамият берилсин.

**Биринчидан**, давлатимиз олиб бораётган очик, прагматик ва амалий ташқи сиёсатини инобатга олиб ҳамда узоқ муддатли стратегик мақсадларимиздан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолият концепцияси такомиллаштирилади.

**Иккинчидан**, ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналиши бўлган Марказий Осиё давлатлари билан кўп асрлик дўстлик ва яхши қўнчилик, стратегик шериклик ва ўзаро ишонч руҳидаги алоқаларимизни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратамиз.

Мураккаб пандемия шароити биз бир-биримизга қанчалик боғлиқ ва керак эканлигини яна бир бор яққол намойён этди. Бу ижобий жараёнларни чуқур ўрганиш ва янада ривожлантириш мақсадида жорий йилда Тошкент шаҳрида Марказий Осиё халқаро институти ташкил этилди.

Келгуси йили Тошкентда минтақамизнинг Жанубий Осиё билан муносабатларига доир юқори даражадаги халқаро конференция ўтказилади.

Шулар қаторида Хива шаҳрида ЮНЕСКО билан ҳамкорликда «Марказий Осиё жаҳон цивилизациялари чорраҳасида» халқаро анжуманини ўтказиш режалаштирилган.

**Учинчидан**, асосий хорижий шерикларимиз ҳисобланган Россия, Хитой, Америка Қўшма Штатлари, Туркия, Германия, Франция, Буюк Британия, Жанубий Корея, Япония, Ҳиндистон, Покистон, Бирлашган Араб Амириклари ва бошқа давлатлар билан кўп қиррали ва ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтирамиз.

Ташқи ишлар вазири ва унинг ўринбосарлари ҳамда юртимизнинг чет

эллардаги элчилари мазкур давлатлар билан янги, янада самарали иш тизимини жорий этишлари зарур.

**Тўртинчидан**, биз қўшни Афғонистон заминидан тинчлик ўрнатилишига қатъий ишонамиз ва бу эзгу йўлда амалий ёрдамни бундан кейин ҳам аямаймиз.

Афғон муаммосини ҳал этишга қаратилган глобал саъй-ҳаракатларга Ташкил халқаро конференцияси ҳам мустаҳкам пойдевор яратди, десак, муболага бўлмайди.

Ҳозирги кунда Марказий Осиёни Ҳинд океани билан боғлайдиган Трансафғон транспорт йўлагини барпо этиш борасида дастлабки амалий қадамларни ташлади. Бу лойиҳанинг рўёбга чиқарилиши бутун минтақамизда барқарорлик ва иқтисодий ўсишни таъминлашга бекиёс хизмат қилади.

**Бешинчидан**, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, бошқа нуфузли халқаро ва минтақавий тузилмалар билан яқин ҳамкорликни ривожлантириш масалалари доимо эътиборимиз марказида бўлади.

Жорий йилда республикаимиз илк бор Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ташкилотига раислик қилди ва пандемияга қарамасдан, кўзда тутилган 60 дан зиёд барча халқаро тадбирлар муваффақиятли ўтказилди, 70 га яқин муҳим ҳужжатлар қабул қилинди.

2021–2022 йилларда Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислик қилиши бўйича ҳам жиддий тайёргарликни бошладик.

**Олтинчидан**, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, сўз ва диний эътиқод эркинлиги бўйича эришаётган ютуқларини тегишли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда изчил мустаҳкамлаб борамиз.

Келгуси йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида «**Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим**» глобал форуми, ёшлар ҳуқуқларига бағишланган Бун-жаҳон ёшлар анжумани, диний эркинлик масалалари бўйича минтақавий конференцияларни ўтказамиз.

**Еттинчидан**, дунёнинг қўллаб-қувватлаш ва улар билан алоқаларимизни янада мустаҳкамлаш мақсадида «Ватандошлар» жамғармасини тузишни тақлиф этаман.

**Саққизинчидан**, жамиятда миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган ишларимизни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқамиз.

Барчангизга маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг резолюцияси билан ҳар йили 30 июль – Халқаро дўстлик куни сифатида кенг нишонланади. Шу боис ушбу санани Ўзбекистонда «**Халқлар дўстлиги куни**» деб белгилашни тақлиф этаман.

**Тўққизинчидан**, минтақамизда, бутун дунёда экологик вазиятнинг тобора ёмонлашиб бораётгани бизни жиддий ташвишга солади.

Қўшни давлатлар ва жаҳон жамоатчилиги билан биргаликда Орол денгизи ҳалокати оқибатида юзага келган экологик фожиалар таъсирини юмшатишга қаратилган ҳаракатларни қатъий давом эттирамиз.

Денгизнинг қуриган тубида юз минглаб гектар ўрмон ва бутазорлар ташкил этилаётгани, Оролбўйи ҳудудларида амалга оширилаётган улкан қурилиш ва ободончилик ишлари халқимизни юксак марралар сари руҳлантирмоқда. Бу борада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда тузилган Оролбўйи минтақасида инсон хавфсизлигини таъминлаш бўйича кўп томонлама Траст фонди доирасидаги амалий ишларни янада кучайтирамиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошлар!

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг таҳлилларига кўра, пандемия хавфи ҳали узоқ вақт сақланиб қолиши мумкин. Демак, инсоният бошидаги синовлар яна қанча давом этиши номаълум.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, нуфузли экспертлар прогнозига кўра, пандемия бутун дунёда инқирозли ҳолатлар, ижтимоий кескинлик, қашшоқлик каби муаммоларни кучайтириши мумкин.

Барчамизга аёнки, пандемиядан кейин дунёнинг ижтимоий-иқтисодий манзараси албатта ўзгаради.

Тўпланган тажриба шуни кўрсатмоқдаки, кучли ва самарали бошқарув тизимига, бир ёқадан бош чиқариб яшайдиган аҳолига эга бўлган давлатлар пандемиянинг кенг тарқалиш хавфини ўз вақтида бартараф этишга қодир бўлади. Буни Ўзбекистоннинг пандемия давридаги кураш тажрибаси ҳам исботлаб турибди. Лекин эришган натижаларимизга маҳлиё бўлмасдан, жаҳондаги вазиятга сергаклик билан қараб, барчамиз – ким бўлишимиз, қайси вазифада ишлашимиздан қатъи назар, мамлакатимизнинг миллий манфаатларини таъминлаш ҳақида жиддий ўйлашимиз зарур.

**Бугунги мураккаб шароитда юртимизда бошланган кенг қамровли ислохотлар, янги Ўзбекистонни барпо этиш сари ташлаётган дадил қадамларимизнинг бардавом бўлишини таъминлаш энг асосий вазифамиз бўлиши шарт.**

Глобал инқироз шароитида иқтисодий ва сиёсий барқарорликни таъминлаш, жойлардаги мавжуд муаммоларни манзилли ҳал этиш, кўмакка муҳтож юрtdошларимизни қўллаб-қувватлаш, ёшларимизнинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш – Президентдан бошлаб барча даражадаги раҳбарларнинг бош вазифаси бўлмоғи даркор.

Ана шу ўта муҳим вазифаларни амалга оширишда асосий талаб – давлат ва жамият институтлари ўртасида самарали ҳамкорликни таъминлаш, бу жараёнда натижадорлик ва сифатни оширишдан иборат.

2021 йилда давлатимиз ва халқимиз ҳаётида катта сиёсий воқеа – Президентлик сайлови бўлиб ўтади.

Марказий сайлов комиссияси бўлажак сайлов миллий қўнчилигимиз ва умумэтироф этилган халқаро демократик тамойиллар асосида, юксак савияда ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

Биринчи навбатда, сайлов комиссиялари аъзоларининг сайлов қўнчилиги ва халқаро стандартлар бўйича билмиларини тизимли асосда шакллантириш керак.

Ўтган сайловларда халқаро кузатувчилар томонидан берилган мақбул тавсияларни миллий қўнчилик ва амалиётга татбиқ этиш ишларини давом эттирамиз.

Бу муҳим сиёсий кампания янги Ўзбекистон шароитида сайловчиларимиз, барча фуқароларимизнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти, дунёқараши, гражданик позицияси юксалиб бораётганини яна бир бор намойён этади, деб ишонаман.

Азиз дўстлар! Ўйлаيمانки, бугунги Мурожаатномада ўртага қўйилган устувор вазифалар бўйича парламентимиз, сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотлар, кўпни кўрган донишманд нурунийларимиз, ташаббускор ёшларимиз – кенг жамоатчилик ўз фикр-мулоҳазаларини билдиради.

Ҳукумат бир ой муддатда ана шу устувор йўналишда ва вазифалар бўйича кенг жамоатчилик томонидан билдирилган тақлифлар, фикр ва мулоҳазаларни

инобатга олган ҳолда, **2021 йил Давлат дастурини ҳамда Ўзбекистоннинг пандемиядан кейинги тараққиёт дастурини** ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун киритсин.

Шуни таъкидлаш керакки, ўз олдимизга қўйган марраларга эришиш учун бизда табиий ресурслар ҳам, куч ва имкониятлар ҳам, салоҳият ҳам етарли.

Ортимизда, тоғдек таянч ва суянч бўлиб турган қўлмиллатли халқимиз – ҳаёт йўларида тўғри йўл кўрсатадиган мўътабар нурунийларимиз, меҳнатқаш, оқила опа-сингилларимиз, илғор ва замонавий фикрлайдиган, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган азму шижоатли ёшларимиз бор.

Энг муҳими, жамиятимизда тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва меҳр-оқибат муҳити ҳукм сурмоқда.

Биз барчамиз «**Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!**» деган ягона мақсад атрофида бирлашиб, масъулият ва жавобгарликни чуқур ҳис этган ҳолда, фидокорона меҳнат қилиб, ўз орзу-мақсадларимизга, иншооллоҳ, эришамиз.

Бугун яхши ниятлар билан жуда катта марраларни ўзимизга белгилаб олмақдамиз. 2021 йилда олдимизда ҳар қачонгидан ҳам зарур, ўта муҳим вазифалар турибди. Албатта, уларга эришиш осон бўлмайди. Ҳаётимизнинг турли соҳаларида муаммо ва камчиликларимиз ҳам етарли. Жойларда ишни тўғри ташкил этмаслик, айрим раҳбарларда савия ва малака етишмаслиги, бюрократия, коррупция ҳолатлари, лоқайдлик ва бепарволик каби нуқсонлар ҳам борлиги сир эмас.

Биз буларнинг барчасини ўзимизга яхши тасаввур этамиз. Йўлимизда катта ғов бўлиб турган тўсиқларни бартараф этиш учун бошланган ислохотларимизни оғишмасдан давом эттирамиз.

Шу нуқтаи назардан қараганда, янги йилда янада катта сафарбарлик руҳида ишлашимизга тўғри келади.

**Ҳаёт олдимизга яна қанча синов ва муаммоларни қўйиши мумкин ва биз ҳар қандай ҳолатга тайёр туришимиз зарур. Лекин қанчалик қийин ва мураккаб бўлмасин, демократик ислохотлар йўлидан ҳеч қачон ортага қайтмаймиш. Олдинга, фақат олдинга қараб борамиз. Ва биз бунга ҳар томонлама қодиримиз. Чунки бугунги халқимиз – кечаги халқ эмас. Бугунги Ўзбекистон ҳам – кечаги Ўзбекистон эмас.**

Эл-юртимиз ҳозирги оғир шароитда барча синов ва қийинчиликлардан янада кучли ва иродали бўлиб чиқмоқда. Узининг ҳаёти ва тақдири, келажаги Ватанимизнинг тақдири ва келажаги билан чамбарчас боғлиқ эканини чуқур ҳис этмоқда.

**Ҳеч шубҳасиз, ўз кучимиз ва имкониятларимизга бўлган ишонч бизни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек эзгу мақсад йўлида бирлаштириб, янада кучли ва мустаҳкам қилмоқда. Бу интилишлар улкан амалий ишларга айланиб, буюк халқ ҳаракати тобора кенгайиб бормоқда. Бундай қудратли сафда бўлишнинг ўзи катта бахт, катта шарафдир.**

**Барчамизга ана шу улғу сафда бошқаларга ибрат ва намуна бўлиш, жонажон Ватанимиз, азиз халқимизга фарзандлик меҳри ва садоқати билан хизмат қилиш насиб этсин!**

Фурсатдан фойдаланиб, сизларни, сизлар орқали барча ватандошларимизни кириб келаётган янги – 2021 йил билан чин қалбимдан табриқлайман.

Янги йилда барчангизга сийҳат-саломатлик, хонадонларингизга файзу баракат, фарзандлар, набираларингиз камолини кўриш бахтини тилайман.

Доимо соғ-омон бўлинг, катта раҳмат сизларга.



МУНОСАБАТ

# ЯНГИ ЙИЛГА УЛУФ МАҚСАДЛАР БИЛАН

Жорий йилда коронавирус пандемияси дунё аҳлини, тобора ривожланиб бораётган турли соҳалар вакилларини, айниқса, тиббиёт ходимларининг касбга бўлган садоқати, билими, тажрибаси, фидойилигини имтиҳон қилди. Ушбу юқумли касалликка қарши курашишда ИИБ Марказий госпиталида фаолият юритаётган шифокорлар юртимизда эпидемиологик вазият мураккаб вақтда бошқа ҳамкасблари билан елкама-елка туриб, бирдамликда курашди. Элимиз тинчлиги, хавфсизлиги йўлида ҳамisha хизматга шай ички ишлар органлари ходимларининг жорий этилган карантин шароитида ўрнатган «темир» интизоми шифокорларнинг қийин вазиятлардаги фаолиятига далда бўлди. Қолаверса, шифокорларимиз кўринмас ёвга қарши курашувчиларнинг биринчи сафларида фаол бўлган ходимларнинг саломатлигини сақлаш ва тиклаш, уларнинг жанговар шайлигини ошириш мақсадида ҳар қачонгидан-да қатъият билан асдойдил меҳнат қилишди.

Инсон кўнгли эътибор, эътирофдан мамнуният туяди. Мен ҳам Муҳтарам Президентимизнинг фармониغا кўра юртимиз мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллиги муносабати билан тақдирланганлар орасида эканлигимдан фахрландим. Яқинда I даражали «Саломатлик» орденини Президентимизнинг қўлидан қабул қилиб оларканман, кўнглимдан ушбу рағбат ИИБ Марказий госпиталининг синовлар саботини синдирилмаган тиббиёт ходимлари жамоасига билдирилган ишонч эканлигини қалбан ҳис этдим. Биз бу ишонччи оқлаш учун

доимо осойишталик посбонларининг соғлигини муҳофаза қилиш йўлида хизматдамиз.

Президентимиз Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида тиббиёт соҳасини ислоҳ қилишга қаратилган ўзгаришлар хусусида тўхталиб, бугунги кунда тизим учун устувор вазифаларни белгилаб берди. Хусусан, тиббиётнинг бирламчи бўғинини кучайтириш, айниқса, қишлоқ ва маҳаллаларда тиббий хизматни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш зарурлигини таъкидлади.

Болалар, туғиш ёшидаги ва ҳо-

миладор аёллар, ногиронлиги бўлганлар, қон-томир, онкологик, эндокрин каби касалликларга мойиллиги бўлган фуқаролар билан ишлаш учун алоҳида тизим жорий этилиши, давлат томонидан бепул тиббий хизматлар ва дори воситалари рўйхати қайта шакллантирилиши, улар билан аҳолини кафолатли таъминлаш тизими босқичма-босқич йўлга қўйилиши ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди. Бундан ташқари, эндиликда олис ҳудудларда иш бошлайдиган врачларга ёрдам пули берилиши ҳамда уларнинг хизмат уйлари билан таъминланиши ҳам эътиборда.

Мурожаатномада ўрта бўғин тиббиёт ходимларига «хамширалик иши» билан мустақил шуғулланиш учун рухсат берилиши, келгуси йилдан 15 ёшгача бўлган болалар ва хомилалар аёлларга 7 турдаги витаминлар, болалар учун паразитар касалликларга қарши дори воситалари бепул тарқатилиши мазкур йўналишдаги ишларга 100 миллиард сўм маблағ йўналтирилиши бу хайрли ишлар узокни кўзлаб амалга оширилаётганидан далолатдир.

Халқимизнинг саломатлиги йў-



лида белгилаб берилган муҳим йўналишлардаги салмоқли ишлар Президентимизнинг инсонпарварлик сиёсатининг ёрқин ифодаси десак асло муболаға эмас. Ҳар бир шифокор учун инсонлар саломатлигини сақлаш шараф ва масъулиятдир. Шундай экан, биз тиббиёт ходимлари кўзланган эзгу мақсад ва вазифаларнинг рўёби йўлида камарбастамиз. Кириб келаётган янги 2021 йил барчамизнинг истиқболдаги амалларимизни хайрли қилсин.

Ҳошим УСМОНОВ,  
ИИБ Марказий госпитали бошлиғи,  
полковник.

## МОЛОДОСТЬ – ПОРА ЭНТУЗИАЗМА

Молодость – пора энтузиазма. Юноши и девушки строят планы на будущее, стремятся достичь поставленных целей. Для их реализации в нашей стране создаются все необходимые условия.

Подтверждением этому стала встреча Президента с молодежью страны, состоявшаяся 25 декабря сего года. Это незабываемое событие взволновало всех нас.

В столичном комплексе «Хумо Арена» собрались неравнодушные юноши и девушки со всей республики. Приехали и молодые жители г. Навои – спортсмены, бизнесмены, программисты, представители других специальностей.

Глава государства сказал: «Работа с молодежью должна стать самой основной для всех нас – от Президента до министра, от хокима до председателя махалли... Пришло время, когда каждый хоким, министр, председатель махалли, живая этим, должен задаваться вопросами: «Что я сделал для молодежи сегодня? Что я должен сделать завтра в интересах молодежи?».

Его слова отозвались в наших душах. Сегодня нам необходимо осознанно подойти к пониманию по-



ставленных задач и целей: четко их сформулировать и стараться реализовать в полном объеме. Наша судьба тесно связана с судьбой Родины, оправдать доверие народа – наша обязанность. Потенциал молодежи велик. Например, Дильшоода Хакимова, окончившая школу, находящуюся в селе Ибрат Туракурганского района Наманганской области, свободно говорит на семи языках.

В своем выступлении глава государства упомянул о новых возможностях для нашей молодежи. В частности: в 2021 году 200 молодых людей, набравших на вступительных экзаменах наивысшие баллы, получат четырехлетнюю президентскую стипендию; будут выдаваться льготные

ссуды на образование для семей с двумя и более детьми; предусматривается предоставление льгот организациям, нанимающим молодых специалистов и т.д. Теперь все зависит от нас самих, нашего желания развиваться.

Благородная цель каждого молодого жителя Узбекистана – способствовать тому, чтобы слава о нашей стране распространилась по всему миру. И мы сделаем все, от нас зависящее, чтобы оправдать чаяния народа и Президента.

Тимур АБДУРАСУЛОВ,  
старший инспектор группы  
по работе с молодежью  
отдела духовно-  
воспитательной работы  
и социальной защиты  
Управления кадров УВД  
Навоийской области,  
старший лейтенант.

### Байрам тилаклари

## ҚАЛЬЛАРДА ҒУРУР, ИФТИХОР

2020 йил ҳар биримиз учун оғир ва синовли йил бўлди. Шундай бўлса-да, жамиятимизнинг аксар соҳаларида ижобий ютуқлар қўлга киритилди. Пандемия бошқа соҳалар қатори, туризм ривожига ҳам сезиларли таъсир ўтказди. Аммо соҳа раўнақи йўлида олиб борилган саъй-ҳаракатлар ўз натижасини кўрсатди.



Ўзбекистон саёҳатга албатта бориш тавсия этилган мамлакатлар қаторидан муносиб жой олди ва хорижликларнинг бу эътирофи ҳар биримизнинг қалбимизни ғурур ва ифтихорга тўлдирди. Бундай кенг қўламдаги ишларни амалга оширишда юртимиздаги тинчлик ва осойишталик алоҳида аҳамият касб этади. Мен ана шундай шарафли касб эгаси бўлганимдан, юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига озми-кўпми ҳисса қўшаётганимдан жуда фахрланаман.

Фурсатдан фойдаланиб, куну тун фидойилик билан хизмат қилаётган барча ички ишлар органлари ходимларини, фахрийларимизни ҳамда уларнинг оила-аъзоларини Янги йил билан самимий кутлайман. Барча эзгу ниятларингиз 2021 йилда амалга ошин.

Матқўб МАДАМИНОВ,  
Хоразм вилояти ИИБ Хавфсиз туризмни таъминлаш  
бошқармаси бош инспектори, майор.



# АЗМУ ШИЖОАТГА МУНОСИБ БАҲО

*Агар давлат таянадиган асосий устун қонун бўлса, унинг кучини амалда намоён этадиган энг самарали тизим бу — ички ишлар органларидир.*

**Шавкат МИРЗИЕЁВ**



**Этироф этиш жоизки, энг замонавий тажрибаларни ўзда мужассам этган ва айни вақтда осмонимиз мусофоллигини кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келадиган ички ишлар органлари халқимизнинг тинч меҳнати ва осойишта ҳаётини таъминлашнинг ишончли кафолатига айланди.**

Ички ишлар органлари сафларида она Ватанимизни чин дилдан севадиган, бурчига садоқатли, муқаддас заминимиздаги тинч ва осуда ҳаётни таъминлаб келадиган энг муносиб ходимлар хизмат қилмоқда. Уларнинг фаолияти, азму шижоати ҳар қачонгидан ҳам юқори баҳоланиб, халқимизнинг юксак ҳурматиға сазовор бўлмоқда, ходимларимизнинг ўзи эса давлатимиз ва жамиятимиз ғамхўрлигини амалда ҳар томонлама чуқур ҳис этмоқда.

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллиги, Ўқитувчи ва мураббийлар куни ҳамда 25 октябрь – Ички ишлар органлари ходимлари куни муносабати билан Президентимиз фармониға кўра, бир гуруҳ ходимлар давлатимизнинг юксак мукофотлари билан мукофотланган эдилар.

Ички ишлар органларида узоқ йиллар самарали хизмат қилган, юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, жамоат хавфсизлигини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш, жиноятчиликка қарши курашиш тизimini такомиллаштириш, шунингдек, ёш авлодни она Ватанға муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш ишлариға катта ҳисса кўшган фидойиларни шарафлаш мақсадида куни кеча ИИВда тантанали тадбир ўтказилди.

Тантанали тадбир аввалида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Пўлат Бобожонов сўзға чиқиб, мамлакатимиз ички ишлар органлари ходимларининг жамоат тартиби ва тинчлик-осойишталикни сақлаш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги фидокорона хизмати, айниқса, уларнинг бугунги пандемия

шароитида кўрсатган жонбозлиги Президентимиз ва халқимиз томонидан муносиб қадрланганлигини алоҳида таъкидлади.

Шундан сўнг вазир марказий аппарат ҳамда Тошкент шаҳар ИИББнинг бир гуруҳ ходимлариға давлатимизнинг юксак мукофотларини тантанали равишда топширди.

Тадбирда мукофотланганлар номидан сўзға чиққан ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғи, II даражали «Шон-шараф» ордени соҳиби, полковник Олим Саидов, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ИИОФМБ эксперт-криминалистика гуруҳи катта эксперти, «Дўстлик» ордени соҳиби, майор Светлана Сальникова ва ИИВ Ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, «Шўхрат» медали соҳиби Гулбаҳор Суяровалар юксак эътироф учун Президентимизға, вазирлик раҳбариятиға миннатдорлик изҳор этиб, билдирилган юксак ишончли фидойи хизматлари билан оқлашға ваъда беришди.

– Менға берилган бу мукофот замирида барча ҳамкасбларимнинг меҳнати бор, – дейди ИИВ Транспортда хавфсизлигини таъминлаш бош бошқармаси бўлим бошлиғи, «Шўхрат» медали соҳиби, подполковник Ойбек Хожиматов. – Давлатимиз раҳбари томонидан ички ишлар органларини эл-юрт манфаатлариға хизмат қиладиган

чинакам халқчил тизимға айлантириш бўйича изчил ислохотлар амалға оширилмоқда. Юртимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдек шарафли ишға ҳисса қўшаётганимдан чеқсиз фахрланаман.

– Камтарона хизматим юксак баҳоланганидан жуда мамнунман, – дейди ИИВ Кадрлар бош бошқармаси жанговар, хизмат ва жисмоний тайёргарликни ташкиллаштириш бўлими МТБ инспектори, «Соғлом турмуш» медали соҳиби, капитан Шерзод Деканбаев. – Бунинг учун Президентимиздан, вазирлик раҳбариятидан миннатдорман. Келгусида ходимларимизнинг жисмонан етуқ, ҳар томонлама баркамол бўлишида ва уларнинг жанговар тайёргарликларини оширишда бор куч ва маҳоратимни сафарбар этаман.

«Эл-юрт учун фидойилик қилиш яхшиликларнинг гултожи ҳисобланади», дейилади ҳикматлардан бирида. Дарҳақиқат, Ватан хизматиға камарбаста фидойи ходимларимиз мамлакатимизда жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда юрт осойишталигини таъминлашда юксак касб маҳоратини намоёиш этиб, зиммаларидаги вазифаларни сидқидилдан бажариб келмоқда.

**Азизжон ФАЙЗИЕВ,**  
майор.  
**Ҳикматулла АЛИМЖОНОВ**  
олган суратлар.



## Байрам тилаклари



## ФАХР-ИФТИХОР ТУЙҒУСИ

Албатта, ҳар бир инсон Янги йилни оиласи даврасида кутиб олишни хоҳлайди. Мана шуларни хаёлимдан ўтказарканман, мамлакатимизда тинчлик-осойишталикни таъминлашға озми-кўпми ўз ҳиссамни қўшаётганимдан чеқсиз фахрланаман. Ахир, отахону онахонларимизнинг нури кўёфаси, жажжи болакайларнинг шодон қийқириқлари, ярим тун бўлишиға қарамасдан, кўплаб юртдошларимизнинг ҳадиқ-хавотирсиз бемалол юришлари учун ўз ҳузур-ҳаловатидан кечиш ҳаммаға ҳам насиб этавермайди.

Ҳукуматимиз ва Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти, қолаверса, халқимизнинг бизға билдирган улкан ишончини оқлаш шу кунларда масъулиятлироқ ва янада хушёр бўлишимизни талаб этади. Байрам муносабати билан кўчаларда, маҳаллаларда кўплаб юртдошларимиз бизни табриклаб, хизматимиздан миннатдорлигини

изҳор қилганида, қанчалик хурсанд бўлишимизни сўзда ифодалаш қийин.

Бу йилги байрамни оила аъзоларим билан кутиб ололмасам-да, бундан заррача афсусланмайман. Аксинча, халқимизнинг, қолаверса, яқин инсонларимнинг Янги йилни кўнгилдагидек кутиб олиши учун оз бўлса-да, ҳиссам қўшилаётганидан ғурурланаман. Чунки тинчлик бор жойдагина байрамлар файзли ўтади.

Фурсатдан фойдаланиб, сеvimли газетамиз орқали энг эзгу тилакларимни билдирмоқчиман: хонадонларингиздан файзу барака аримасин, янги йилнинг ҳар бир куни қувончу шодликларға бой бўлсин. Жонажон мамлакатимизда тинчлик-осойишталик бардавом ҳамда йил мобайнида байрамона кайфият ҳаммаға ҳамроҳ бўлсин.

**Сардор МЕЛИБОЕВ,**  
Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ИИОФМБ 2-сонли ИИБ ХПБ профилактика инспектори, катта лейтенант.



АДАБИЁТИМИЗ ДАРФАЛАРИ

# АБАДИЯТГА АЙЛАНГАН АДИБ

Ёзувчиликнинг машаққати кўп. Адиб ўзи яратган ҳар бир ижод маҳсулида юрак тубидаги кечинмалар, тугёнларни акс эттиради. Янги асари жамиятда қандай акс-садо беришини интиқиб кутади, шундан илҳомланади. Жаҳон адабиётининг забардаст вакили Эрнест Хемингуэй таъкидлаганидек, «ёзувчилик нақадар заҳматли иш. Бу касблар орасида энг мушқули! Агарда у осон бўлганида, унда ҳамма ёзувчиликни ихтиёр этармиди...».

Бир асарни ёзиш учун ижодкор кунлаб, ойлаб, ҳатто баъзан йиллаб изланади, тер тўкади. Ботинида йиғилган кечинмалар пишиб етилгач, уни қоғозга тушириб, яхлит бир ижод намунасини дунёга келтиради. Бундай асарларнинг «юки оғир», аудиторияси кенг бўлади. Адабиётимизнинг атоқли вакили Тоҳир Малик ана шундай замондошларимиздан бири эди.



Тоҳир Маликда сўз санъатига ҳавас эрта уйфонди. Қизгин адабий муҳит таъсирида улғайган ўспириннинг биринчи ҳикояси ўн тўрт ёшида «Гулхан» журналида босилиб чиқди. Мактаб, кейинчалик олийгоҳда таҳсил олган йиллари ижодининг янги қирралари намоён бўла бошлади. Қўлёмалар тахлами катталашгани сайин ёш қаламкашда бадий ижодга бўлган иштиёқ кучайиб борди. Талабалик йилларидаёқ, у адабиётимиз учун янги йўналиш саналган фантастика жанрига қўл урди. «Ҳикмат афандининг ўлими» асари ўзбек адабиётининг бадий фантастика, саргузашт жанрида яратилган илк қисса бўлди. Илк муваффақиятдан илҳомланган адиб кейин шу жанрда яна бир нечта асарлар ёзди.

Тоҳир Малик ўзбек адабиётида баракали ижод қилди. Унинг деярли барча асарла-

ри китобхонлар томонидан жуда илқ кутиб олинди. «Чорраҳада қолган одамлар», «Талваса», «Меҳмон туйғулар», «Одамийлик мулки, яна ўнлаб ҳикоя ва қиссалар адибга шуҳрат келтирди. Гарчи, уларнинг бадий тузилиши ранг-баранг бўлса-да, барчасида умумбашарий гоа – маънавий-руҳий комиллик муҳим ўрин эгаллайди. Тоҳир Малик инсоннинг ички дунёси, руҳиятига йўл топа олган ёзувчи эди. Чунончи, «Алвидо... болалик» қиссаси оку қорани танимай, жиноят оламига кириб қолган ўсмир-ёшларнинг ҳаётдан ҳикоя қилади. Асар қаҳрамонларининг тақдири, тўғри йўлдан адашган ёшларнинг фожиали қисмати ўқувчини мулоҳазага ундайди. Гоҳ уларга ачинсангиз, гоҳида ич-ичдан куюнасангиз... «Одамийлик мулки» рисоласида эса комиллик, одоб-ахлоқ, андиша, сабр-қаноат, инсонийлик, меҳр-оқи-

бат, бағрикенглик, саҳийлик сингари умумбашарий гоёлар кенг тарғиб қилинган.


Нафақат серқирра адиб, балки моҳир таржимон сифатида жаҳон адабиётининг сара намуналарини ўзбек тилига ўлган Тоҳир Малик ИИВ Академиясида ҳам тингловчи ва курсантларга сабоқ бериб, ўқув даргоҳининг маънавий-маърифий ва илмий салоҳиятини юксалтириш, таълим масканида билим олаётган ёш ўғил-қизларни ҳаётга тайёрлаш, инсонийлик фазилатларини тарбиялаш жараёнида фаол қатнашди. Машғулотларни ўзининг кўп йиллик ҳаётий таҳрибаси асосида олиб бориб, ёшларни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда жонбозлик кўрсатди.

Бутун умри давомида ўз илмини амали учун сарфлаган адиб она Ватанимиз

равнақи йўлида фидокорона хизмат қилди. Одамларнинг дарду ташвишлари, қувончу ҳасратлари билан яшади. Жамиятда кечаётган ўзгаришлар, янгилашлар билан бирга, табиатимиздаги баъзи бир нуқсонлар, вужудимизни кемираётган кўз илғамас иллатларни теран нигоҳ, юксак маҳорат ва куюнчаклик билан қаламга олди. Лоқайдлик, бефарқликдан ўзини йироқ тутиб, китобхонни мудом оғоҳ бўлишга чақирди. Шундан бўлса керак, адибнинг меҳр ва садоқат туйғулари маҳорат билан тараннум этилган асарлари қалбимиздан муқим жой олди.

Ёзувчининг умр бўйи қилган меҳнати келажак авлодлар учун қолдирган адабий мероси билан ўлланади. Тоҳир Малик ҳам серқирра ҳаёти ва ижоди билан ўзини абадиятга муҳрлаган адибдир.

Жамшид ХОЛОВ,  
катта лейтенант.



## ВАТАНПАРВАРЛИК ОЙЛИГИ

### «КИМ ВАТАНГА СОДИҚ БЎЛСА, МЕНДИРМАН ЎША!»

ИИВ Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш қўшинлари Қарши халқаро аэропортида хавфсизликни таъминлаш бўйича алоҳида батальонида ватанпарварлик ойлиги доирасида «Очиқ эшиклар кун» тадбири бўлиб ўтди. Унда ИИВ Қашқадарё академик лицейи, «Қалқон-Жасорат» мактаби Китоб тумани ва Шаҳрисабз шаҳар бў-

лими, Қарши шаҳридаги 43-сонли умумтаълим мактаби ҳамда Қарши шаҳридаги «Темурбеклар» ҳарбийлаштирилган мактаб ўқувчилари, шунингдек, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

– «Ким Ватанга содиқ бўлса, мендирман ўша!» шиори остида расмийчиликдан холи, яқин мулоқот руҳида ўтган тадбирда ёшларни ва-

танпарвар қилиб тарбиялаш, уларда мардлик, фидойилик ва жасоратни шакллантириш, юртга садоқат туйғуларини кучайтириш, ҳарбий касбга йўналтириш асосий мақсадимиз эди. Менимча, бунга эришилди, – дейди ҳарбий қисм командирининг ўринбосари, майор Элбек Эшонқулов. – Тадбир давомида миллий армиямизнинг давлат хавфсизлигини ҳимоя қилиш борасидаги масъулияти ва

мажбурияти ҳақида ўқувчи ёшларга кенг тушунчалар берилди.

Тадбир якунида иштирокчилар ҳарбий техникалар ва қуролларни кўздан кечиришди, улар учун ҳарбий хизматчилар ва ўқувчилар жамоасининг жанговар-спорт ҳаракатлари намойиш этилди.

Содиқ РАҲИМОВ,  
«Postda» муҳбири.

Қашқадарё вилояти.





МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ДАРСИ

# КИБЕРЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ – КИБЕРХАВФСИЗЛИК


Асримизнинг глобал муаммолари қаторига янгидан-янги турлари билан тилга олинаётган кибержиноятчилик кириб келганига ҳам анча бўлди. Унинг бизга маълум бўлган вирусли дастурларни тарқатиш, паролларни бузиб кириш, кредит карта ва бошқа банк реквизитларидаги маблағларни ўзлаштириш талон-торож қилиш, шунингдек, интернет орқали қонунга зид ахборотлар, хусусан, бўҳтон, маънавий бузуқ маълумотларни тарқатиш билан башариёт ҳаётига катта хавф солаётганидан кўз юма олмай-миз.

● «Кибержиноятчилик» тусунчаси ахборот-коммуникация технологиялари воситаларидан фойдаланган ҳолда, виртуал тармоқда даҳшат солиш, вирус ва бошқа зарарли дастурлар, қонунга зид ахборотлар тайёрлаш ва тарқатиш, электрон хатларни оммавий тарқатиш (спам), хакерлик ҳужуми, веб-сайтларга ноқонуний кириш, фирибгарлик, маълумотлар бутунлиги ва муаллифлик ҳуқуқини бузиш, кредит карточкалари рақами ҳамда банк реквизитларини ўғирлаш (фишинг ва фарминг) ва бошқа турли ҳуқуқбузарликлар билан изоҳланади.

Шу ўринда кибертерроризм ва унинг жамият ҳаётига солаётган хавфининг кўлами ҳам ошиб бораётганини таъкидлаш жоиз. Кибертеррористик ҳаракат (киберхужум) – компьютерлар ва ахборот коммуникация воситалари ёрдамида амалга оширилган, одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига бевосита хавф туғдирадиган ёки потенциал хавф туғдириши мумкин бўлган, моддий объектларга катта зарар етказиши ёки шунга олиб келиши мумкин бўлган, ижтимоий хавфли оқибатларнинг бошланиши ёки мақсади бўлган сиёсий сабабдир. Замоनावий террорчилар учун кибермақондан фойдаланишнинг жозибadorлиги киберхужумни амалга ошириш катта молиявий харажатларни талаб қилмаслиги билан боғлиқ.

Экспертларнинг хулосасига кўра, бу ривожланаётган давлатларнинг тараққиётига кўмаклашиш, умуминсоний демократик тамойилларни

қарор топтириш ниқоби остида фуқаролар онгига таъсир ўтказиш, уларни турли йўллар билан ўз мақсадлари сари



бўйсундириш орқали амалга оширилмоқда. Афсуски, бу жараёнда киберхужумларни уюштириш, бу йўлда интернет глобал тармоғининг мислсиз имкониятларидан «самарали» фойдаланишга уринишлар тобора авж олмақда.

Интернетда мавжуд ижтимоий тармоқлар, уларнинг ишлаб чиқарувчилари ва ҳомилярининг суверен давлат ички ишларига «аралашилари» қандай роль ўйнаши охиригача ўрганилмаганлиги боис баъзан бундай «аралашув» мазкур давлатга қарши эканлиги ҳали ҳануз эътироф этилгани йўқ. Ижтимоий тармоқлар эгалари ушбу тармоқлар саҳифаларида давлат тузумини ағдаришга даъват қилингани учун жавобгарликка тортилишининг халқаро миқёсдаги ҳуқуқий асослари яратилмаган. Ваҳоланки, ҳар бир қилинган жиноий хатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизлик

мазмун-моҳиятига кўра, албатта, жавобсиз ва жазосиз қолмаслиги керак.

Интернет сайтлари тўсатдан пайдо бўлиб, кўпинча форматини, сўнгра манзилни ўзгартиради. Шу боис айрим экспертлар интернетнинг буткул очиклиги каби дастлабки концепциялардан воз кечиб, унинг янги тизимига ўтишни таклиф этмоқда. Янги моделнинг асосий моҳияти тармоқдан фойдаланувчиларнинг анонимлигидан воз кечишдир.



Бу тармоқнинг жиноий таъжовулардан янада кўпроқ ҳимояланган бўлишини таъминлашга имкон берди. Мисол тариқасида, ёпиқ тармоқ тизимига ўтган Хитой давлатини ва бундай жараёнга тайёргарлик кўраётган Россия давлатини келтиришимиз мумкин.

Жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашаётган мамлакатимизда ахборот коммуникация технологиялари, ахборот тизимлари ва замоनावий компьютер технологияларидан самарали фойдаланиш бўйича изчил давлат сиёсати олиб борилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда жорий этилаётган замоनावий рақамли технологиялар, фуқароларимизга қатор қулайликлар ва имкониятлар эшигини очмоқда. Мазкур жараён билан бир қаторда, яратилаётган рақамли технологиялар ва ахборот тизимларининг хавфсизли-

гини таъминлаш муаммоси ҳам мавжуд, албатта. Бу энг долзарб масалалардан бири – киберхавфсизликни таъминлаш, содир этилиши мумкин бўлган кибержиноятларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш масаласи ҳисобланади.

Кундан-кунга такомиллашиб кетаётган кибержиноятчиликка қарши киберхавфсизликни таъминлашда қуйидаги асосий талабларни бажариш орқали улардан ҳимояланиш, яъни киберхавф-

олдини олиш ва унга қарши курашни олиб борувчи ваколатли давлат идораларига ҳам муайян вазифалар юкланишини алоҳида таъкидлаш лозим. Хусусан, улар кибержиноятчиликка қарши кураш фаолиятида Ўзбекистон Республикаси ва унинг халқини ахборот технологиялари ва коммуникациялари орқали амалга оширилаётган ёки бунга имкон бераётган шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини ва уларнинг манфаатлари ташқи ҳамда

сизликни таъминлашимиз мумкин:

● **ходимларга ахборот хавфсизлиги асосларини ўргатиш;**

● **фойдаланаётган дастурий маҳсулотларнинг заифликларини доимий синовдан ўтказиш;**

● **ишончли антивирус дастуридан фойдаланиш;**

● **лицензияланган расмий дастурлардан фойдаланиш;**

● **ахборот тизимларини ҳимоялашда кўп факторли аутентификациядан фойдаланиш;**

● **пароллардан фойдаланишда кучли паролни сақлаш сиёсатига риоя қилиш;**

● **мунтазам равишда компьютер қаттиқ дискларидаги маълумотларни шифрлаш.**

Шу ўринда, мамлакатимизда кибержиноятларнинг

ички кибертахдидлардан ҳимоя қилинишини таъминлаш, мазкур соҳада қонунийлик ва қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, кибержиноятлар ва киберхуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва барҳам бериш каби вазифаларни амалга ошириши даркор.

Шунингдек, кибержиноятлар ва киберхуқуқбузарликларни тергов қилиш ва уларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда олдини олиш бўйича зарур қарорлар қабул қилиш, кибержиноятчиликка қарши курашиш бўйича норма-тив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, кибертерроризм, киберэкстремизм, уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, давлат органлари манфаатларига ҳамда киберхавфсизлигига таҳдид солувчи киберхатарларни аниқлаш ва уларга қарши курашиш, кибержиноятлар бўйича терговга қадар текширув ва дастлабки терговни ўтказиш, тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига таҳдид солувчи кибержиноятларнинг содир этилишига имкон яратувчи сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш каби муҳим вазифаларни бажаришлари лозим.

Абдурасул ИМИНОВ,  
ИИБ Академияси Ахборот  
технологиялари кафедраси  
бошлиғи, подполковник.





АКТУАЛЬНО

Актуальным для Ташкента является вопрос парковки. К примеру, вам нужно решить какую-то проблему в организации. Если вы за рулем, первая мысль будет о том, где можно припарковаться. Огорчает то, что не везде есть парковочные места. Те, что есть, не всегда соответствуют требованиям. За что платить деньги, оставляя на так называемой парковке свой автомобиль, право слово, непонятно.

## Дорожные проблемы: ПАРКОВКА, ПРОБКИ

Знакомясь с концепцией развития дорожно-транспортной инфраструктуры Ташкента, Президентом страны было дано распоряжение об установлении в столице паркоматов. Как известно, в Ташкенте функцио-



нируют более 500 перекрестков, 200 – с низким уровнем пропускной способности. По причине того, что парковочных мест недостаточно, автомобили скапливаются у обочины дороги, тем самым затрудняя движение. Для решения данных проблем было поручено выделить общественному транспорту отдельные полосы на наиболее загруженных многополосных дорогах, установить паркоматы на центральных улицах. Отмечена важность увеличения количества пешеходных и велосипедных дорожек.

Как отмечается в официальных источниках, с каждым годом растет количество автомобилей. Только

за последние десять лет в городе количество автомобилей возросло вдвое – от 250 тысяч до 510 тысяч. Примечательно, что строятся мосты, новые трассы, которые способствуют решению вопроса пропускной способности дорог.

В часы-пик особенно прибавляется работы для сотрудников Государственной службы безопасности дорожного движения. На наиболее крупных перекрестках столицы их присутствие и обеспечение безопасного передвижения всех участников дорожного движения весьма актуально.

**Азиза ЖАНИЕВА,**  
корреспондент «На посту».



В АКАДЕМИЧЕСКИХ ЛИЦЕЯХ

## ЗНАНИЕ ЯЗЫКОВ ОТКРЫВАЕТ МИР

В АНДИЖАНСКОМ АКАДЕМИЧЕСКОМ ЛИЦЕЕ МВД РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН БОЛЬШОЕ ВНИМАНИЕ УДЕЛЯЕТСЯ ИЗУЧЕНИЮ КАК РОДНОГО, ТАК И РУССКОГО И АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКОВ.

– Первокурсники проявляют тягу к изучению русского языка, – рассказывает преподаватель кафедры языков Нигора Дусматова. – Многие из них знают его не очень хорошо, поэтому стараются наверстать упущенное: активно работают на занятиях, посещают факультативы.

Заходим к первокурсникам. Педагог представляет меня. Учащиеся заметно робеют, не сразу решаясь отвечать, но, постепенно привыкнув, сами задают вопросы.

– Русский язык – это связь между народами, источник информации. Часто мы читаем, смотрим и слушаем новости именно на русском. Несмотря на то, что молодежь активно изучает и другие языки, особенно английский, русский остается в приоритете, – говорит учащаяся первого курса Угиллой Абдусамадова.

Выясняется, что многие присутствующие учились в школах с русским языком обучения. Первокурсники – представители различных национальностей, населяющих Узбекистан. Среди них выделяется парень со славянской внешностью.



– Мне не трудно учиться в лицее, – говорит Дмитрий Магдалинов. – Узбекским владею. Общаюсь с однокурсниками, еще глубже осваиваю государственный язык. Ребята часто обращаются ко мне с просьбой что-нибудь

перевести на русский, я им помогаю...

– Мы применяем особую методику обучения, – вступает в разговор Нигора Дусматова. – Сначала объясняю тему урока на русском языке, затем – на узбекском, и сра-

зу же отвечаю на вопросы учащихся. Многие из лицеистов самостоятельно учат стихи Пушкина, Лермонтова, Есенина, декламируют их на уроках, активно обсуждают с классом. Организовываем презентации и видеуроки.

Преподаватели кафедры языков постоянно повышают свою квалификацию, участвуют в видеоконференциях, проводимых российскими коллегами, в ходе которых обсуждают проблемы современной филологии.

Барчиной Хасанова – учитель узбекского, Абдувахоб Тешабаев – английского и Барно Камалова – русского языков являются постоянными участниками семинаров, проводимых в Андижанской области, читают лекции в общеобразовательных школах, колледжах и лицеях.

Вряд ли кто-то в современном мире задумывается над тем, изучать или нет иностранные языки. Совершенно очевидно, что знание иностранного языка в наше время открывает перед людьми дверь в мир, полный полезной информации, интересных открытий и новых возможностей.

**Борис КЛЕЙМАН,**  
корреспондент «На посту».

На снимке: преподаватель Н. Дусматова с учащимися У. Абдусамадовой и Д. Магдалиновым.

Фото автора.  
Андижанская область.



Байрам  
тилаклариБАЙРАМ ТИНЧ ЎТИШИ  
УЧУН ХИЗМАТДАМИЗ

Кеч соат ропна-роса 24:00 да янги – 2021 йил эшик қоқиб кириб келади. Ҳамма хурсанд, айниқса, болажонларнинг шодлиги бу оламга сизмайди. Осойишталик посбонлари, бундай ширин лҳазалар учун жонини-да беришга тайёр!

Байрам кунлари барча ички ишлар органлари ходимлари сингари, патруль-пост хизмати ходимларининг ягона мақсади – байрам кўнглидагидек тинч ва безиён ўтиши учун намунали хизмат олиб боришдан иборат. Шунинг учун жамоат тартибини сақлаш ҳамда фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга камарбаста бўлиб, сергак ва хушёр ҳолда хизмат ўтаймиз.

Шу ўринда, оддий фуқаро ва кўп сонли ички ишлар органлари ходимларининг бир вақтида сифатида барча юртошларимизни Янги йил билан чин кўнглидан муборакбод этаман! Кириб келаётган йил юртимизга, бундан-да фаровонлик ва кўт-барака олиб келсин, мамлакатимиз янада равақ топиб бораверсин. Энг асосисини, ҳар бир оилада тинчлик, хотир-жамлик ва соғлиқ-саломатлик бўлсин!

**Фоғуржон ТОШМАТОВ,**  
Тошкент шаҳар ИИББ ППХ ва ЖТСБ  
ППХ бригадаси 4-батальон 4-отряд  
командири, подполковник.

## ИФТИХОР

ЮРТ БАЙРОҒИНИ БАЛАНД  
КЎТАРГАН ЙИГИТ

Поёнига етиб бораётган 2020 йил Фарғона вилояти ИИБ Тезкор вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди ходими, кичик сержант Лутфилла Сайдаматовга жуда омадли келди. Сабаби, у жорий йилнинг сўнгги ойларида иккита йирик халқаро спорт мусобақада муваффақиятли қатнашиб, Ўзбекистон байроғини баланд кўтарди.


Ички ишлар органларидаги фаолиятини 2018 йилда бошлаган қаҳрамонимиз зиммасига юклатилган ҳар қандай топиширқни пухта адо этиб, устозлари ишончини оқлапти.

Лутфилла Кува туманида туғилиб ўсган. Болалигидан спорт билан мунтазам шуғулланади. Ўтган йиллар давомида қатор республика ва халқаро миқёсдаги мусобақалар совриндори бўлди.

Ноябрь ойининг 3–9 кунлари Сербия Республикасининг Нови-сад шаҳ-

рида спортнинг жанговар самбо тури бўйича ўтказилган Жаҳон чемпионатида муваффақиятли иштирок этиб, фахрли иккинчи ўринни кўлга киритган эди.

Шунингдек, 16–20 декабрь кунлари Россия Федерациясининг Москва шаҳрида спортнинг жанговар самбо тури бўйича ўтказилган Жаҳон кубогига муваффақиятли иштирок этиб, бир қатор кучли рақибларини доғда қолдирди



ва фахрли иккинчи ўринга сазовор бўлди.

– Лутфилла ўз устида тинимсиз ишлайдиган, изланадиган спортчи, – дейди отряд командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, майор Нуриддин Сирожитдинов. – Нафақат спортда, балки хизмат фаолиятида ҳам намунали ходим. Ҳар қандай топиширқни аъло даражада бажаради. Халқаро мусобақалардаги ютуқларга тинимсиз машғулотлар, меҳнат ва фидойилиги туфайли эришмоқда. Биз у билан доим фахрланамиз.

Сафарбар отряднинг шахсий таркиби орасида Лутфилла каби мохир спортчилар жуда кўп. Отряд раҳбариятининг ишни тўғри ташкил қилгани, ходимлар ўртасида ижобий ва дўстона муҳит шаклланиши боис чемпионлар сафи борган сари кенгаймоқда.

**Абдувосит СИДИҚОВ,**  
«Postda» мухбири.

Фарғона вилояти.



## УЧИНЧИ СЕКТОРДА

ЭҲТИЁЖМАНД АҲОЛИ –  
ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Мамлакатимизда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда аҳолининг яшаш шароитини тубдан яхшилаш борасида изчил ишловлар амалга оширилмоқда. Хусусан, бунда жойларда секторлар фаолиятининг йўлга қўйилгани, айниқса, муҳим аҳамият касб этмоқда.

Чортоқ тумани ИИБга бириктирилган 3-секторда ҳам ишчи гуруҳ томонидан ҳудуддаги аҳвол ўрганилиб, мавжуд муаммоларга ечим топилмоқда. Сектор ҳудудидаги 15 та маҳалла фуқаролар йиғинида 8 минг 473 та хонадон бўлиб, уларда қарийб 50 минг нафар аҳоли истиқомат қилади.

– Сектор ҳудудида ижтимоий ҳимояга муҳтож 478 та оила ҳамда 839 нафар меҳнатга лаёқатли ишсизнинг рўйхати шакллантирилди, – дейди сектор раҳбари, туман ИИБ бошлиғи, подполковник Отабек Жабборов. – Айни пайдада эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш, ишсиз фуқароларнинг

бандлигини таъминлаш мақсадида тизимли ишлар олиб бориляпти.

Ниҳояланаётган йилда пандемия даврида 616 та оилага саховатпеша ҳомийлар томонидан салкам 155 миллион сўмлик озик-овқат маҳсулотлари тарқатилган бўлса, 36 та оиланинг ер ва мол-мулк солиғи қарздорлиги тўлаб бе-

рилди. Шу билан бирга, 35 та оила парранда, чорва моллари билан таъминланди. 6 та оиланинг томорқасига субсидия асосида иссиқхоналар қуриб берилди. Шунингдек, «Темир дафтар»га киритилган 478 та камбағал оиладаги 839 нафар меҳнатга лаёқатли аҳолининг 821 нафарининг бандлиги таъминланди.

– Туманимизнинг чекка ҳудудида яшайман, – дейди «Байналмилал» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Азиза Омонова. – Чеварлик билан шуғулланишим учун тикув машина йўқ эди. Сектор раҳбарининг сайёр қабулида ёрдам сўраган эдим, астойдил қўллаб-қувватлади. Ҳозир аёллар либосларини тикиб,

оиламизга моддий жиҳатдан кўмаклашяпман.

Жорий йилда сектор ҳудудидаги «Янгиобод» ва «Байналмилал» маҳалла фуқаролар йиғинидаги кўчаларнинг маълум бир қисмига шағал ётқизилди. Сарой маҳалласидаги кўчанинг 200 метр қисми асфальтлаштирилди. Шунингдек, ушбу маҳалла фуқаролар йиғини аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 2 километр масофага қувурлар ётқизилди.

– Кўчамиз ёзда чанг, қишда лой бўларди, – дейди мазкур маҳаллада умргузаронлик қилувчи Одилжон Иномов. – Сектор раҳбарига қилган илтимосимиз беэътибор қолмай, кўчамизни асфальт қилиб беришди. Бундан беҳад мамнунмиз.

Сектор раҳбарияти ташаббуси билан 21 нафар ногироннинг ҳолидан хабар олиниб, уларга озик-овқат маҳсулотлари етказиб берилди. 1 нафари ногиронлар аравачаси билан таъминланди.

**Феруза ОТАХОНОВА.**

Наманган вилояти.





НАГРАЖДЕННЫЕ РОДИНОЙ

# Верность профессии и долгу

При выборе профессии, на решение детей часто влияет пример отца. Герой нашего рассказа – Тулжун Сайипов – так же, как и его отец, Тургун Сайипов, связал жизнь с непростой профессией – стража законности и правопорядка. Старший брат Тулжуна Тургуновича, подполковник Равшанжон Сайипов (ныне покойный), и сестра, полковник Барно Сайипова, также пошли по стопам отца, который служил в Организационно-инспекторском управлении (ныне Организационном департаменте) МВД и в звании подполковника вышел на заслуженный отдых.

Подполковник Тулжун Сайипов двадцать один год назад пришел в подразделение безопасности дорожного движения.

– Мне по душе следить за порядком на дорогах, – уверяет Тулжун Тургунович, и по тому, как твердо он это заявляет, становится ясно: это его призвание.

Тулжун Тургунович пришел в органы правопорядка уже сложившейся личностью, успев окончить факультет технологии машиностроения ныне Ташкентского государственного технического университета.

– Вспоминаю вечера, проводимые с отцом и братом. За пивалой чая они говорили о работе, сослуживцах. Я слушал их с огромным интересом. Рассказы увлекли меня настолько, что, узнав о том, что в подразделении ДПС УБДД ГУВД г. Ташкента идет набор, я, не раздумывая, подал документы. Так как уже окончил вуз, меня сразу взяли старшим инспектором отдельного специального дивизиона.

Мой собеседник считает, что сотрудник правоохраны, будь он опер-

уполномоченным или инспектором профилактики, следователем или экспертом-криминалистом, должен быть бдительным, разносторонне образованным, вежливым и тактичным, принципиальным, тонким психологом, прислушиваться к интуиции.

В многолетней служебной практике подполковника Т. Сайипова были и погони, и схватки со злоумышленниками, пыгавшимися скрыться от правосудия. И, соответственно, слова благодарности за ратную службу. А самый запомнившийся случай – задержание представителя запрещенного экстремистского течения по прозвищу «Эмир»...

– Это было в 2001-м, шел третий год моей службы. Поступила информация о том, что в автобусе № 53, курсирующем по маршруту «Уриктар-метро Пахтакор», неизвестный раздает листовки, агитирующие примкнуть к экстремистскому течению. Получив по радию сообщение, мы последовали за автобусом. На остановке, расположенной по улице Маннона Уйгура, вошли в автобус и



попросили пассажиров показать документы. Один из парней засуетился, вызвав тем самым обоснованное подозрение. При проверке у мужчины обнаружили запрещенные листовки. Подозреваемого доставили в Учтепинское РУВД (ныне УКД ОВД). Поже стало известно, что задержанный был одним из главарей экстре-

мистской группы, объявлен в розыск правоохранительными органами. После этого случая меня перевели в специальный дивизион бригады ДПС УБДД ГУВД г. Ташкента.

Надо отметить, что по стопам отца и деда пошел и сын Тулжуна Сайипова, лейтенант Отаёр Тургунов. Он инспектор профилактики в ОВД № 3 Зангиатинского района столичной области, говорит, что его призвание – служить закону, обеспечивать правопорядок.


В связи с Днем сотрудников органов внутренних дел Республики Узбекистан старший инспектор специального дивизиона бригады ДПС УБДД ГУВД Ташкента подполковник Тулжун Сайипов был награжден медалью «Шухрат».

– Хочется выразить огромную благодарность руководству страны и органов внутренних дел. Высокая честь быть удостоенным государственной награды. Буду служить, оправдывая оказанное доверие, – заверил Тулжун Сайипов.

Азиза АГЗАМХОДЖАЕВА,  
корреспондент «На посту».

14 ЯНВАРЯ – ДЕНЬ ЗАЩИТНИКОВ РОДИНЫ

## Выполняя ответственные задачи



Основной задачей Войск по обеспечению безопасности в международных аэропортах является надежная защита объектов НАК «Узбекистон хаво йуллари», транспортных и телекоммуникационных систем, защита аэропортов от различных террористических, подрывных и других преступных намерений, предотвращение чрезвычайных ситуаций, принятие своевременных мер по предупреждению различного рода рисков.

Личный состав войсковой части № 7255 выполняет ответственные задачи по обеспечению безопасности в международном аэропорту «Андижан». Военнослужащие постоянно совершенствуют профессионализм и боевое мастерство, прилага-

ют все силы для образцового выполнения поставленных задач.

– Распространение угрозы международного терроризма и экстремизма, военные конфликты, продолжающиеся в различных частях мира, заставляют нас быть особо

бдительными, постоянно готовыми к отражению возможных угроз, – говорит командир войсковой части подполковник Анвар Мамиров. – Исходя из этого, в 2020 году в подразделении был сформирован отряд для выполнения специальных задач, в который на конкурсной основе набирали военнослужащих из числа личного состава. Главное

требование – отличная физическая подготовка, навыки владения различными видами огнестрельного и холодного оружия, умение действовать в экстремальной обстановке.

Сегодня отряд полностью укомплектован и готов в любую минуту выполнить задачи по отражению нападений на охраняемые объекты, освобождению заложников.

Бойцы – крепкие, хорошо сложенные молодые люди, с отменным здоровьем, высокими моральными качествами, психически устойчивые, умеющие выполнять самые ответственные задачи.

Военнослужащие вооружены и экипированы согласно установленным требованиям.

– Службу в спецподразделении легкой не назовешь, – говорит рядовой Шахбоз Хамдамов. – Много времени уделяем физической, боевой и специальной подготовке. Каждый боец должен владеть несколькими видами оружия и быть готов дать отпор любой провокации. Во время учений мы набираемся опыта, учимся действовать сообща. Служба мне нравится.

«Безопасность в небе обеспечивается на земле», – говорят люди, связанные с авиацией.

Герои нашего рассказа являются теми, кто гарантирует эту безопасность. Они с честью выполняют поставленные перед ними задачи.

Борис ВЛАДИМИРОВ.



«Postda.uz» телеграм каналимиз ўз фаолиятини бошлагани муштарийлар томонидан илиқ кутиб олинди. Бунинг телеграм канали орқали юборилаётган фикр-мулоҳазалар, телефон кўнғироқларидан ҳам билиш мумкин.

Айниқса, «Postda.uz» да берилаётган турли бошқотирмалар, мантқиқий саволлар муштарийларнинг


қизиқишларига сабаб бўлиб, уларнинг тафаккурини бойитишга ҳисса қўшмоқда. Ўқувчиларимиз орасида турли ёш ва соҳа вакилларининг борлиги бизни янада изланишга ундайди.

Кўйида берилаётган энг фаол муштарийларимиз ҳақидаги маълумотлар сизни ҳам қизиқтиради, деб умид қиламиз.

## ҲАЁТ ЖУМБОҚЛАРИНИ ЕЧИШ ОСОН ЭМАС

Ҳаётнинг турган-битгани жумбоқ, аслида. Биз уни ҳар куни ечишга уринамиз: бирда уддалаймиз, бирда эса йўқ. Бинобарин, бу ҳар бир кишининг ўша жумбоқлар моҳиятини қай даражада тушуна олишига, йиллар тўзонидан олган катта-кичик сабоқларини тажрибасига боғлиқ.

Бандихон тумани ИИБ ЖКБ катта тезкор вакили, майор Ботир Ҳўжамбердиевга турли жумбоқларни, бошқотирмаларни ечиш ўзгача завқ беради. Айниқса, у «Postda.uz» телеграм каналида бериб бориладиган детектив йўналишдаги бошқотирмаларни ечишга уста. Бу ишнинг ҳоббисига айланган.



– Болалигимда кичик-кичик бошқотирмаларни топишга жуда қизиқардим, – дейди майор Ботир Ҳўжамбердиев. – Жавобини топмагунимча ўйлашдан, изланишдан чарчамасдим. Кейин билсам, бу машғуллар менда синчковлик, муаммоларга мантқиқий ёндашув каби жиҳатларни шакллантирган экан. Аслида, жиноят қидирув йўналишида жуда керак бўладиган хусусиятлар ҳам шулар.

Қаҳрамонимиз Термиз туманида туғилиб ўсган. Умумий ўрта таълимдан сўнг Термиз давлат университетининг физика ва математика факультетида тахсил олган.

2001 йили Термиз туманида профилактика инспектори лавозимида фаолиятини бошлаган Б.Ҳўжамбердиев сўнгра Жарқўрғон ва Қизилриқ туманлари ички ишлар бўлимларида турли лавозим-

ларда хизмат олиб борди. Хизмат фаолияти жараёнида гиёвандлик, ўғрилик, фирибгарлик, одам савдоси ва бошқа турли жиноятларни очишда жонбозлик кўрсатди.

– Бир гал Қизилриқ туманида учта мол ўғирлангани ҳақида хабар олдик, – деб эслайди Ботир Ҳўжамбердиев. – Куз фасли бўлгани учун ерлар юмшаган, ерга тушган из кўриниб-билиниб турадиган намгарчилик вақти эди. Биринчи ишимиз молларнинг туёқларидан из олиш бўлди. Улар бизни тўғри моллар яширилган уйга олиб борди. Аввалига, хонадон дарвозаси олдида тўхтаб, қўшни ҳовлига кирдик. Сўраб-суриштириш

жараёнида қўшни уйда мол боқилмаслигини билдик. Шубҳамиз ортиб, туёқ излари йўналган ҳовлига кирдик ва ҳамма ёқни кўздан кечирдик. Аммо мол ўғрилгига

дахлдор ҳеч нима топилмади. Ошхонага кирганимда эса унинг ўрта қисми янги қазилиб, сўнг тупроқ ташланганига кўзим тушди. Бу жой қайтадан қазилди. Не кўз билан кўрайликки, молларни ўғирлаган икки йигит уларни сўйиб, ошлаб бўлгач, гўштини ошхона ичига ўра қавлаб, кўмиб қўйишган экан.

Энг қизиғи, суҳбат жараёнида йигитлардан бири хорижга ишлашга борганида хавфли қурол олиб қайтгани ва у билан турмуш ўртоғини кўрқитиб, калтаклаб, таъийқ ўтказётгани ҳам ошкор бўлди. Бир жиноят иккинчисини етаклаб келади, деганлари рост чиқди.

Қаҳрамонимиз синчков бўлиш билан бирга, ўта самимий, камтар инсон, яхши суҳбатдош ҳам. Кўп қатори турмуш ўртоғи билан бирга 4 фарзандни умид билан ўстирапти. Уларнинг таълим-тарбиясига алоҳида эътибор

қаратади. Улар билан бирга дарс тайёрлашга ҳам, оилавий йиғинларда ноодатий совгалар ҳозирлашга ҳам вақт топади.

– Бу йилги Янги йилда ҳам фарзандларимни, оила аъзоларимни хурсанд қиладиган совға тайёрлашга киришман, – дейди қаҳрамонимиз. – Ахир, ҳаммамиз ҳам ҳаётда ана шу яқинларимизнинг бахтиёрлиги учун меҳнат қиламиз, тиришамиз, курашамиз. Бу билан ҳаётимизга мазмун қўшилгандай бўлади. Истардимки, кўп синовларни бошидан ўтказган 2020 йилга ортада қолдириб, 2021 йилга қадам қўяётган ҳар бир юртдошимизнинг янги йилда барча орзулари ушалсин. Хонадонда фақат яхши кунлар, ҳамжиҳатлик ва хотиржамлик ҳукм сурсин!

**Феруза РАҲМОНҚУЛОВА,**  
«Postda» муҳбири.  
Сурхондарё вилояти.

## Байрам тилаклари



## Янги йилдан УМИДИМИЗ КАТТА

Жорий йилда ички ишлар органлари тизимида амалга оширилган кенг қамровли ислохотларда, хусусан, тизимдаги ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, касбига ҳалол ва виждонан хизмат қилиш туйғуларини синдиришда оз бўлса-да, биз – ИИБ Фахрийлар кенгаши фаолларининг ҳиссамиз борлигидан қувонамиз.

Халқ, миллатнинг кўксидagi маънавий дарёлари адабиёт, матбуотнинг қудрати билан лиммо-лим тўлиб туради. Тизим ходимлари учун маърифат ва маънавият чақмаси бўлган «Postda – Ha postu» газетаси орқали барча юртдошларимизни Янги йил билан табриклаймиз. Барчага мустақкам соғлиқ, бахту саодат, Ватанимиз тинчлиги, озоишталиги йўлидаги машаққатли фаолиятингизда куч-ғайрат тилаймиз. Янги йил хонадонларимизга олам-олам қувонч, файзу баракка, фаровонлик олиб келсин! Юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон, жонажон Ўзбекистонимиз осмонни ҳаммаша мусаффо бўлсин! Янги йилдан умидларимиз катта. 2021 йил Ватанимиз учун янада муваффақиятли ва юксак натижаларга бой бўлишини тилаб қоламиз.

**Эркинжон НОРГИТОВ,**  
ИИБ Фахрийлар кенгаши раиси,  
истеъфодаги генерал-майор.



## «КЕЛАЖАҚДА ВАТАН ПОСБОНИ БЎЛАМАН»

**Қарши шаҳридаги 4-сонли мактабнинг 6-синф ўқувчиси Мирфайзбек Абдуллаев** иқтидорли ўқувчилардан бири. 2008 йили Чироқчи туманида туғилган Мирфайзбек иқтидори, билим олишга бўлган чанқоқлиги ва интилувчанлиги билан тенгқурлари орасида алоҳида ажралиб туради.

У синф сардори бўлиш билан бирга, ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича туман-шаҳар ҳамда вилоят танловларида қатнашиб, билим ва қобилиятини намоиш этиб келмоқда. Жумладан, 2017 йили Косон туманида оиласи билан яшаган Мирфайзбек инглиз тили бўйича фан беллашувининг туман

босқичида иккинчи ўринни қўлга киритди. Ана шундан сўнг у инглиз тили билан бирга, рус тилини ҳам астойдил ўргана бошлади. Натижада ўтаётган йилнинг апрель ойида онлайн тарзда ўтказилган «Время – знания» халқаро фан олимпиадасида тарих фани бўйича фахрли иккинчи ўринни қўлга киритди. Мирфайзбек бу ютуқлар билан чекланиб қолмасдан, июнь ойида Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган «Ватаним учун мен» иншоолар танловида учинчи ўринга нуносиб кўрилди.

Дарвоқе, Мирфайзбек таҳририятимиз телеграм каналининг фаол аъзоларидан бири. Турли хабарлари билан қатнашиб туради. Қолаверса, ёш бўлишига қарамасдан, унинг



телеграм каналимизда эълон қилиб борилаётган турли жумбоқ ва мантқиқий саволларга тўғри жавоб йўллаши мақтовга лойиқдир.

– Адабиётга ҳам қизиқман, шеърлар, мақолалар ёзиб тураман, – дейди биз билан суҳбатда Мирфайзбек Абдуллаев. – Она тили ва адабиёти фани ўқитувчимиз Зарифа опа ёзганларимни кўриб, камчиликларини кўрсатиб беради. Мактабимизда тез-тез иншоолар танлови ҳам уюштирилади. Бу танловларда олган билимларимизни синовдан ўтказамиз.

Ёш қаҳрамонимизнинг айтишича, яқинда ўқувчилар ўртасида «Келажакда ким бўлмоқчисиз?» мавзусида иншоолар танлови бўлиб ўтибди. Унда у келажакда ички ишлар органи ходими бўлмоқчи эканлигини ёзибди. Албатта, бу касб соҳа вакилидан маънавий

етуклик, жисмоний баркамоллик, энг муҳими, Ватанга, касбига, қасамёдига содиқликни талаб қилади. Жасурлик, фидойилик, мардлик намуналарини кўрсатиш ҳам бундан мустасно эмас. Бу хислатлар Мирфайзбек отаси, Нишон тумани ИИБ Ташкилий бўлинма бошлиғи, майор Сирож Раҳимовнинг ҳаракат ва сўзларидан ўрганган, десак, муболага эмас. Оилада уч ўғилни вояга етказётган Мархабо Чоршанбиева эса фарзандлар қамоли йўлида турмуш ўртоғи билан собитқадам.

Бўлар бола бошидан, дейдилар. Мирфайзбекнинг келажакда нафақат ота-онаси, балки юртимиз ифтихори бўлиб, мамлакатимиз шон-шавактини дунёга ёйишига ишонамиз.


**Содик РАҲИМОВ,**  
«Postda» муҳбири.

Қашқадарё вилояти.



УРОК ДУХОВНОСТИ И ПРОСВЕЩЕНИЯ

# Кибербезопасность против киберпреступности



В последние годы, благодаря последовательной и взвешенной политике руководства страны, Республика Узбекистан активно осуществляет интеграцию в международное сообщество. За относительно короткий период наше государство добилось колоссальных успехов. Последовательно совершенствуется и модернизируется система оказания государственных, банковских и других услуг в режиме онлайн, что максимально упрощает получение этих услуг населением и исключает коррупционную составляющую.

Особое внимание уделяется вопросу предоставления услуг интернета и мобильной связи. К сожалению, параллельно с этим в повседневной жизни все чаще стали упоминаться такие термины, как «хакер», «интернет-мошенник», «фишинг», «кибербезопасность», «киберпреступления» и т.д.

В целом можно выделить следующие виды киберпреступлений:

– **финансово-ориентированные (фишинг, кибервымогательство, кардинг, скимминг и пр.)**. Например: граждане обратились с заявлениями в ОВД, в которых сообщили о том, что неизвестный посредством мессенджера «Телеграмм» сообщает о результатах конкурса, якобы проведенного среди лиц, внесших деньги на покупку автомашин, затем обманным путем узнает реквизиты банковских пластиковых карт и в результате незаконно присваивает имеющиеся на них денежные средства. Была установлена личность злоумышленника. Им оказался житель Кызылтепинского района Навойской области Х. Ш. В качестве вещественных доказательств были изъяты различные компьютерные, сетевые и мобильные устройства, валютные средства, пластиковые карты. По данному факту следственные органы УВД Бухарской области возбудили уголовное дело по ч. 3 ст. 169 УК Республики Узбекистан, ведется следствие;

– **киберпреступления, связанные с вторжением в личную жизнь, либо**

**корыстным использованием персональных данных других лиц.** Так, в ОВД с заявлением обратился столичный житель К. Э., недавно прибывший из Стамбула (Турция). Регистрируя свой мобильный телефон в национальной системе UZIMEI, он обнаружил, что на его персональные паспортные данные уже зарегистрировано неизвестное ему мобильное устройство, в связи с чем, просил установить личность мошенника и принять к нему законные меры. В ходе следственной проверки было установлено, что группа жителей г. Андижана занималась незаконным ввозом мобильных телефонов. В обход закона они получали персональные сведения граждан, прибывших из-за рубежа, и пользовались ими при регистрации в системе UZIMEI ввезенных ими мобильных телефонов. Сотрудники Управления оперативно-розыскного взаимодействия МВД и УВД Андижанской области задержали злоумышленников и изъяли в качестве вещественных доказательств большое количество электронных персональных данных граждан Республики Узбекистан, компьютеры, незаконно ввезенные в страну мобильные телефоны, банковские карты, сим-карты мобильных операторов. Следственные органы УВД Андижанской области возбу-

дили в отношении них уголовное дело по ч. 2 ст. 141<sup>2</sup> и ч. 2 ст. 182 УК Республики Узбекистан;

– **киберпреступления, направленные против общественной безопасности и общественного порядка.** Например, было установлено, что ряд лиц занимается распространением в интернете материалов, пропагандирующих экстремизм. В ходе проведения оперативно-розыскных мероприятий сотрудники Управления оперативно-розыскного взаимодействия, Главного управления по борьбе с терроризмом и экстремизмом МВД, УВД Ферганской и Андижанской областей задержали несколько человек, в отношении которых следственные органы возбудили уголовные дела по ч. 3 ст. 244<sup>1</sup> УК Республики Узбекистан.

В заключение, в целях предостережения наших граждан от посягательств киберпреступников, сохранения их персональных данных и финансовых сбережений, хотелось бы напомнить о соблюдении простых правил:

- храните банковскую карту отдельно от пин-кода и не записывайте его на саму карту;
- вводите пин-код так, чтобы никто его не видел;
- не передавайте карту, не сообщайте пин-код третьим лицам;
- никому не сообщайте CVC-/CVV-код (секретный код на лицевой стороне карты для Visa, Mastercard), срок действия и другую информацию;

• не сообщайте секретные коды, передаваемые финансовыми учреждениями на ваши мобильные устройства в виде смс-сообщений при подключении банковской карты к удаленным онлайн-сервисам;

• при осуществлении онлайн-оплат, заходите только на проверенные веб-сайты, сопоставляйте наименование веб-сайта с официальным наименованием интернет-магазина либо поставщика финансовых услуг. Никогда не переходите по ссылкам из писем, направленных вам в виде смс-сообщений, на электронную почту, в соцсети, мессенджерах от неизвестных лиц;

• в случае утраты карты, незамедлительно позвоните в обслуживающую вас банк для ее блокировки;

• регулярно проводите тесты на наличие уязвимостей, чтобы четко знать точки проникновения в ваши системы;

• используйте адекватные инструменты защиты, такие как фаерволы и современные антивирусные решения;

• поддерживайте персональный компьютер в обновленном состоянии. Это очень важно для повышения уровня безопасности системы, производительности и устранения ошибок в работе;

• не открывайте файлы, вложения или ссылки из неизвестных и ненадежных писем, и не отвечайте на такие письма;

• будьте осторожны при открытии ссылок в письмах, мгновенных сообщениях и соцсетях, даже если они пришли от известных контактов;

• во избежание потерь данных периодически выполняйте резервное копирование, особенно наиболее важной и чувствительной информации;

• остерегайтесь материалов экстремистского, террористического, порнографического характера, пропагандирующих культ насилия или жестокости. Они запрещены законодательством Республики Узбекистан.

Самое главное – помните: даже при достижении максимального уровня технической защиты от посягательств киберпреступников, самым уязвимым звеном в этой системе всегда будет сам человек.

Азизхон ДЖАХОНОВ,  
подполковник.





## ИНСОНПАРВАРЛИК

«ҲАММАСИНИ БОШИДАН  
БОШЛАМОҚЧИМАН...»

Афв этиш шунчаки ҳуқуқий пафосга эга сўз эмас. Афв этилган одам учун бу сўзнинг қадри ўзгача: у оиланинг иссиқ бағрида яшаш нималигини қайта ҳис қилиш имкониятини, ҳаммасини қайтадан бошлаш, бошқа инсон бўлиб қайта туғилишдек ўзгача ҳис бахш этиши шубҳасиз.

Бу туйғуни олтинсойлик Н.Шерқобилов бошқалардан яхшироқ тушунади, яхшироқ англайди. Чунки у Конституциямиз қабул қилинганлигининг 28 йиллиги муносабати билан Президентимиз фармонида кўра жазони ижро этиш муассасасидан озод этилиб, яшаш манзилига қайтарилди.

Қилмишидан қаттиқ пушаймон бўлиб хатосини тушуниб етган ва билди-

рилаётган ишончни оқлаш мақсадида эндиликда фақат тўғри йўл ва соғлом турмуш тарзига риоя қилиб яшашга аҳд қилган Н.Шерқобилов икки нафар қорақўзи, оиласининг қошига келди. Унга жамиятга мослашиши, бирор ишнинг бошини тутиб, бошқалардек рўзгорнинг ширин ташвиши билан яшаши учун вилоят ҳокимлиги ҳамда Ички ишлар бошқармаси яқиндан ёрдам бермоқда.

Н. Шерқобилов тиббий кўриқдан ўтказилиб, унга туман ҳокимияти қошидаги кўнктириш маркази томонидан бирийўла тўланадиган моддий ёрдам пули берилди. Рўзгорнинг кам-кўстига ярайди деб, бир болали сигир ҳам олиб бериладиган бўлди.

Сухбат жараёнида у ўзларига тегишли бўлган узумзорда меҳнат қилиб, рўзгор тебратишини маълум қилди.

Афв этилганлардан яна бири М.Абдуллаев. У экстремистик оқимлар таъсирига тушиб, адашганлардан. Шу сабаб унга нисбатан 5 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Жами 4 йил жазо муддатини ўтаб, давлатимиз раҳбарининг фармони билан жазо муддатидан илгари шартли равишда озод этилди.

Бугун М.Абдуллаев Термиз шаҳридаги Юлдуз маҳалласида яшайди. Унга ҳам бир марталик моддий ёрдам пули берилиб, тиббий кўриқдан ўтказилди. Айни пайтда вилоят ИИБ томонидан фуқарога уй-жойини таъмирлаш ҳамда чилангарлик билан шугулланиши учун устaxonа очишга кўмаклашилмоқда.

Албатта, жазони ижро этиш муассасасидан ўз оиласи бағрига қайтган шахслар жамиятдаги муҳитга мослашиши, унда ўз ўрни ва йўлини топиши учун моддий-маънавий қўллаб-қувватлов жуда муҳим саналади. Буни тўғри англаган вилоят ИИБ ТЭҚКБ ходимлари улар билан профилактик суҳбатлар олиб бориш ва амалий кўмак беришда давом этмоқда.

Илҳом САЛОМОВ,  
катта лейтенант,  
Ахрор ҲАЙДАРОВ,  
лейтенант.

Сурхондарё вилояти.

## 14 ЯНВАРЬ – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

## МОҲИР КИНОЛОГ

**ИИБ Қоровул қўшинларига қарашли Қариш шаҳридаги 7533-ҳарбий қисм кинология хизмати ходимлари жорий йил мобайнида бир қатор ютуқларга эришди. Бунда ушбу ҳарбий қисмнинг 2-батальони хизмат итлари мутахассислари секцияси йўриқчи ўргатувчиси, кичик сержант Жонибек Жониқуловнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.**



Қашқадарё вилоятининг Қамашли туманида туғилиб ўсган бу ўғлон мамлакатимиз Куролли Кучлари сафида йигитлик бурчини ўтаб қайтгач, ота-онасининг розилигини олиб, ҳозир хизмат қилаётган ҳарбий қисмга ҳужжат топширади. Синовлардан муваффақиятли ўтгач, шартнома асосида хизматга қабул қилинади.

Илк фаолиятини бошлаган кезларидаёқ кичик сержант Ж. Жониқулов тиришқоқлиги, берилган топшириқларни ўз вақтида адо этганлиги боис командирларининг назарига тушади, ҳамкасблари ўртасида эътибор қозонади. Забонсиз жониворлар билан тиллашиб, касбий тажриба ва маҳоратини ошириб боради.

Устозлари – ҳарбий қисм хизмат итлари мутахассислари секцияси командири, сержант Бехруз Саидов ҳамда истеъфодаги катта сержант Нурали Очиловдан касб сирларини пухта ўрганди. Шунингдек, соҳада ўтказиб келинаётган кўпкураш мусобақаларида ҳам фаол иштирок этиб, касбга оид билим ва тажрибаларини бойитди. Жумладан, ИИБ Қоровул қўшинлари тизимида ташкил этиб келинаётган кўпкураш мусобақаларида гиёҳвандлик воситаларини қидириб топилган ихтисослашган «Виола» лақабли хизмат ити билан иштирок этиб, 2015 йилда биринчи, 2016 йилда иккинчи, 2018–2019 йилларда яна биринчи ўринга му-

носиб топилди. Бундан ташқари, 2019 йилнинг август ойида ИИБ тизимида ўтказилган «Аълочи кинолог» мусобақасида фахрли 1-ўринни қўлга киритди.

Ўрганганларини амалиётда қўллаб, хизматда муваффақиятларга эришиб келмоқда. Айни кезларда ёш ходимларга хизмат сирларини ўргатапти. Жумладан, ҳарбий қисм 2-батальони хизмат итлари мутахассислари секцияси йўриқчи ўргатувчилари, оддий аскарлар О. Мамадалиев, ва Э. Йўлдошев уни ўзларига устоз деб билишади.

– Раҳбарият томонидан ёш ходимлар моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланапти. Улар самарали хизмат қилишлари учун

зарур барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилапти, – дейди биз билан суҳбатда кичик сержант Ж. Жониқулов. – Бундай ғамхўрликлар биз ёшларни Ватанга, Президентимизга садоқат билан хизмат қилишга руҳлантириб, юрт осойишталиги йўлида, керак бўлса, жонимизни ҳам фидо этишга ундайди.

Кичик сержант Жонибек Жониқулов ўз касбининг устаси бўлиш билан бирга, намунали оила соҳиби ҳам. Турмуш ўртоғи Мафтунахон билан 3 нафар фарзанднинг тарбиясида собитқадам бўлиб келяпти. Ҳа, она юртининг ана шундай фидойи ўғлонлари доимо бор бўлсин!

Шерали Тўраев,  
кичик сержант.

ЭҲТИРОМ БИЛАН  
КУЗАТИЛДИ

Тошкент шаҳар ИИББ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасида пенсияга кузатиш маросими бўлиб ўтди.



Тадбирда узоқ йиллар соҳада фаолият олиб борган фуқароларнинг хорижга чиқиш учун биометрик паспортини расмийлаштириш бўлими бошлиғи, подполковник Алишер Аҳмедов ҳурмат ва эҳтиром билан пенсияга кузатилди.

А. Аҳмедов ИИБ Академиясини тамомлагандан сўнг, қатор йиллар ички ишлар органларининг турли соҳавий хизматларида, жумладан, Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасида фуқароларнинг хорижга чиқиш учун биометрик паспортларини расмийлаштириш бўлими инспектори ва бўлим бошлиғи лавозимида фаолият юритди.

Тантанали кузатиш маросимида бошқарма бошлиғи, полковник Улуғбек Мирзақамбаров Алишер Аҳмедовнинг ҳаётий фаолияти, қўл остидаги ходимлар билан бўлган муомала маданияти ҳақида йиғилганларга сўзлаб берди. Ўз навбатида, А. Аҳмедов бундай эҳтиром учун бошқарма раҳбарияти ва ҳамкасбларига миннатдорлик билдирди.

Анъанага мувофиқ, унга миллий тўн қийдирилиб, эсдалик совғалари топширилди.

Абу КЕНЖАЕВ,  
«Postda» фотомухбири.  
Муаллиф олган сурат.



ЛЮДИ-ЛЕГЕНДЫ

# Душа оркестра



Ўзбекистон Республикаси ИИВ  
Алохида намунали-кўргазмалари  
Оркестри

Есть люди, которых заслуженно называют «соль земли». Весь их жизненный путь, помыслы и достижения являются достоянием Отечества, гордостью народа, ярким примером для подражания молодежи. Без преувеличения могу сказать: именно к таким представителям нации, благодаря их исключительному таланту, мастерству и высшей степени патриотизма, относится народная артистка Узбекистана Галина Витальевна Мельникова.

Она символ элегантности, красоты, женского обаяния, скромности. Замечательный специалист и профессионал, мастер своего дела Галина Мельникова – любимица народа, кумир молодого поколения дикторов.

Помимо телевидения, журналистики и разносторонней общественной деятельности, Г. Мельникова внесла огромный вклад в художественное и творческое развитие Отдельного образцово-показательного оркестра МВД Республики Узбекистан. Вот уже около тридцати лет Галина Витальевна является бесценной ведущей и лицом отчетных концертов. Едва героиня нашего рассказа появляется на сцене – цветущая, словно весна, искрометная и необыкновенно милая, – зал взрывается овациями. Как же еще можно встречать человека, так много сделавшего для страны и народа?

...На днях Галина Витальевна отметила свой день рождения. Поздравить ее пришли представители От-

дельного образцово-показательного Оркестра МВД, те, кто на протяжении многих лет трудился вместе с ней на ниве искусства, имя которому – Великая музыка. Начальнику и главному дирижеру оркестра майор Муқимжон Махмудов поздравил Галину Витальевну с знаменательным событием и выразил слова признательности за высокий профессионализм и неоценимый вклад в общее дело.

– Признаться честно, нам не хотелось беспокоить Галину Витальевну, отвлекать ее от телефонных звонков и поздравлений, которые не утихали ни на минуту, – делится впечатлениями майор М. Махмудов. – Но виновница торжества не позволила нам вот так уйти, не вкусив хлеба-соли за щедро накрытым дастарханом. Конечно, мы с радостью приняли приглашение, ведь она не только ведущая наших концертов, но и, если можно так выразиться, душа оркестра.

За столом, красиво и вкусно накрытым золотыми ру-

ками хозяйки, говорили о многом, вспоминали тех, с кем довелось плодотворно работать многие годы. Вспомнили добрым словом основателя и первого главного дирижера Отдельного образцово-показательного оркестра МВД республики полковника Григора Ервандовича Терзяна, воспитавшего не одно поколение талантливых музыкантов. Вспомнили с грустинкой в сердце и супруга Галины Витальевны, ныне покойного полковника Саркиса Варгановича Калустяна, на протяжении ряда лет возглавлявшего ГСУ МВД Узбекистана – профессионала высокого уровня, воспитавшего целую плеяду талантливых следователей.

Ученики и последователи Саркиса Варгановича с благодарностью вспоминают мудрого и доброго наставника, обладавшего особым душевным подходом, относившемся ко всем уважительно и справедливо.

Общаясь, хозяйка и гости посетовали на то, что по причине пандемии не удалось провести в нынешнем году очередной отчетный концерт. Однако они надеются, что коронавирус отступит окончательно, и поклонники духовной музыки вновь придут на долгожданное выступление. И тогда музыканты пригласятся к действию. На сцену, под шумные овации зрителей, выйдет, как всегда элегантная, красивая и добрая фея

музыки – Галина Витальевна Мельникова. Маэстро Махмудов взмахнет дирижерской палочкой, и ввысь устремятся звуки чарующих мелодий...

...В преддверии Нового года Галина Витальевна передала нам свое поздравление:

– Всем жителям нашей благословенной Родины от всей души желаю счастья, крепкого здоровья, процветания, благоденствия и успехов во всем. Пусть сбудутся заветные мечты, а в семьях царят мир и любовь! Пусть спокойствие и благополучие не покинут наши дома.

С наступающим Новым годом, дорогие друзья!

**Георгий ПЕТРОСЯН,**  
корреспондент «На посту».

## ПАТРУЛЬНО-ПОСТОВАЯ СЛУЖБА

К сотрудникам пешего наряда батальона ППС УППСиООП УВД Андижанской области, командиру отделения 2-го отряда сержанту Зафару Сулаймонову и рядовому Шукрулло Сидикову, которые несли службу на стационарном посту ППС, расположенном на «Новом базаре», обратился за помощью предприниматель Мухаммадиз Шермухамедов.

Он сообщил, что несколько минут назад неизвестный украл мужскую куртку из принадлежащего ему магазина, расположенного в торговом ряду «Андижоним». Стражи порядка вскоре задержали молодого мужчину, подозреваемого в совершении преступления. В присутствии понятых был произведен личный досмотр. В сумке 28-летнего жителя областного центра Р. Даминжона была обнаружена украденная вещь.

– В прошлом году, в рамках концепции «Безопасный город», на базарах, автовокзалах и в местах скопления людей г. Андижана было оборудовано 10 стационарных постов ППС, – рассказывает заместитель командира



## Бдительность – прежде всего!

батальона ППС по воспитательной работе подполковник Абдухалил Юлдашев. – Практика показала, что граждане, нуждающиеся в помощи, сразу же идут к стационарному посту. Они видны издали, выкрашены в белый цвет, на крыше установлены проблесковые маячки и камеры видеонаблюдения. Здесь всегда дежурит сотрудник патрульно-постовой службы, который мгновенно может сообщить о происшествии пешему наряду или автопатрулю. В летнее время работает кондиционер. Пеший

патруль, обойдя территорию, может немного отдохнуть от палящей жары, а зимой – согреться.

Стоит также отметить эффективность тревожных кнопок SOS. Сообщения о правонарушениях принимаются в дежурной части УКД ОВД по г. Андижану. Потом их получают по рации сотрудники пеших нарядов, автопатрулей или конных групп, в зависимости от места, где произошло происшествие.

Использование тревожных кнопок дало ощутимый результат в преду-

ждения преступлений. 64 сообщения граждан были проверены, по данным фактам приняты меры.

В результате целенаправленных профилактических мероприятий, проведенных в рамках программы «Безопасный город», значительно снизилось количество преступлений на улицах, в кафе-барах, чайханах.

Для контроля за работой городских систем, обеспечения безопасности каждого жителя и всех уязвимых точек инфраструктуры были установлены камеры видеонаблюдения.

С помощью видеокамер в 37 случаях удалось предотвратить разгорающиеся скандалы между мужчинами, находящимися в состоянии алкогольного опьянения, 14 преступлений.

Национальный и зарубежный опыт показывает, что в укреплении правопорядка большую роль играет деятельность по профилактике правонарушений. Это, в свою очередь, вызывает необходимость использования новых методов работы, налаживания тесного диалога с населением и общественностью, что в полной мере соответствует принципу: каждый сотрудник обязан служить интересам народа.

**Борис КЛЕЙМАН,**  
корреспондент «На посту».

На снимке: пеший наряд ППС в составе рядовых Ш. Муродова и Ш. Мадаминава.

Фото автора.



ДЕКАБРЬ – КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ОЙЛИГИ

## ҚОНУНЛАРГА ТАЯНИБ ЯШАШ КЕРАК

**Коррупция дунёнинг кўпгина давлатларида учрайди. Аммо қайсидир мамлакатда бу жиноят даражаси паст, бошқасида эса аҳолининг асосий қатлами мазкур иллатдан муттасил азият чекади. Яна шуниси аниқки, қаерда бу иллатга қарши самарали курашилаётган бўлса, ўша жойда тараққиёт, ижтимоий адолат ва фаровонлик таъминланмоқда.**

**К**оррупция жамият-ни емиради, давлат тизимларини ишдан чиқаради. Чунанчи, таълимдаги коррупция туфайли жамиятнинг барча соҳалари билимсиз «му-тахассис»лар кўлига ўтади. Бу иллатнинг муодофаа тизимида илдиз отиши мамлакат Қуролли Кучлар қудратини заифлашти-ради, иқтисодиётдаги коррупция қашшоқлашувга олиб келади. Мазкур жиноят соғлиқни сақлаш тизимида кузатилса, мажруҳлик ёки бевақт ўлимлар ортади. Булар ҳаммаси тўпланиб, давлат идораларига нисбатан норозилик ва нафратни кучайтиради.

Шу боис ҳам бугун демократик йўлдаги мамлакатлар қатори юртимизда ҳам коррупцияга қарши қатъий кураш олиб борилмоқда. Хусусан, бу жиноятга дахлдор қонунлар изчил такомиллаштирилипти. Айни йўналишдаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида агентлик фаолияти ҳам йўлга қўйилган. Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан бу турдаги қонунбузарликларнинг олдини олиш ва содир этилган жиноятларни аниқлаш чоралари кўрилмоқда. Аммо ҳар бир фуқаро ушбу жиноятга мурасасиз муносабатда бўлмаса, амалга оширилаётган ишлар самарасиз бўлиб қолаверади, назаримизда. Пораҳўрликни кўриб, кўрмасликка олдас, унга қарши кураш фалон идоранинг иши дея эътиборсиз бўлсак, икки оёқ бир этикка тикилганида ўзимиз ҳам шу иллатга «дўст тутинсак», коррупция асло йўқ бўлмайди, аксинча, у янада гуллайверади.

Кўпчилигимизда ҳақ-ҳуқуқимизни талаб қилиш учун журъат етишмайди. Қонунлардан кўра, одамларнинг муҳокамасидан кўрқамиз. Журъатсизлигимизни андиша билан ниқобламоқчи бўламиз.

Шу ўринда Жиззах вилояти Мирзачўл тумани Санитария-эпидемиология осойишталик маркази раҳбарининг қилмишларига тўхталиб ўтсак. Маълум бўлишича, марказ бош шифокори 2019 йилнинг

октябрь ойида 24 нафар ходимнинг, декабрь ойида эса 22 нафар ходимнинг тўлов пластик карталарига жами 85 миллион 533 минг сўм рағбатлантириш пулларини туширган ва зудлик билан бу пулларни мажбурий тарзда ўзи ва турмуш ўртоғининг тўлов пластик карталарига ўтказиб олган. Марказнинг бир гуруҳ

Воқеа талабадан махсус ишлов берилган 4 миллион сўм пулни олган мактаб директори қайинсинглисининг жиноят жойида ушланиши билан ниҳояланди.

Демокчи бўлганимиз, юқорида тафсилотлари келтирилган ҳодисалардаги тиббиёт ходимлари ва талаба жабрланувчи бўлиб қолишни истамадилар,



шифокор ва ҳамширалари ҳолат юзасидан вилоят Ички ишлар бошқармасига мурожаат қилишмаганида, ушбу жиноят очилмасдан қолиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас эди.

Яна бир шунга ўхшаш ҳодиса: Жиззах давлат педагогика институтининг 4-босқич талабаси Фаллорол тумани «Маржонбулок» шаҳарча фуқаролар йиғинида жойлашган мактабга ишга киради. Қизиғи, у биринчи маошини олиши билан директор 400 АҚШ доллари миқдоридан пора талаб қилади. Йигитнинг йўриғига юрмаётганини кўрган раҳбар у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишини маълум қилади.

ўзларининг ҳақ-ҳуқуқини талаб қилишди. Энг муҳими, иллат илдиз отишига бепарво бўлишмади. Натижада жиноятчилар жазосини олди, қонун устуворлиги таъминланди.

Сўнгги пайтларда қайсидир пораҳўрнинг қўлга олингани тўғрисидаги хабарлар тез-тез кулоққа чалинмоқда. Бу юртдошларимизда коррупцияга нисбатан қайсидир даражада қаршилиқ ҳисси шаклланаётганининг белгисидир. Бу борада янада яхшироқ натижаларга эришиш учун қонунларга таяниб яшашни ўрганишимиз зарур. Бошқа кўплаб муаммоларимизни ҳам шу йўл билан ҳал қилсак бўлади.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ,**  
«Postda» мухбири.

Жиззах вилояти.

### «УЛАРНИ ЭНГ ХАВФЛИ ЖИНОЯТЧИ СИФАТИДА КўРАМАН»

Коррупция нима?

Коррупцияга муносабатингиз?

Коррупциянинг олдини олиш бўйича фикрингиз?



Хоразм вилояти ИИБ Ташкилий бошқармаси котибияти кичик инспектори, сафдор Сибдуш ҚАЛАНДАРОВ:

1. Коррупция – давлат хизматчиларининг эгаллаб турган мавқеи ва мансабидан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиб, жамиятга зиён етказишда ифодаланган хавфли иллатдир. Шундай экан, унга ўта оғир жиноят сифатида қарамоғимиз керак.

2. Назаримда, фуқаролар онгида «Пул бермаса, иш битмайди», қабилидаги фикр ҳамон сақланиб қолган. Қолаверса, баъзи раҳбарларнинг пора олишни кутиб ишлаётгани, тўғрироғи, яшаётганига гувоҳ бўляпмиз. Фуқароларимиз мансабдор шахсларга пора беришдан олдин ўз хатти-ҳаракати жиноят эканини англамоғи лозим. Ҳақ-ҳуқуқини яхши билган киши пора бериш орқали ўз мақсадига эришишга ҳаракат қилмайди. Уни белгиланган қонун ҳужжатлари доирасида амалга оширади. Шундай экан, коррупцияга алоқадор бўлган ҳар қандай лавозимдаги кишини жиддий қоралайман ва уни энг хавфли жиноятчи сифатида кўраман.

3. Коррупциянинг олдини олишда, аввало, халқимизнинг ҳуқуқий билимини оширишимиз, дунёқарашини кенгайтиришимиз энг тўғри йўл, деб биламан. Бундай жиноятга қўл урган кимсаларга нисбатан энг оғир жазо турларини қўллаш лозим. Қолаверса, бундай раҳбарларнинг давлат идораларида ишлашига йўл қўймаслигимиз керак.




ЗИКИР МУҲАММАДЖОНОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА

# ҚАЛБДА МЕҲР, СОҒИНЧ БИЛАН...



Умр – инсон учун берилган энг улуғ неъмат. Уни қанчалик мазмунли ва ибратли яшаш, эзгу ва хайрли амалларга бош бўлиб, ўзидан мангу из қолдириш ҳар бир инсоннинг ўз кўлида. Ўзбекистон қаҳрамони, Ўзбекистон халқ артисти Зикир Муҳаммадҷонов бетақрор ижролари билан ўзбек театр санъати ривожига бутун борлигини бахш этиб, унинг ривожини йўлида ҳар лаҳзани қадрлаб яшаган беназир инсон эди.

Вақт. Биз уни бешафқатликда айблаймиз. Аммо унинг лаҳзасида қалбларга ёруғлик, нур, зиё олиб кирган инсонларни ёдга оламиз. Зикир Муҳаммадҷонов ҳам ана шундай инсонлардан бири. Санъаткор орамизда бўлганда 1 январь куни кутлуг 100 ёшни қаршилаган бўларди. Афсус, у орамизда йўқ. Аммо шундай бағрикенг инсон билан боғлиқ илиқ хотиралар замондошларимиз ёдида ҳамisha мавжланиб, ёдгу сочиб тураверади...



## Отам ҳар доим ёдимизда, ёнимизда

**Омонулла МУҲАММАДЖОНОВ,**  
ҳуқуқшунос, юридик фанлар доктори, профессор.

– Ота-онам биз фарзандлар учун ҳамisha ибрат, садоқат ва матонат тимсолидир. Уларнинг ўзаро меҳри, садоқати туфайли ҳеч қачон бир-биридан айро гапира олмайман. Ота-онам турмуш қурганларидан кейин етти йил фарзанд кутишган. Бу айтишгагина осон. Яратган кетма-кет ўғиллар ато этган. Сўнгра ота-онанинг қувончи, онагининг иқболи бўлиб, онам Феруза дунёга келган. Афсуски, у оиламизнинг қайғу-ғами бўлиб, 5 ёшида фожиали вафот этган. Дадам шу куни ҳам жанозадан кейин театрга бориб, сахнада «Фурқат» спектаклида ўз ролларини маҳорат билан ижро этиб келган экан. Шундай вазиятда даданинг тутган йўли, мухлисларга бўлган садоқатидан ҳамisha ўрнат олса бўлади, деб ўйлайман.



Дадам билан ойим 72 йил бирга тотув яшашди. Онам даданинг санъатини ниҳоятда эъзозларди. Ҳамиша бир-бирига суяч, маслақдош эди.

Ота-онам бизга ниҳоятда меҳрибон ва эътиборли бўлган. Айниқса, таълим олишимиз, зиёли, маданиятли шахс бўлишимизга алоҳида аҳамият қаратишарди. Акам билан Москвада ўқиб юрганимизда отам яхши ўқиш, илмини чуқур эгаллаш кераклигини таъкидлаб чарчамасди. Ойим бизга ўз қўллари билан қулча, бўғирсоқ пишириб бериб юборарди. Уларни энг қувонтирган нарсаси ҳам шу эди, аслида. Биз фарзандларнинг илмий унвонлар олганимиз, дипломлар кўтариб келган кунимиз ота-онам жуда қувониб, бағрига босиб, узоқ дуо қиларди.

Бугун уч нафаримиз ҳуқуқшунос, тиббиёт ва юридик фанлар соҳасидаги профессорларимиз, келинлар тиббиёт фанлари номзоди, набиралар АҚШ, Буюк Британия ва Италия давлатларининг нуфузли олий ўқув юртлирини якунлаб, ҳозирда турли ташкилотларда фаолият олиб боришмоқда. Икки набиралари фан номзодлари. Яқинда қиз набиралардан бири хоризда ўтказилган халқаро бир танловнинг ғолибаси бўлганини эшитиб, ойим шу қадр ҳурсанд бўлдиларки, юракларидан оламиз армони билан боғлиқ ғам аригандек бўлди, назаримда. Бу йил волидамини «Мўтабар аёл» кўкрак нишони билан

тақдирлашди. Бу эътибор ва эътирофдан барчамиз, айниқса, онам жуда қувондилар.

Баъзан узоқ ўйга толиб, бир умр санъатни ардоқлаб, оилани муқаддас билиб, фарзандлар, набираларининг қувончидан қувонган отам ҳар доим ёдимизда, ёнимиздалигини ҳис этаман.

## Меҳр ва фахр билан...

**Теша МҲМИНОВ,**  
Ўзбекистон халқ артисти:



– 106 ёшга кирган ўзбек миллий театри катта мактабга эга. Бу муаззам даргоҳда Маннон Уйғур, Етим Бобоҷонов, Аброр Ҳидоят, Шуккур Бурҳонов, Обид Жалилов, Олим Хўжаев сингари устозларимиз бошлаган улуг йўлнинг Зикир Муҳаммадҷонов давомчиси эди.

Табарруқ ёшлар кўрди. Фарзандларига ҳавас қиларли даражада тарбия берди. Уларни комил инсон этиб камолотга етказди. Театрдан ташқари, қатор жамоат ишларига бош-қош бўлди. Театр санъати ҳақида мақолалар ёзди. Устоз санъаткорлар, замондош актёрлар, уларнинг ушбу соҳага кириб келиши, фаолияти ҳақида асарлар, китоблар ёзди.

Театрни бир оила, десак, уч нафақат устоз, балки каттаю кичикнинг отаси эди. Устоз актёр бўладими, ё оддий ходим, пардозчиси ёки либослар бўйича мутахассиси, фарқи йўқ, албатта, қўлларидан келган ёрдамни аямас, очикўнгиллик билан муносабатда бўларди. Ҳамиша инсоннинг кўнгилни авайларди. Оддий бир мисол: мен уйланишимда келиннинг уйига бориб, кимлигимни, оиламини таништириб келганлар. Ҳатто уй-жой қилишимда ҳам ҳокимиятга бориб, шароитимни тушунтириб оталардек жон кўйдирган.

Зикир Муҳаммадҷонов ниҳоятда самимий ва камтар инсон эди. Бир кун касалхонада даволанаётсам, эшик очилиб, Зикир ака оҳиста қадам ташлаб кириб келди. Устоз ўшанда саксон ёшда эди. Мендан хабар олгани келибди. Устоз улуг ёшдасиз, мен сиздан хафа бўлмайман, десам. «Ўз кўзим билан кўриб кетай, деб келдим. Сен касал бўласан-у, менинг кўнглим хотиржам бўла оладими?», дея қулиб қўйдим. Биз улардан сахнада санъат сирларини ўрганиб, ҳаётда эзгу ва савоб ишларига кўп гувоҳ бўлганмиз. Уларнинг ижодга бўлган муносабати, инсонийлиги, оилага бўлган меҳри, муҳаббатидан ибрат олганмиз. Уларнинг ҳар бир жиҳатларини меҳр ва фахр билан тилга оламиз.

Биз санъат йўлида меҳнаткашликни, фидойиликни устоздан ўрганганмиз. Уларнинг «Театрга кирдингми, уйинг шу, бир бурда нонинг ҳам шу, ризқингни ҳалоллаб егин. Саҳнага чиқдингми, охириги қатордаги томошабинга ҳам сўзинг этиб борсин. Йилгасанг йилгасин, қулсанг хоҳолаб қулсин», дея берган маслаҳатлари ҳанузгача қулогим остида жаранглаб туради.

Устоз ҳар доим спектаклдан икки-уч соат олдин келиб, пардоздан сўнг образга кириб саҳнага тайёрланар, роль устида ишлашдан эринмас, қаҳрамоннинг характери томошабинга яхлит етказиб беришга ҳаракат қиларди. Ҳар доим ёшлар билан ишлаб завқланар, уларни тарбиялашдан, йўл-йўриқ кўрсатишди ҳузурланар эди. Ҳатто 90 ёшга кирганида ҳам, ҳар куни театрга пиёда келиб, «Шу ерда катта бўлганман, театр менинг уйим, бир марта келмасам, кўнглим тўлмайди-да», дея ортага қайтарди. Устознинг ҳар бир сўзи биз учун ниҳоятда қадри эди. Илоҳим, жойлари жаннатда бўлсин.

## Халқни севиб, сеvimли бўлиш бахти

**Малика ИБРОҲИМОВА,**  
Ўзбекистон халқ артисти:

– Зикир ака билан театрда бирга ишлаш бахтига муяссас бўлганман. Одатда кўп сўхбатлашмасдим, аммо ташқаридан кўп кузатардим. Оламдан ўтганларидан кейин «Қалбдаги ўчмас излар» хотира-таҳлилий китобини ўқиб чиқиб, ниҳоятда хайратландим. Наҳотки, ёнгинамиздаги улуг инсонларнинг салоҳиятини ҳаётлигида тўлалигича англай олмаимиз, дея қаттиқ афсусландим.

Зикир Муҳаммадҷонов кузатувчан ёзувчи-хотиранавис экан. У ўз китобиде Ҳожи Сиддиқ Исломов, Миршохид Мирзиқоил, Шуккур Бурҳонов сингари актёрлардаги ўзига хосликни беҳато кўра билган, бетақрор услубда тасвирлаган. Маъсума Қориева фотиҳаларини шундай тасвирлагани, китобхон қалби сел бўлиб кетади. Китоб охирида актёр аёллардан Шоҳида Исмоилова, Зуҳра Ашурова, Сайёра Юнусова ҳақида ёзади: ҳар бир образнинг бетақрорлигини ёритиб беради. Яна бир жиҳат китобда муаллиф ўзини асло улуғламаган. Ҳаётда бошқаларнинг ибратли фазилатларини холис баён қилиш ҳам улуг қалбдан дололат. Уларнинг хотираларидаги соф инсонийликка шунчалар



таъсирланганманки, китобнинг сўнги саҳифасига Зикир ака, сизни ўз вақтида англамаган жиянингизни кечиринг, деб ёзиб қўйганман.

Театрда ишлаш жараёнида Зикир акадан ўрганганим жиҳатлар кўп эди. Улар ҳеч қачон шунча унвоним бор, таниқли актёрман, дея ўзини баланд олмасди. Кичик-кичик ролларни ҳам сахнада ёшлар билан ижро этарди. Уларга шунчаки ойлик олиб ишлаш ёқмасди. Нонини ҳалоллаб ейишни яхши қўрарди. Меҳнатдан қочмасди. Томошабинларни ниҳоятда ҳурмат қиларди. Саҳнани эъзозларди. Айниқса, халқ орасига ошиқши, одамлар билан самимий муносабатга интилиш, иштиёқ ниҳоятда кучли эди. У халқни севиб, сеvimли бўлди.

## Хулоса ўрнида

Йиллар ўтди. Зикир Муҳаммадҷонов санъатсевар халқимиз нигоҳида Миллий ва жаҳон саҳна асарларида яратган бетақрор образлари билан мангу қолди.

Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқоро каби буюк тарихий шахслар, турли мафкура ва дунёқарашга эга бўлган Фурқат ва генерал С. Раҳимов образларини яратиб, У. Шекспир, Ф. Шиллер асарларидаги бош ролларини ижро этиши Зикир Муҳаммадҷоновнинг катта салоҳияти ва иқтидорга эга бўлган актёр эканини намоён этди.

Дунёқараш чуқур, қизиқши доираси кенг, ўзбек санъатида ўз ўрни ва овозига эга бўлган санъаткор кино санъатида ҳам фаол иштирок этиб, «Фидойи»да Максуд, «Кониот горининг сири»да профессор Каримов, «Генерал Раҳимов»да Собир Раҳимов каби эсда қоларли образларни яратди. «Ўзбекфильм» киностудиясида дубляж қилинган талай фильмларда овоз берди. Ўнлаб машҳур видеофильмларда бош ролларни ижро этди. «Навоий» видеофильмидаги Ҳусайн Бойқоро, «Улуғбек ҳазинаси»даги Мирзо Улуғбек, «Имон»даги профессор Комилов ва бошқа образлар актёрлик санъатининг бебаҳо намуналари бўлди.

Бугун яқинлари, шогирдлари, мухлислар санъаткорнинг ёниқ қалб ҳарорати жо бўлган «Ҳар бир киши улкан чўққиларга интилади. Чўққига чиқиб олганидан сўнг ортада қолган довларга қачинча қаради. Чўққига чиққан Кўёш ҳам она ерга таъзим қилади. Мен ҳам санъаткор бўлганимдан фахрланиб, қайта дунёга келгудай бўлсам, яна халқимга хизмат қилиб умр ўтказардим. Ахир, хизмат қилиш даври келди-ку!» мисраларини эслаб, соғинч билан ёдга олади.

Гулноза ТУРҒУНБОЕВА.



## С наступающим Новым годом!

**ЗДОРОВЬЕ**

### Где найти новогоднее настроение?

Усвоим несколько простых правил: старайтесь избегать отрицательных эмоций, снижайте уровень стресса и держитесь ближе к источникам позитива.

Вспомните о том, что в уходящем году вы много и плодотворно работали, и теперь настало время уделить себе, любимому, чуточку внимания.

В предновогодний день пойте и смейтесь вместе с певцами и юмористами, смотрите кинокомедии, общайтесь с позитивными людьми. Их заряд должен хватить на всех с лихвой – станьте аккумулятором, «подключитесь» к веселым друзьям, сослуживцам, родственникам, накапливайте хорошее настроение.

Не забывайте о том, что, сидя за новогодним столом, вы должны чувствовать себя наилучшим образом. Для этого надо:

– чтобы 31 декабря в вашем рационе был и завтрак, и обед, и легкие перекусы между ними. Готовя праздничный стол, мы, как правило, практически ничего не едим в течение дня и к моменту, когда все собираются за столом, съедаем сразу много. В результате пища не усваивается, и мы идем спать с полным желудком, а наутро – 1 января имеем желудочно-кишечные проблемы;



– не садитесь за стол на голодный желудок, выпейте стакан воды, съешьте фрукт;

– готовьте столько, сколько в действительности можете съесть, так как гора салата в салатнице провоцирует докладывать его в тарелку снова и снова, приводя к перееданию;

– пища не должна быть тяжелой. Снижьте калорийность традиционных салатов, заменяя майонез на соус, приправленный самостоятельно из нежирного йогурта, с добавлением любимых специй. Разбавьте меню рыбными блюдами и морепродуктами. Приготовьте больше легких закусок из свежих овощей,

зелени и фруктов, заправленных соком лимона или граната, натуральным йогуртом;

– начните новогоднюю трапезу с овощного салата, заправленного растительным маслом. Полезная пищевая клетчатка не только на какое-то время удовлетворит аппетит, но и будет способствовать перевариванию основной пищи. Ешьте медленно, ведь новогодняя ночь длинная, торопиться некуда.

#### Как восстановиться после праздника?

Пройдет Новый год, наступят будни, работа, обычные хлопоты. Как с наименьшими потерями пережить этот период?

1. Чтобы помочь пищеварительной системе, включите в меню кисломолочные напитки низкой жирности. Обратите внимание на продукты, богатые пищевыми волокнами: овощи, фрукты, зерновые культуры, например, хлеб с отрубями.

2. Восстановите сон. Адаптация к раннему подъему займет 5 дней, в течение которых могут чувствоваться сонливость, усталость, снижение концентрации внимания.

3. Очистите печень от токсинов. Это можно сделать с помощью гречки, овсянки, нежирного творога, капусты в любом виде, свежей листовой зелени, овощей, фруктов, отвара шиповника.

4. Чтобы восстановить работоспособность, советуем употреблять морскую капусту. Она содержит полезные вещества, улучшающие функцию щитовидной железы.

#### Запретное меню

На период восстановления организма стоит отказаться от жирных сортов мяса и полуфабрикатов из них, майонеза и соусов на его основе, ограничить употребление сладкого.

Не забудьте проконсультироваться с врачом.

## Зачем носить шапку зимой?

Народная мудрость советует держать ноги в тепле, а голову – в холоде. Однако врачи настаивают надевать в холодное время года шапку.

Открыта у вас голова или руки, тепло с одинаковой скоростью уходит через любой участок тела, в зависимости от его площади. Забавный факт: площадь головы ребенка относительно тела больше, чем у взрослого, поэтому детям действительно нужно носить шапки.

Также в холодное время года в организме снижается противовирусный эффект интерферонов – белков, которые борются с вирусами. Поэтому зимой человек более восприимчив к заболеваниям.

К тому же, обморожение ушных раковин, ринит, синусит и отит – болезни, которые могут реально угрожать противникам головных уборов.



## ПОЗДРАВЛЕНИЕ

Поздравляю всех наших соотечественников, в том числе сотрудников правоохранительных органов, с Новым годом.

Желаю в 2021 году исполнения желаний, благоденствия и мира каждой семье. Мы, стражи порядка, считаем, что обеспечение спокойствия народа – цель нашей службы, и задействуем для ее достижения весь свой потенциал. Мы прекрасно понимаем, что наши бдительность и ответственный подход к своим обязанностям защищают людей от возможных угроз, помогают предотвращать преступления и правонарушения. Поэтому в дни новогодних праздников сотрудники органов внутренних дел остаются на своих постах, принимают меры по обеспечению общественной безопасности, чтобы узбекистанцы могли встретить наступающий год в радостной и спокойной обстановке.



Пусть Новый год принесет только хорошее, будет наполнен радостью, прекрасным настроением. Пусть в нашей стране царят мир и спокойствие.

С ПРАЗДНИКОМ!

**Алена ЖУМАЕВА,**  
старший эксперт ЭКО  
УВД Джизакской области,  
подполковник.



## Поздравления

Умида БЕКМУРОВОДА, старший дознаватель следственного отдела ОВД № 1 УКД ОВД Шайхантахурского района г. Ташкента, старший лейтенант:



– В преддверии Нового года по-особому теплые и радостные чувства переполняют душу. Ведь это праздник нашего детства, с елкой, украшенной игрушками, гирляндами и разноцветной иллюминацией, ароматно пахнущими мандаринами и подарками от Деда Мороза. И хотя волшебное детство ушло навсегда, все же праздник остается жить в наших сердцах, и каждый раз мы его встречаем по-новому.

Вступая во взрослую жизнь, я в один из дней сделала важный для себя выбор – встала в строй органов внутренних дел, и теперь работаю в следственном звене. В подразделении, в котором служу, немало молодежи, и все они патриоты своей страны, верные своему профессиональному долгу и предназначению – стоять на страже мира и законности, оберегая спокойствие и мирный труд нашего народа.

Хочу от души, искренне пожелать всем крепкого здоровья, домашнего уюта, семейного благополучия. Пусть наступающий 2021 год принесет нам удачу и исполнит самые заветные желания.

С Новым годом, друзья!



Главный инспектор  
УМС МВД подполковник  
Шухрат АГЗАМХОДЖАЕВ:

– Уходящий год был непростым для многих. Всем нам хочется в трудную минуту ощутить чувство локтя и получить поддержку. Особенно от близких и тех, кто призван защищать наше спокойствие, – сотрудников правоохранительных органов.

Желаю, чтобы новый год принес в каждую семью счастье, благополучие, уверенность в завтрашнем дне и радость от жизни, которая сама по себе является бесценным даром!



Владимир ЛОГАЧЁВ,  
ветеран органов внутренних  
дел, капитан в отставке:

– Сердечно поздравляю с наступающим Новым годом всех коллег, с кем на протяжении многих лет плечом к плечу служил в подразделениях органов внутренних дел столичной области, а также молодое поколение стражей правопорядка, ответственно несущих нелегкую службу во имя укрепления мира и стабильности в нашей стране.

Пусть 2021 год принесет в каждый дом мир согласие! Желаю здоровья, счастья, благополучия, много радостных дней среди родных, близких и друзей!

### БИЛИБ ҚҲЙҒАН ЯХШИ

## СИГИР МУЧАЛИДА БИЗНИ НИМАЛАР КУТМОҚДА?



Мунажжимларнинг фикрича, ҳар бир инсон умри давомида бир нечта ўн икки йиллик циклини бошдан кечиради. Шарқ аъналарига мувофиқ, бу вақт давомида ҳар бир йилнинг ўзига хос томонларини рамзий ифодаловчи у ёки бу жонивор тимсолидаги турли йиллар бирин-кетин ўтаверади.



► Астрологлар бу йилда касб-соҳа ўзгартириш, бошқа жойга кўчиб ўтиш, саёҳат ва хизмат сафарига чиқишда ўта диққат-эътиборли бўлишни тавсия этишади. Негаки, сигир мучали кескин ўзгаришларни ёқтирмайди ва унинг мувозанатини бузишда эҳтиёткор бўлиш лозим.

► Яқинлашиб келаётган 2021 йил рамзи ҳисобланган сигир мучали индивидуал ижод билан шуғулланувчи инсонлар, айниқса, қўл меҳнати билан маҳсулот яратувчи хунармандлар, рассомлар ва бошқа касб эгалари учун унумлидир. Бу йил фақат режалар тузиш учун эмас, уларни амалга ошириш бўйича машаққатли саъй-ҳаракатлар учун мўлжалланган. Агар ишсизлар жиддий меҳнатга киришмаса, ушбу мучалда қийинчиликка дуч келиши мумкин.

► Сигир мучали асосан унумдорлик, серҳосиллик йили ҳисобланади. Бу қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиш, деҳқончилик ва чорвадорликнинг илғор технологияларини жорий этиш учун энг мақбул даврдир. Бу вақтда, одатда, табиий катаклизмлар (кескин ўзгаришлар) – на қурғоқчилик, на дўл ёғиши, на экинларнинг нобуд бўлиши кузатилади.

► 2021 йилда фарзанд кутаётган оилалар шуни билиши лозимки, бу мучалда асосан соғлом, тиришқоқ, интизомли, меҳнатқаш ва ҳаётий қийинчиликлардан қўчмайидиган кучли инсонлар туғилади.

► Мантиқий фикр юритиш қобилияти муҳим устуворлик касб этган балиқ, илон, йўлбарс ва сичқон мучалида туғилганларни келгуси йилда бизнес ва иш фаолияти давомида бир қатор муваффақиятлар кутмоқда. Маймун, от, тўнғиз ва йўлбарс йилида таваллуд топганлар ўз истеъдодини лойиҳа тузиш ва IT-технологиялар билан боғлаган ҳолда намойиш этса, бу йил улар учун омадли келади. Ҳаёт йўлида ўз жуфтини топишга улгурмаган сигир, қўй, товуқ ва тўнғиз мучали соҳиблари учун бу йил яхши имкониятлар тақдим этади. Уларнинг ўз умр йўлдошини топиш ёки оила қуришга қарор қилиш эҳтимоли бу йил ўта юқоридир.

► Кейинги йилда хонадон тинчлиги ва оила фаровонлиги муҳимдир. Сигир йили барқарорлик ва тартибни таъминлайди. Олиш эмас, беришга интилганлар мўл-кўл мукофотланади.

► Сигир хотиржам ва ўзига ишонган ҳайвон, лекин унинг жаҳлини чиқариш ярамайди. У мақтанчоқлик, ёлғон ва намойиш-корона хатти-ҳаракатларни ёмон кўради.

► Кутилаётган йилда ўзингизни тартибли ва муносиб равишда тутинг, шунда ҳамма ишингиз омадли кечади. Ушбу мучал ишончлилик тимсоли, демакки, бу йилда сабр-тоқат, вазминлик ва масъулият каби хусусиятлар қадрланади.

**2021 йилда бизни бир талай ишлар кутмоқда. Кимки ҳалол меҳнат қилса, мазкур мучал ишда муваффақиятлар қозонишга, бизнесни йўлга қўйишга, жамғармани фойдали ишга сарфлашга ва амалга оширилган саъй-ҳаракатлардан ижобий натижа олишга ёрдам беради.**

Гулчеҳра АЗИМОВА тайёрлади.



ИБРАТ

# ТАҚДИР ИШОРАЛАРИ



Бир одамнинг учта орзуси бўлган экан: ойлик маоши юқори бўлган яхши ишга эга бўлиш, гўзал ва доно қизга уйланиш ҳамда дунёга машхур бўлиш.

Қишнинг изғиринли кунларидан бирида йигит донғи кетган бир компанияга ишга кириш илинжида суҳбатдан ўтиш учун кетарди. Бирдан унинг қаршисидан келаётган бир кекса киши яхмалакда сирланиб, йиқилиб тушди. Бизнинг қахрамонимиз унга бир боқди-ю, лекин ёрдам қўлини узатмай, шошганча йўлида давом этди. У суҳбатга ўз вақтида улгурди, аммо ишга олинмади.

...Кунлардан бирида у тунги шаҳар бўйлаб сайр қиларди. Кўчада томошалар кўювчи бир гуруҳ артистлар ўз истеъдодини намойиш этаётган эди. Шунда бирдан кимдир унинг елкасидан туртди. Йигит ўгирилиб қаради-ю, ёнида масхарабоз кампир турганини кўрди. У билан суҳбат кургиси келмади, жирканиб ортига ўгирилди ва уйи томон кетди.

...Ёмғирли оқшомлардан бирида йигит дўстининг

туғилган кунидан қайтарди. Кун жуда оғир ўтган бўлиб, у тезроқ ванна қабул қилиб, юмшоқ ўринга ётишга ошиқаётганди. Бирдан у кимнингдир йиғлаётган бўғиқ овозини эшитиб қолди. Ўрта ёшли бир аёл ўриндикда ўтирганча дардли кўз ёш тўкарди. Совуқ кунда эгнига энгил камзул кийган хотиннинг қўлида соябони ҳам йўқ эди. У ўзига ҳайрон бўлиб боққан кишига фибригларларнинг найранги қурбони бўлгани ва уйдан айрилганини алам билан сўзлаб берди. Лекин тезроқ ҳордик олишни истаётган йигит вақти йўқлигини, ҳеч қандай ёрдам бера олмаслигини айтиб, ичкарига кириб кетди.

Орадан йиллар

ўтиб, бахт нима эканини билмай қариб қолган қахрамонимиз бир куни туш кўрибди. Тушида у фариштага шундай дебди:

— Биласанми, ҳаётим жуда бахтсиз ва маънисиз ўтди.

Учта орзуим бор эди. Лекин, афсуски, ҳеч бири рўёбга чиқмади.

Қари масхарабоз аёл ҳам ёдингдадир? Аслида, у гримдаги гўзал бир қиз эди. Иккинчисини бахтли оилавий ҳаёт кутаётганди. Лекин сен ўз бахтингдан юз ўтирдинг.

Шаррос ёмғир ёғаётган куни уйинг ёнида йиғлаб ўтирган ночор аёл эса машхур ёзувчи эди. Агар унинг дарди

га кулоқ тутиб, қўлингдан келганча ёрдам қилганингда, у китобларидан бирини сенга бағишлаб, қилган яхшилигингни тилга оларди. Бу воқеа келтирилган китоб, унга қўшиб сен ҳам дунёга танилган бўлардинг. Ҳаёт йўлинда сендан фақатгина меҳрли, эътиборли ва марҳаматли бўлиш талаб қилинганди. Аммо сен безътибор бўлдинг, дўстим...

Қария чўчиб уйғониб кетди ва гамгин кўзларини шифтга тикканча, оғир хўрсинди.

## Шунда фаришта ҳам тилга кирибди:

— Эҳ, дўстим. Аслида, тақдир орзуларинг амалга ошиши учун сенга бир неча имконият тақдим этган эди. Сен шунчаки кўзингни каттароқ очиб, ёрдам қўлини узатишинг ва меҳр улашинг керак эди, холос. Қишнинг сирпанчиқ йўлларида қаршингда йиқилган одам эсингдами? У ўша сен шошаётган машхур фирманинг бош директори эди. Унинг машинаси бузилиб қолиб, бир бекат пиёда юришига тўғри келганди. Агар унга ёрдам берганингда, сени омадли иш фаолияти кутаётганди.

Рус тилидан Гулчеҳра АЗИМОВА таржимаси.

## БАЙРАМ ШУКУҲИ



— Бозорда мушак сотаётган эдим, биммай сигарет чекиб қўйибман!

РАССОМ ТАБАССУМИ

Хусан СОДИҚОВ чизган расмлар.

Postda  
Ha no'xti

MUASSIS:

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir —

polkovnik  
Bernora SADIKOVA

Bosh muharrir o'rinbosari —

mayor Azizjon FAYZIYEV  
katta leytenant  
Aziza BOHODIROVA

Mas'ul kotiblar —

Jahongir SHAROFBOYEV  
Erkin SATTOROV

Navbatchilar —

Sherzod ABDUSAMADOV  
Aziza JANIYEVA

Sahifalovchilar —

Iltom JUMANOV  
Akbar BOLTAYEV

TELEFONLAR:

71-231-33-88;

Faks: 71-231-40-05.

Obuna masalalari  
bo'yicha:

71-231-38-74;

95-177-32-31

Web-site: www.postda.uz

E-mail: info@postda.uz

ISSN 2010-5355



Tahririyat

hisob raqami

2021000900447980001.

Bank kodi 00420.

ATIB

«Ipotekabank»ning

Mirobod

filiali.

STIR 200637499.

Tahririyatga kelgan qo'l-yozma va suratlar egasiga qaytarilmaydi.

Nashrimizdan ko'chirib bosilganda manba ko'rsatilishi shart.

Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonalar manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020-yil 13-yanvarda 0120-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Buyurtma №V-4492.

Bosilish — ofset usulida.

Bichimi — A3. Hajmi — 6 bosma taboq. 53 664 nusxada chop etildi.

Obuna raqamlari:

Yakka tartibda — 180.

Tashkilotlar uchun — 366.

Bosishga topshirish vaqti — 22.00.

Bosishga topshirildi — 21.00.

Sotuvda kelishilgan narxda.

MANZILIMIZ:

100070, Toshkent shahri,  
Shota Rustaveli 1-berk  
ko'chasi 9-uy.